

84(54)6
p 18

Гуљчехра РАЗЗОКОВА

ЧИМИЛДИК КҮРМАГАНЛАР

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**


Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--	--

Гулчехра РАЗЗОКОВА

ЧИМИЛДИҚ КҮРМАГАНЛАР

Кисса



**Тошкент
«IJOD-PRESS»
2017**

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

P18

Раззоқова, Гулчехра

Чимилдиқ кўрмаганлар: қисса / Г.Раззоқова. – Тошкент: «IJOD-PRESS», 2017 – 192 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Одам савдоси, инсон тақдирини хаспўлаш, ўзгалар ҳаётини бир чақага олмаслик, оқибатсизлик каби ноинсоний муносабатларни яққол фош қилиш мазкур асарнинг ғоявий мазмунини ташкил қиласди.

Асар қаҳрамони гўзал Маҳфузга ҳаётга енгил-елни қарайди, тезроқ бойиб кетишни истайди ва бир умр тузатиб бўлмас қалтис хатога йўл қўяди. Асада Маҳфузанинг кемтиқ тақдирни, унинг руҳий кечинмалари ҳақида сўз боради. У меҳр-оқибатли, кечиримли, яхши одамлар қуршовида эканини кейинроқ тушуниб етади. Вижданни азобланади, лекин энди кеч эди...

Тақризчи:

Набиҷон ҲОШИМОВ – Ўзбекистон Ёзувчилар юшмаси аъзоси, адаб

ISBN: 978-9943-994-62-1

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2017

Ёзниг жазирамасида гавжум шаҳар кўчаларида ҳам одамлар сийраклашиб қолади. Бирор ишни битириш илинжида ёки ташвиш билан мажбуран кўчага чиқсан одамларни айтмаса, деярли ҳамма ўзини соя-салқинга урган. Кўча-кўйда асосан етаклашиб юрган ёш-ялангларни, талаба бўламан деб олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитетурентларни, ёзги имтиҳонлардан тезроқ қутулиб таътилга чиқиб кетиш илинжидаги талабаларни учратиш мумкин.

Шаҳар чеккасидаги шифохона ҳовлисида тиббиёт коллежининг бир груп қизлари ҳам қадим чинорлар соясида амалиёт соати тугашини кутиб вақт ўтказишарди. Уларнинг орзу-ниятлари ёшларига яраша бир оз романтик, содда ва айримлари ҳавоий ҳавасланган.

— Ҳой қизлар, кейинги ҳафтадан амалиётимиз ҳам тугайди, — деди қандайдир орзиқиши билан хушрўйгина Маҳфузадеган қиз сузилиб.

— Бир ойдан кейин қарабизки, дипломли бўлиб мустақил иш бошлаймиз. Ҳаммамиз ҳар томонга учрма бўламиз.

Бу гап қизлар хаёлини аллақайси томонларга олиб қочди. Ҳаммалари жимиб, ўз орзулари уммонига чўмди.

Атрофдан бемор етаклаган ҳамширалар, шошиб юрган шифокорлар ўтиб қолар, аммо қизлар уларга бепарводек, ўзлари билан андармон эди.

— Ҳа, ҳаммаси бирпасда ўтиб кетгандек. Ахир, яқиндагина ўқишига кирган эдик-а, уч йил жуда тез ўтдикетди, — сукунатни бузган бўлди Гавҳар узун соchlарини ўйнаб.

— Вақтнинг тез ўтганлигини қаранглар, — деди маъюслангандай Раъно.

Кейин бошқалар ҳам ўқиши даврининг тез ўтгани, вақт дегани оқар дарё эканлигини ҳаяжон ва китобий сўзлар билан таърифлай кетишиди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Ҳа, ҳаёт деганлари югурик бўлар экан...
- Вақтни ушлаб бўлмайди, дейишади-ку...
- Олтин давримиз шу бўлса керак, қизлар...

Катталардан эшитган, китобларда ўқиган, аммо ўзлари ҳали бу гапларнинг салмоини унчалик ҳам тушунишмаса-да, бу қизлар ўзларини айни пайтда анча улфайган, кўп нарсани биладиган, ақллари тўлишган, деб ҳисоблашарди.

— Ўқиши битираётганимиз яхши-ку-я, энди бу ёғига иш топиш деган масала бор, — деди Маҳфузга қизларга савол назари-ла қараб.

— Мен ойим ишлаган оиласий поликлиникага бориб, уларнинг ишларини давом эттироқчиман, — деди Сурайё исмли қиз мағрурлик билан.

— Мен ҳарбийда ҳамшира бўлиб ишламоқчиман, — кескин оҳангда ишонч билан гапирди бўйчан Раъно бошини тик кўтариб.

— У ерда формада юришади, у одамга салобат бағишладиди, маоши ҳам анча юқори.

— Мен эса ҳали бир қарорга келганимча йўқ, — дея Гавҳар шошиб ёнидаги дугонасига ўгирилди: — Сен-чи, Маҳфуз? Сен қаерларни мўлжаллаб юрибсан?

Кутилмаган бу савол анчадан бери атрофдаги касалларнинг юриш-туришини кузатиб ўтирган Маҳфузани сергак тортириди. У бир лаҳза тин олиб, сўнг жавоб берди:

— Мен... мен.. «Меҳрибонлик жамиятлари» бўлганда эди, ўша ерда ишлардим, — деди жиддий оҳангда.

Қизлар унга ялт этиб қаравади. Сўнг ҳаммалари бирданига чуғурлашиб сўрай кетишиди:

- Қаерга?
- Меҳрибонлик жамияти, деди шекилли?
- Ўҳ-ҳў, бу дейман, Маҳфузоннинг меҳр-мурувват-

лари тұлиб-тошганга ўхшайды, қызлар. Тұсатдан бу йүналишни танлаб қолибдилар, – деди Гавҳар кинояли оқанғда ҳазиллашиб.

– Гап меҳр-муруватда эмас, – Маҳфузада рўмолчаси билан елпиниб. – Ўйлаб қарасам, бирорта бой ёки ёлғиз қарияни топсанг бўлди, уйига бориб ҳолидан хабар олиб юрсанг бутун мол-мулкини сенга ташлаб кетади.

– Э, ҳа. Гап бу ёқда экан-да, дугонажон! Мен сени ростданам кўнглингда хайр-саҳоват туйғулари жўшиб, ўзингни инсонпарварликка баҳшида қилмоқчимисан, деб ўйлабман. Сурайёниг гапидан қызлар хандон отиб кулиб юборишидди. Улар бир-бирларининг гапларини гоҳ чин, гоҳ ҳазил, деб қабул қиласар, аммо шу ҳазил аралаш билиб-бilmай асл ниятларини ошкор қилаётгандарини англашиб етмасдилар.

Шу пайт катта ҳамшира уларнинг олдига келиб жонлантириш бўлимидаги беморни палатага олишга қарашиб юбориши сўради. Қызлар бир зум бир-бирларига маъноли термулишди-да, итоаткорона ҳамширанинг ортидан эргашибиди. Улар жонлантириш бўлимига кириб боришганида, бемор аёлни олиб чиқишаётганди. Сурайё беморни кузатиб туриб Маҳфузанинг қулоғига пиchinг аралаш шивирлади:

– Маҳфузада, орзуларинг ушаладиган кўринади. Қара, кампир эканми? Қулоғидаги зиракларига қараганда бойга ўхшайды, нима дединг? Бриллиант шекилли? Сен боп эканми?

Дугонасининг кесатиги Маҳфузани ғашини келтирди. Бир нима деб Сурайёни чақиб олмоқчи бўлди-ю, яна нималарнидир ўйлаб, тилини тишлиди, юзини терс буриб унинг ёнидан нари кетди ва кампирни жойига ётқизаётган ҳамшираларга астайдил ёрдамлаша бошлиди.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Маҳфузанинг дабдурустдан қилаётган бу ҳаракатлари қизларни ҳайрон қолдирди. Гавҳар “нима бўлди ўзи” дегандек Сурайёга имо қилди. Сурайё эса “билмадим” дегандек жилмайиб елка қисди.

Унинг хатти-ҳаракати дарров катта ҳамширанинг эътиборини тортди ва беморга айнан Маҳфуза қараб туришини тайинлади. Ҳамшира кўрсатмаларидан ҳаяжонланган Маҳфуза дастлаб бемор аёлнинг ҳароратини ўлчади. Тумба устида турган дориларни бирма-бир кўздан кечириб, ичириди. У ўзининг ишончли хатти-ҳаракатларидан борган сари завқланиб салкам шифокордек сеза бошлади. Ахир, унинг ўзи мустақил ҳолда беморга қараётганди-да.

Шундан кейин ҳам Маҳфуза кекса онахон ҳолидан тез-тез хабар олиб, жуда хушмуомалада бўлди. Қизнинг бу қуюнчаклик билан уринишлари кампирга ҳам ёқиб шифокор келганида мақтади.

— Дўхтиржон, сиздан илтимос, тузалиб чиққунимча шу ҳамшира қизингиз менга қараб турсин. Барака топсин, айланай, худди катта дўхтирлардай ҳамма нарсани билади-я! Мулойим гапини-ю, меҳрибончлигини айтмайсизми, айниқса.

— Кўрдингми, қизим? Ўрта ёшлар атрофидаги шифокор кўзойнагини кўтариб Маҳфузага кулиб қаради.

— Энди сен шу холага масъулсан. Онахон даволаниб, тузалиб кетгунларича қараб турасан, хўпми?

— Майли, нима десангиз шу, — деди Маҳфуза ийманибгина.

Бу гапдан ҳаммалари мамнун бўлиб, кайфиятлари кўтарилди, ҳазил-ҳузил қилишди. Амалиёт кунларини кўпроқ шу палатада ўтказишга Маҳфузага ҳам тайёр баҳона-ю, сабаб топила қолди. Ҳамшираларга қўшилиб дори-дармонларни келтириш, беморлар туриб-ўтирганда суюб юбориш, бирор тиббий жиҳозни келтириш

каби юмушларни бажариб юрди. Ҳеч ким йўқлигига кампирдан ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, аста-секин унинг оиласиий аҳволини ҳам сўраб-сурештириди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Маҳфузга катта ҳамшира ташлаб кетган дориларни тумбага жойлаётган маҳал палатага бир йигит кириб келди.

— Ассалому алайкум, бувижон! Яхшимисиз? Бизни анча қўрқитиб юбордингиз-ку. Хизмат сафарини қолдириб сизни кўришга ошиқдим, — деди у ёш боладек бувисининг бағрига ўзини ташлаб.

Дардлари эндиғина ариб, соғая бошлаган кампир шуни кутиб турган эканми, кўз ёшлари билан неварасининг юз-кўзидан ўпди.

— Соҳибжон болам, бормисан, бирам соғиндимки...

Улар обдон сўрашгач, кампир аста тин олиб бошидаги рўмолини тузатиб жилмайди:

— Энди бу ёғи қаричилик-да, нима ҳам дердим, болам, — дея у ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб неварасини суюб елкасига қоқиб қўйди.

— Ҳа, майли, мен яхшиман, Ўзинг-чи, тузукмисан? Ишларинг яхшими?

— Яхши... Сизга-чи? Нима бўлди, бувижон, одамни хавотирга солиб қўйдингиз? Дўхтирлар яхши қарааша-яптими? Соҳибжон ҳол сўраган кўйи бувисининг ранг-рўйига разм солар экан, “дард дегани ичдан емирап экан-да одамни”, деган хаёл ўтди.

— Худо хоҳласа, бу ёғига тузалиб қолдим. Яхшияники, мана шу ҳамшира қизим бор экан, — деди кампир Маҳфузага томонга имо қилиб. — Тезроқ тузалишимга ёрдам бермоқда.

Шунда Соҳибжон кандайдир дорини бувисига ичириш учун тайёрлаётган Маҳфузага қаради ва шошиб унга миннатдорчилик билдирган бўлди:

— Раҳмат сизга!

Йигитнинг самимиятидан беғуборлигини сезган

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Маҳфуза, латиф овозда, бир оз ибо билан:

— Бувимизга қарагиси келмаган одамнинг ҳам қарагиси келади, — деди ва онахоннинг олдига келиб: — Қани бувижон, мана бу дориларингизни ҳам бир ичиб олинг-чи, — дея пиёладаги сув билан дориларни унга узатди.

У қолган дориларни тумбага жойлар, у-бу нарсаларни тартибга келтирас ва бу хатти-ҳаракати билан ўта муҳим ишларни бажараётгандек таассурот уйғотарди. Палатадан чиқиб кетар экан:

— Яна бирон нарса керак булса, тортинмай чақираверинг, хўпми? — дея меҳрибончилик билан айтган гап-сўзлари Соҳибжонинг эътиборини тортмай қолмади, албатта.

— Болам, — деди кампир неварасини зимдан кузатиб, — сени мана шундай ҳамшира қизга уйлантириш керак. Бу қизи тушмагир бирам ақлли, меҳрибонки, ичгинг келмай турган дориларни ҳам ичиб юборасан. Ўйлаб қарасам, ойингнинг ҳам тез-тез қон босими кўтариладиган бўлиб қолган. Агар ҳамшира қизга уйлансанг, ўзи бизларга муолажа қилиб юраверади-да. Нима дединг?

Бувиси шу тобда бундай масалада сўз очишини кутмаган Соҳибжон дастлаб бир оз ҳаяжон билан иккилануб қолди. Сўнг уялиб бош иргаганича астагина жавоб қилган бўлди:

— Ҳали ўйланиш ҳақида...

Набира гап бошлиши билан бувиси:

— Йигирма тўртга кирайпсан. Вақти бўлди, энди ўйланишинг ҳам керак, болам. — Кампир янада жиддий тортиб, неварасининг бошини силади. — Биласанми, кеча тунда фақат сени ўйладим, — деди чукур хўрсаниб.

— Нега бувижон?

— Чунки энг яхши неварамнинг тўйини кўрмай кетиши... — дея бир оз тин олди. — Йўқ, ҳали кунларим бор экан. Энди сени тўйингни кўрсам армоним қолмасди.

— Қўйсангиз-чи, бувижон, унақа деманг, ҳали кўп яшайсиз.

Шу пайт оstonада чойнак кўтарганча Маҳфузा кўриниш берди. Унинг нозик қадамлар билан кириб келиши, чойнакни авайлабгина тумба устига қўйиши ҳамширадан кўра ёш келинчакни эслатарди.

— Бувижон, сизга чой дамлаб келдим. Иссиқина ичиб оларсиз, — дея одамни ўзига маҳлиё қилувчи қадамлар билан у ортига бурилди.

Шу тобда Соҳибжон қизга эътибор қаратди. Бувиси буни сезиб, жонланди.

— Болажоним, кўрдингми, тасодифнинг ўзи тақдирингга ишора қиласяпти, — деди қувончдан юzlарида ой балқиб.

Кампир бу гаплари билан айнан бу ҳамшира қизни назарда тутиб эмас, умуман, неварасининг тезроқ қиз танлаб уйланиш тўйини кўришини истаётганини яна бир бор билдириб қўйганди.

* * *

Соҳибжон касалхона ҳовлисидан чиққанида негадир кайфияти баланд, худди қувончли бир нарсага эришгандек сезарди ўзини. Аввало бувисининг ҳолидан хабар олиб касалхонага келганига ўзидан мамнунлик ҳис қилар экан, ўй-хаёллари бувиси ёнидаги қиз томон кетди. “Хушрўйгина, юриш-туришлари ҳам мулоим, анча меҳрибон кўринади. Эндиғина ишга келган ҳамширлардан, шекилли? Бувимга ҳам бирпасда ёқиб қолган кўринади. Ҳамма ҳамшира қизлар шунақамикин ёки бу бошқачами? Бувимга меҳрибончилиги ёқиб, кўзига

Гулчехра РАЗЗОКОВА

яхши кўриниб кетгандир... Лекин қариялар бир нимани сезмаса гапирмайди. Тағин ким билади дейсиз..."

Соҳибжоннинг тошдек қалбини бувисининг гаплари эритдими, у энди Маҳфузага бошқача кўз билан қарай бошлади. Қизнинг ҳусну жамолидан сеҳрлангандай эди. Гўё у анчадан буён ахтарган маликасини топгани, кўнглидаги кемтикни мана шу қиз тўлдирадигандек туюлди. Унинг қалбида шу чоққача ҳеч қачон ҳис қилмаган ажиб туйғулар ғалаён қилди. "Наҳотки, мен излаган қиз шу бўлса, наҳотки севги деганлари шу бўлса" деган хаёллар кўнглидан ўтди. Буни Соҳибжон бир кўришда севиб қолиш, деб тушунди. Энди нима қилиб бўлса-да, қизнинг кўнглини олиш истаги унга тинчлик бермай қўйди. Балки қизнинг севгани бордир? Балки у Соҳибжонни ёқтирмас! Балки... Ана шу каби жавобсиз саволлар йигит қалбини азоблай бошлади. Ахийри у қиз билан юзма-юз гаплашиб олиш учун шифохонага бувисини баҳона қилиб тез-тез келиб туришга қарор қилди. У шундай ўй-хаёллар билан автомашинаси томон юраркан, эртага албатта, Маҳфузани яна кўришни дилига туғиб қўйди.

* * *

Бу орада Маҳфуза ҳам Соҳибжоннинг ёлғиз ўғиллиги, отаси катта тижорат компаниясининг эгаси эканлиги тўғрисидаги гапларни бувисидан эшитиб бўлганди. Бувижоннинг гапларига қараганда қўша-қўша машиналар, данғиллама уй-жойлари ҳам бор экан. «Автомашина, данғиллама уй-жой, амалдор қайнота... Ўзи эса бозор биқинидаги ҳайҳотдек хусусий дўконни бошқараётгани ва уч нафар ёлланма сотувчи орқали, унга катта пуллар "оқиб" келаётган бўлса. Куёвмисан, куёв! Мана шунаقا йигитга турмушга чиқсанг, маза қилиб яшайсан», – дея уйларди Маҳфузга. Ҳамма унга ҳавас

билан қарайди. Рост-да, ким ҳам яхши яшашни истамайди... Бувижонига ҳам анча ёқиб колдим шекилли... Ҳа, нима? Салкам ҳамшира, чиройли, меҳрибон бўлсам... Ана шундай ҳавоий ҳавасга нима қилиб бўлса ҳам тезроқ эришиш учун Маҳфузга ҳамма нарсага тайёр эди. У кун сайин бувижонга ўзини янаям меҳрибон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиб, унинг атрофида гирди-капалак бўлди-қолди. Бу орада Соҳибжон Маҳфузани бир неча марта кўрди. Қиз унга маъқул келди. Лекин у дилидаги гапларини унга айтишга журъати етмади. Маҳфузга билан учрашган дамлари, хаёлида ўйлаб юрган сўзларни айттолмасдан қийналиб юрди. Шу боис юрагида бир умид бўлиб куртак отаётган муҳаббатни ошкор қилолмади. Маҳфуз эса бу унаётган куртак ўзиники эканлигини аллақачон англаб етганди. Нихоят бувижонга касалхонадан жавоб бериладиган бўлди. Шу куни Соҳибжоннинг ўзи уни олиб кетишга келди. Палатада бувисининг нарсаларини йиғишираётган Маҳфузага дуч келиб, бу сафар улар бегонадекмас, аксинча, яқин кишилардек сўрашиши.

- Маҳфузахон, бувим кўринмаяптилар, қаерга кетдилар?
- Шифокорнинг олдига касалик варакасини олгани чиқувдилар.

Соҳибжон бирпас ўйланиб турди-да, сўнг юрагидаги гапни айтишга журъат қилди.

- Сиз билан... Эртага учрашсак, дегандим...

Очиғи бу таклифни Маҳфузга кутилмаган ҳол деб қабул қилмади. Аксинча, барча уринишлари шунга қаратилган, аллақачон бу сўзни интиқ кутган бўлса-да, аммо бунчалик тез таклиф бўлиши уни ҳаяжонлантириб қўйганди. Ўзини бефарқдек, соддаликка олиб кўзларини пирпиратиб сўради:

- Нимага?

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Сиз билан янада яқинроқ танишмоқчиман, — деди Соҳибжон худди таклифи ерда қоладигандай чўчиб.

— Бу саволга жавоб бериш қанчалик қийинлигини биласизми?

— Йўқ билмайман.

— “Йўқ” десам, сизни хафа қилиб қўяман. “Ҳа” десам, нотўғри тушунишингиз мумкин, — деди Маҳфузса сирли оҳангда. Тумба тортмасини очиб ниманидир қидиргандек бўлса-да, бутун хаёли Соҳибжонда эди.

— Сизни хафа қилмаслик учун учрашайлик десам...

Бундай иболи жавобни кутмаган Соҳибжон буни розилик аломати, деб тушунди ва астагина унинг ёнига келиб тайинлади:

— Эртага, соат бешда сизни миллий боғ олдида кутаман.

Шу вақт остоңада буви кўринди, у неварасининг келганини кўриб суюниб кетди. Соҳибжоннинг Маҳфузса билан кулиб гаплашиб турганини илғаб янада қувонди. Шу тобда икки ёшнинг яна бир оз гаплашиб олишларини истаб, “ҳозир келаман, дўхтиран бир нимани сўраш эсимдан чиқибди” деган баҳона билан чиқиб кетди. Ҳийла вақтдан сўнг у қайтиб келганида Соҳибжон билан Маҳфузса бувижоннинг нарсаларини аллақачон йиғишириб уни кутиб туришарди. Кетиш олдидан “дўхтир қизим”, деб Маҳфузани роса алқаб дуо қилди. Маҳфузса эса нуқул “бувижон, бувижонлаб” хайрлашар, хаёли эса Соҳибжонда эди. Уларни кузатгани чиқиб то машинага ўтиришиб кетгунларича орқала-ридан қўл силтаб хайрлашиб қолди.

* * *

Эртаси куни Соҳибжоннинг назарида вақт жуда имиллаб ўтгандек бўлди. Учрашувга қанақа кийиниб, нималар тўғрисида гаплашишгacha ўйлайвериб хаёлла-

ри чуваланди. Маҳфузага ёқтириб қолганини билдириб қўйиш учун нимадир совға бергиси келди ва беихтиёр хаёлига келган ўйни амалга ошириш учун ойна сотиб олди. Бу муносабатларимиз шунчаки эмаслигини билдириш учун, деб уйлади. У хиёбонга белгиланган вақтдан олдинроқ келиб кутиб турди. Ёз бўлгани учун хиёбонда одам гавжум эди. Соҳибжон чинор тагидаги ўриндиқда ўтириб атрофни кузата бошлади. Кўпроқ ўзига ўхшаш ёш-яланглар айланиб юришар, ўриндиқларда ўтириб гап сотиб кулишарди. “Менга ўхшаб учрашувга чиққанлар ҳам оз эмас экан”, деб ўйлади атрофга боқиб. У қўлидаги гулли қофозга ўралган совғани пайпаслаб кўраркан, ўйланиб колди. Ахир, совғани унга нима деб беради? Бериш учун журъати етармикин? Мабодо олган совғаси унга ёқмаса-чи?

У шундай ўй-хаёллар билан турганида Маҳфузага келганлигини ҳам сезмай қолди. Жилмайибгина саломлашишиб, биргаликда хиёбон йўлакчаси бўйлаб юра бошлашди. Соҳибжон сабри чидамай қўлидаги чиройли ўралган совғани Маҳфузага узатди.

— Бу сизга!

Маҳфузага бир унга, бир совғага қараб иккилланиб қолди. Сўнг индамай қўл чўзиб сўради:

— Нима бу?

— Юрагимнинг ойнасини сизга бераяпман.

— Ҳазиллашаяпсизми? Юракнинг ҳам ойнаси бўлармикин? — дея Маҳфузага йўл четидаги ўриндиқقا бориб ўтириб, совғани секин оча бошлади. Гулли қофоз ичидаги кўзгуни кўриб ҳайрон бўлди-да, уни олиб олдорқасини ўгириб қаради. Сўнг нега кўзгу бераётганини тушунолмай Соҳибжонга савол аломати билан боқди.

— Биласизми, — йигит унинг қўлидаги кўзгуга ишора қилди, — бўйна юрагимнинг ойнаси ва менинг

Гулчехра РАЗЗОКОВА

қалб кўзим. Унга яхшилаб тикилсангиз, юрагимда сиз учун битилган мактубларни ўқийсиз.

Маҳфузा кўзгуга қараб бир зум ўзини томоша қилдида, яна уни астагина гулли қофозига қайта ўраб қўйди.

— Ростдан ҳам ғалати бўлди, — деди жилмайиб.

— Нимага? — ҳайрон бўлиб сўради Соҳибжон.

— Совғангизни назарда тутаяпман. Ўзингиз айтмасангиз, нега кўзгу совға қилдилар, деб ўйлаб юрардим... Хоҳлаганингиздек, энди ҳар сафар ойнага қарасам сизни эслайманми?

— Ҳа... Унинг бир чеккасига “Мен сизни, баҳтимни топдим!” деб ёзиб ҳам қўймоқчи эдим-у... — Соҳибжон илжайиб, ҳавода кўрсатгич бармоғи билан ёзгандек ишора қилди.

Маҳфузা йигитни аллақачон ўзиники бўлганлигини тасдигини кўриб туарди.

— Унақа деманг, — деди янада нозланиб.

— Унақа демасам, сиздай қизга кўнглимдаги гапларни қандай билдираман?

Соҳибжон билан Маҳфуза ҳар иккиси ҳам ёш бўлганлиги учун бу мавзу улар учун ҳозир энг қизиқарли, жўшқин ва сирли эди. Шу боис бу борада шошиб, ҳаяжон билан бир-бирига бераётган саволларнинг адоди кўринмасди. Ҳар иккиси ҳам саволларга ҳам тез ва ўзига хос жавоб беришга ҳаракат қиласиди. Қовушмаган жойлари бўлса, дарров ҳазил оҳангиди нимадир деб қўшиб қўйишарди.

Хиёбонни анча вақт айланиб, бир-бири тўғрисида кўпроқ нарса билишга, ўзлари ҳақида ёқимли таассурот уйғотишга ҳаракат қиласидилар. Улар гавжум тераклар биқинидаги ёзги қаҳвахонага бурилишиди. Шунча гаплашиб юрсалар-да, иккисининг ҳам бир-биридан ажralгиси келмасди. Музқаймоқ баҳона яна бир оз гаплашиб ўтиришиди.

— Бўпти, ниятингизга етдингиз ҳам дейлик, — деди Маҳфуза шу пайтгача гаплашиб ўтирган мавзуни давом эттириб. — хўш, кейин-чи?

— Кейинми... Мен сизни баҳтли қиласман, — деди Соҳибжон ҳаяжон билан музқаймок чўпини ўйнатиб.

— Бу ўзингизнинг гапингизми ёки бувингизнинг истагими?

— Бувим фақат сўқир кўзимни очиб, сизни кўрсатдилар. Қалбим эса узоқ вақт сизни кутган эди ва мана ниҳоят, назаримда, у сизни топди.

— Замонавий йигитнинг дил изҳори шуми?

— Сизга кўзгу эмас, юрагимнинг парчасини тутдим. Уйга борганда, унга қаранг-чи, кимни кўрар экансиз?

Маҳфуза индамай йигитга қараб жилмайиб қўйди.

Шу тобда уларни четдан кузатган ҳар кандай кишининг ҳаваси келарди. Ёш, кўркам, жўшқин, сўзамол, бир гапириб икки қулишарди улар.

* * *

Ниҳоят, бўлажак ҳамшираларнинг тиббиёт коллежида охирги имтиҳонлари тугади. Қизлар битирув кечасини кафеда нишонлашадиган бўлишиди. Айримлар яқин дугонаси, дўстини ҳам олиб келиши мумкинлигига келишиб олишганди. Маҳфуза бу тадбирга Соҳибжонни ҳам таклиф этди.

Кечга яқин ҳамма бирин-кетин кела бошлади. Барча тўплангунга қадар қизлар қаҳвахона залининг бурчагида қий-чув қилиб гаплашиб ўтиришди. Ниҳоят, барча йиғилишгач, курсдошлардан бири — Анвар шампан виносини очди. Рюмкаларга тўлатиб ўтирганларга узата бошлади. Навбат Сурайёга келганда дароз бўйли йигит Нозимжон ёнидаги хушрўйгина, ҳомиласи билиниб қолган жувонга жиддий қараш қилди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Анвар, кечирасиз, менга мумкин эмас, — деди у қўлини беихтиёр қорнига қўйиб.
- Нозимжон, Сурайёга рухсат бермайсанми? Озгина ичса нима қилиди.
- Кичик меҳмон кутаяпмиз, — деди у хижолат бўлгандай.
- О-о, бу янгилик-ку! У ҳолда биз сизларни табриклиймиз.

Анвар сўз навбатини кимга беришини бир зумгина ўйлаб турди-да, кўзи Соҳибжонга тушиб, унга юзланди.

— Меҳмон отангдек улуғ дейдилар, доно ҳалқимиз. Сиз ҳам бизнинг даврамизга меҳмонсиз, бирон нима деворинг.

Очиғи, Соҳибжон буни кутмаганди. Атрофдагиларга бир қараб қўйди-да, ортиқча камтарлик қилмай ўрнидан туриб қўлига қадаҳни олди.

— Раҳмат... Маҳфузा баҳона мени ҳам ўз даврангизга қўшганингиз учун хурсандман. Нима десам экан... Яқинларингизнинг бахтига соғ-омон бўлинглар. Доимо омадли ва яхши кунлар сизларга ёр бўлсин!.. — У секин Маҳфузага маъноли қараш қилди. — Кўнгил қўйганларинга эришинглар... Яна бир бор диплом билан барчангизни табриклайман.

Аслида бу гапларга унчалик эътибор бермай ёнидаги қизларга алланималарни пичирлаб ҳиринглаётган Анвар табрик сўзи якунланганини сезиб қадаҳларни чўқиширига кетди:

— О, яшанг, жуда ажойиб сўзлар! Қани, яхши ниятлар учун олдик!

Бирпаста базм авжига чиқа бошлади. Кетма-кет табрик сўзлари ва мусиқа оҳангига рақс ҳам бошланди. Ҳаммалари романтик туйғулар, кутаринки кайфият оғушида эдилар.

Сал наридаги қүшни столда икки йигит билан бир аёл уларни кузатиб ўзлариңа муҳокама қилиб ўтиришарди. Енги калта йўл-йўл кўйлак кийиб қора кўзойнак тақиб олгани ёнидаги шеригига шивирлади:

— Фурқат, анави рақсга тушадиганлар орасидаги қизил кўйлакли қизга яхшилаб қара, — деди у Махфузани кўрсатиб.

— Бу паризод ким? Қайси боғдан чиққан экан?

— Ҳозир, бирпасда аниқлик киритамиз, — деб йигит ўрнидан қўзғалди.

Бу пайт курсдошларнинг столи атрофида фақат ёш келин-куёв — Нозимжон билан Сурайё қолганди.

— Сурайё, энди секин кета қолайлик, кеч бўлди.

Эрининг бу қистови хотинига ёқмади. Қовоғини уюб лабини бурган бўлди.

— Тўхтанг, бир оз ўтирайлик. Шу билан дугоналаримни қачон кўраман, — деди Сурайё курсдошларининг ўйинига ҳавасланиб қараб.


— Ўзинг қийналиб қоласан, — деди Нозимжон жиддий тортиб. Қолаверса, улар билан гаплашадиган, сирлашадиган гапинг ҳам қолмади, шекилли?

— Сиз мени аввал синфдошларимдан, энди эса курсдошларимдан ҳам ажратиб қўймоқчисиз. Агар шунақалигингизни эртароқ билганимда... эди... — деди йиғлагудек оҳангда Сурайё.

— Хўш, олдинроқ билганингизда нима қилар эдингиз? — кинояли сўради Нозимжон.

— Менга турмушга чиқмасмидингиз?

— Нима қилибди улар билан яна бир оз ўтирсан? Фарзандли бўлганимиздан кейин олиб келаман, десангиз ҳам вақтим бўлмаса керак.

— Билганингни қил, бўлмаса,  Нозимжон жаҳл қилиб қўл силтади ва рақсга тушадиган курсдошларга бўзланди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Маҳфузадан менинг қаерим кам? У ҳамма истагига турмушга чиқмасдан олдин эришаяпти. Мен бўлсам, сизнинг ширин сўзларингизга учиб...

— Нима? Сиз қайнона-қайнота, камига эр хизматидаман демоқчимисиз? — Нозимжон асабийлашиб бош чайқади.

— Ўйқ, мен тушунмаяпман сизни... Ахир, ота-онамнинг хавотири, қолаверса, туғилажак фарзандимиз тақдири бундай ўтиришлардан устун эмасми?..

Турмуш ўртоғининг жаҳли чиққанлигини сезган Сурайё жилмайиб, ялинган овозда:

— Кечиринг мени... яқинда ҳаммамиз ҳамма тарафга тарқалиб кетамиз, шунга...

Хотинининг беозор жилмайишидан кўнгли бўшаган Нозимжон меҳри ийиб, унинг елкасидан қучиб, хафа эмаслигини билдириб:

— Энди биз ўзимизнинг туғилажак фарзандимизни ўйлашимиз керак, — деди мулоҳимлик билан. Эрининг гапидан Сурайёниг кўнгли тинчиб, қаршисидаги Маҳфузани ёнига имлаб чақирди.

“Шест секундда” Маҳфузанинг кимлигини аниқлаш учун қўшни стол тарафга кетган Фурқат қайтиб келди. Ўзини тутиши-ю буйруқ беришидан давранинг каттаси эканлиги билиниб турган ёши каттароқ йигит унга “хўш, нимани билдинг?” дегандек саволомуз қаради.

— Босс, — деди Фурқат гўё муҳим разведкани қойиллатиб бажариб келгандек гердайиб. — Маликамиз тибиёт коллежини тугатибди. Бугун курсдошларнинг зиёфати экан. Ҳозирча билганларим шу.

Бақалоқ босс бош ирғаб ароқни олиб қуя бошлади.

Бу маҳал рақс майдонидан Маҳфуза ажралиб чиқиб дугонасининг имоси билан унинг ёнига келди.

— Ҳа, Сурай, нега чақирдинг?

— Биз кетмоқчи эдик, — деди Сурайё узрли оҳангда.

— Уйга эртароқ бормасак бўлмайди, ойижон хавотир оладилар.

— Ҳали ҳеч қанча ўтирумадинглар-ку? — Савол назари билан Маҳфуза Нозимжонга тикилди.

— Тонггача ҳам қолаверардик шароит кўтарса, — дея гапга аралашди Нозимжон. — Аммо, кўриб турибсан Сурайё бунақа ҳолатда чарчаб толиқиб қолиши мумкин. Кечаси олиб юрмай деяпман.

Маҳфуза уларнинг кетиши кераклигини тушуниб етди. Сўнг шошиб:

— Кетмай туринглар. Ҳозир Соҳибжон акага айтаман, машиналарида сизларни элтиб қўяди, — деди у.

— Ўртоқжон, уларни безовта қилма, биз таксида кетамиз.

— Майли, хоҳишлиаринг...

Маҳфуза улар билан хайрлашиш учун эшиккача кузатиб чиқди. Рақс даврасига қайтиб кираётганда уни қўшни столда кузатиб турган “учлик”дан бири — Лобар йўлинин тўсди.

— Яхшимисиз, синглим?

Маҳфуза уни танимай ҳайрон бўлиб бош иргади:

— Яхшимисиз?

— Кечирасиз, сизни бир дақиқага мумкинми?

— Тинчликми? — Маҳфуза ҳайратини яширолмай сўради.

— Тинчлик, тинчлик, — ўта хушмуомала оҳангда сўрашда давом этди Лобар. — Синглим, ўқишингизни тугатибсиз, шунга сизни табрикламоқчийдим.

— Раҳмат.

— Агар хоҳласангиз, бир иш таклиф қилмоқчийдик...

Юринг, четроқда бирпас гаплашиб олайлик.

Пули яхшироқ ишга таклиф қиласиди шекилли, деган ўйда Маҳфуза индамай унга эргашди. Улар четроқдаги бўш столга бориб ўтириши.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Ўқишингиз ҳам тугабди, энди нима иш қилмоқчисиз? Бирор мўлжаллаган жойингиз борми?

— “Оилавий поликлиника”да ишлашни режалаштираптман. Нета сўраяпсиз? — ҳайратини яширолмай сўради Маҳфуза.

— Даромадли жой бўлса ишлайсизми, деб таклиф қилмоқчи эдим... Бизнинг фирмамиз ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш билан шуғулланади, — деди Лобар ўзини анча сипо кўрсатишга уриниб.

— Ростданми? — қизиқсинди Маҳфуза.

— Қанақа ишга таклиф қилмоқчисиз ўзи?

— Айтайлик, хорижга.

— Хорижга?

Лобар янада ишончга кириш учун ўзини виқорли кўрсатиб, тасдиқ маъносида бош иргади.

— Ўйлаб кўришим керак... Қанақа иш экан ўзи?

Лобар саволни жавобсиз қолдириб сумкачасидан визиткасини олиб унга узатди:

— Мана буни олинг, бир қарорга келганингизда телефонлашармиз, ўшанда бафуржа гаплашамиз.

Шу вақт Соҳибжон уларнинг ёнига келиб суҳбатларини бўлди. Уларни танишлар бўлса керак, деб ўйладида, хижолатомуз оҳангда узр сўради:

— Кечирасизлар, суҳбатингизни бўлдим. Маҳфузахон курсдошларингиз қараб қолишиди, улар бизни рақсга таклиф қилишаяпти.

Рақс майдонига кета туриб Маҳфуза ортига қараб “хабарлашармиз, опа” дея жилмайиб қўйди. Лобар ҳам унга жавобан қўл силкиб хайрлашди.

Курсдошларнинг базми вақт алламаҳалга етганда тугади. Гавҳар Маҳфуза билан хайрлаша туриб яна Сурайёни эслади.

— Оқшом зўр ўтди. Аммо Сурайёning эрта кетгани яхши бўлмади.

— Энди, оиласи бўлса... Нозимжон нима деса шу-да,
— дея Маҳфуз Гавҳарни тинчлантиргандай бўлди.
Дугоналар хайрлашиши.

Соҳибжон Гавҳарнинг ортидан қараб колар экан,
Маҳфузага ўгирилиб сўради:

— Дугонангизнинг уйи узокда эмасми? Олиб бориб
ташласак яхши бўларди-да. Машинага ҳайдовчи чақир-
ганман. Пойлаб туриби.

— Нега энди унга бунча меҳрибон бўлиб қолдингиз?
— Сумкачасини ўйнатиб жиддий оҳангда сўради Маҳ-
фуз.

— Ана, кўча тўла такси. Бирпасда уйига олиб бориб
кўяди. Оввора бўлишга ҳожат йўқ.

— Ҳарқалай дугонангиз... Машинаси бўла туриб, бир
офиз илтифот ҳам қилмади, деб кўнглига келадими
дейман-да.

— У кишининг кўнглига қарагунча менинг кўнглим-
га қарамайсизми? — қошларини чимирди Маҳфуз.

— Бу кишини ҳатто ўзимдан ҳам қизғанаман-ку, га-
пини қаранг. Дугоналаримга яқин юрсангиз, улар мен-
дан сизни тортиб олиб қўйишмасин тағин.

Кизнинг гапидан йигитнинг юзида қувонч шарпала-
ри кезиниб:

— Росданми? Нима мени қизғанаяпсизми? — деди.
— Ҳа, қизғанаяпман. Чунки сиз фақат меникисиз, —
деди у хукм оҳангда.

Содда йигит оҳангнинг тифлари қай ерларга санчи-
лишини билмай хурсанд бўлиб:

— Маҳфузахон, кеча нақадар гўзал-а! Осмондаги тў-
лин ой, унинг атрофидаги жимиirlаб шивирлаётган
юлдузларга қаранг. Бизнинг баҳтимизнинг осмони ҳам
шундай нурафшон бўлармикин? — деди ичидан отилиб
чиқмоққа шайланган қувончни баралла ошкор қилиб.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Кейин қалбидар бир илиқликни туйиб, тун қўйнида балқиб турган ойга маҳлиё тикилган Маҳфузага юзланди.

— Маҳфуз, шаҳарда ҳам кечалар чиройли бўлади, — деди Соҳибжон атрофга боқиб. Бугун ҳаво тиниқлигидан ой ҳам тўлин кўриниб туриди.

— Нима, ой баъзан кўринмайдими? — ростдан бир оз таажжубланиб сўради Маҳфуз.

— Бу ер шаҳар. — Шу тобда Соҳибжон ростдан биллағонлик қилгиси келди. — Яъни, завод, фабрика дегандай.. Қанча автомобиль борлигини биласизми? Ўҳ-ӯ-ӯ! Улардан чиқадиган газ, чанг-тўзон шаҳар тепасини қалин тумандек қамраб олади. Шунинг учун осмон анча хира, ойни ҳар доим ҳам кўравермайсиз, юлдузлар ҳам даладагидек ғуж-ғуж бўлиб чаракламайди. Юринг, бир оз тоза ҳавода айланиб келамиз, — дея у Маҳфузани хиёбонга бошлади.

“Кўп нарсага ақли етадиган кўринади”, — ўйлади Маҳфуз Соҳибжоннинг ортидан бораркан. “Ҳам бой, ҳам ақлли, билим дегани фиж-фиж шекилли... Бўй-басти, кўриниши ҳам бинойидек...”

— Тўғрими?

Маҳфуз Соҳибжоннинг саволидан ўзига келди.

— Лаббай!

— Бугун Нозимжон билан Сурайёни қўриб ҳавасим келди... Келинг, биз ҳам... — деди кўзлари кулиб.

— Ҳа, ҳавас қилса бўлади... — Маҳфуз имкон қадар ичидагини билдирамасликка уринар, ўзини худди бепарводек тутмоқчи бўларди. У турмуш қуриш масаласи, албатта, аввал Соҳибжондан чиқишини кутганди.

Соҳибжон эса турмуш қуриш ҳақидаги таклифига ижобий жавоб олиши учун чиройли гаплар билан қизнинг кўнглини забт этишга ҳаракат қиласарди. Чеҳрасида иккиланиш барқ уриб турган Маҳфуз, факат унинг

гапларига қулоқ солар, гоҳ-гоҳида сезилар-сезилмас табассум қиласынан. Нихоят, Соҳибжон муддаога ўтди:

- Биз ҳам тезроқ турмуш қурсак дегандим...
- Шошилманг, ҳали эрта, бир оз сабр қилинг... –
Маҳфузанинг бу эътирозида рад эмас, ноз бор эди.
- Яна қанча кутиш мумкин? Ўқишим тугасин дедингиз, мана тугади. Ёки яна бошқа сабаблар ҳам борми?

– Ҳали эрта эмасмикин... Мен ҳам ишга кириб рўзгорга қарашадиган бўлай девдим. Ҳаётда ўз ўрнимизга эга бўлайлик деяпман, холос.

Маҳфузанинг оила ташвишларини Соҳибжон ўз бўйнига олишини, бу ҳақда ундан ваъдалар олиши ҳақидаги шум режалари иш берадиганди.

– Шунақа денг. Мен эса ҳаётда ўрним бўлса керак деб юрган эдим, – деди Соҳибжон хафа бўлганлигини ошкор қилиб.

– Албатта ўрнингиз бор, – жилмайди Маҳфуза орадаги вазиятни юмшатиш учун.

– Сиз нотўғри тушундингиз. Мен ҳарқалай бир ўзингиз рўзгор қиласан деб қийналиб қолманг дейман-да...

– Сиз ёнимда бўлсангиз қийналмайман. – Соҳибжон унга суқланиб қаради.

– Менинг орзуласарим бир дунё. Ўқиши тугатайин. Ишга жойлашайин, деган ўйда эдим.

– Шуми фақат? – сўради Соҳибжон “шуюм муаммоли” дегандек.

– Унда бу вазифани менга юкланг. Эртагаёқ бирор ишнинг бошини тутишни ҳал қиласиз, – деди ишонч билан.

Улар индамай яна оҳиста қадамлар билан юра бошлишди.

– Анави фавворага қарант, бунча чиройли бўлмаса. Маҳфуза фаввора томон юрди. Соҳибжон унинг ор-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

тидан эргашди. Қиз фаввора атрофидаги тизза бўйли айлана деворчага чиқиб эрка қадамлар ташлай бошлади.

Соҳибжон аста бориб унинг қўлидан тутди. Унинг қўксини алланечук ҳаяжон босди, буни билдиримасликка уриниб қизни гапга солди:

– Ҳозирча олов бўлиб турибсиз, аммо эртага шамоллаб қолмасангиз бас.

– Ҳавотир олманг, касал бўлмайман, – деди Маҳфузга фавворанинг доира йўлини босиб ўтиб юқоридан Соҳибжонга майин жилмайди. Сўнг тўхтаб сўради:

– Бир нарса илтимос қилсан бажара оласизми?

– Қўлимдан келганча.

– Эртага тоқقا чиқсан, дегандим, – деди кўзлари кулиб.

– Тоқقا? Шу тобда нега бирдан тоқقا бориш фикри келиб колди? – деди Соҳибжон савол назарида.

– Ҳозир эмас, анчадан бери боргим келаётганди... Шунчаки эртага бўшман. Кейин бошқа ишлар билан бўлиб яна қолиб кетади...

– Эртага иложи йўғ-у... лекин ҳафтанинг охирида дам олиш кунларида борсак ҳам бўладими?

– Эртага бора қолайлик, – деди Маҳфузга ялингандай оҳангда ва бирдан хафа бўлгандай ҳолатда. Унинг юзидан норози эканлиги шундоқ кўриниб турарди.

– Йўлга тайёргарлик кўриш керак, – деди Соҳибжон вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб.

– Қолаверса, эрталаб жўнайдиган бўлсан, улгурмаймизми деб қўрқаман. Устига устак озгина шампан ҳам ичиб олдим.

Унинг гапидан Маҳфузанинг қовоғи баттар уюлди. Унга қарай-қарай Соҳибжон охири қўл силтади ва:

– Эй, нима бўлса бўлгани! Хафа бўлманг. Сиз маликанинг фармони мен учун амри вожиб. Эрта тонгдан

йўлга чиқамиз. Бўладими? Энди хушрўй юзларингизда бошқа сўлғинликни кўрмайин, — деди қизга қўлини чўзиб.

— Раҳмат, — дея, Маҳфузга унга қўл узатди. Соҳибжон унинг қўлидан тутиб секингина пастга туширди. Уларнинг кўзларида қувонч порларди.

* * *

Эрта тонгда улар келишилган вақтда йўлга чиқиши. Оппоқ “Нексия” кўп ўтмай шаҳарни ортда қолдириб узоқда кўриниб турган тоғлар томон кенг йўлда елиб борарди. Соҳибжон магнитофонга олдиндан тайёрлаб қўйган шўх мусиқани қўйди. Кўп ўтмай шаҳар анча ортда қолиб кенг дала манзаралари кўриниш берди. Йўл четидаги ўт-ўланлар ёз жазирамасидан қовжира-ган бўлса-да, ям-яшил дараҳтлар кўзни қувонтиради. Узоқда ҳам салобатли кўринган тоғлар чўққисидаги оппоқ қорлар кишида ажиб туйғулар, ширин хаёлларни уйғотарди. Уларга қараб Маҳфузга «вуй, анавини қаранг, бунча чиройли» деб ҳаяжондан чапак чалиб юборарди. Буларнинг бари Соҳибжонни ҳам ҳаяжонга солиб кўнглинин ширин хаёлларга ошно этарди. Шу тобда улар ҳудди ёш келин-куёвдек сезарли ўзларини. Нексия ойнасидан фириллаб уриб турган тоғ ҳавоси ҳам танга ҳузур бағишлиарди. Улар шу кўйи гап сотиб, ҳазул-ҳузил қилиб кетар, иккиси ҳам ўзларида йўқ хурсанд эди. Йўл-йўлакай ҳар хил мева, писталар сотиб ўтирган хотин-халаж, ёш болалар учраб қолса, Соҳибжон ёнидаги қизни баттар суюб унга нимадир олиб бергиси келаверади. Назарида кўнглида уйғонгандан ширин туйғулар, орзулар, иккисининг шу кездаги баҳтиёрлиги бир умр давом этадигандек эди. Бундайин ҳолат, айниқса, Соҳибжонни шунчалар сархуш этган эдики, унинг нима эканлигини англамас, бу лаҳза-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

лар мангу ҳамроҳдек эди унга. Нихоят тоққа яқинлашиб қолишиди. Навбатдаги қишлоқдан оралаб ўтилса бас, тоғнинг этаги бошланади. Шу пайт нима бўлди-ю Маҳфуз «менам машинанингизни бир оз ҳайдай» деб туриб олди. Аввалига Соҳибжон буни шунчаки эркалик деб тушунди. Фалончи дугонам машина ҳайдашни бир-икки ўргатган, сал-пал биламан, деб айтганда ҳам унамади. Йўқ, у қизнинг ҳаваскорликка машина ҳайдамоқчи бўлаётганидан хавотирда эмас, машинани «тир-пир» қилиб вақт ўтказмай тезроқ дам оладиган жойга етиб олишга ошиқарди, холос. Қолаверса, унинг инжиқлиги, эркалиги ҳозирда ҳатто хуш ёқаётганди ҳам. Маҳфуз «Бугун ҳамма илтимосингизни бажараман деб сўз бергансиз» деганидан сўнг, у индамай машинани йўл чеккасига олиб тўхтатди. Гуё «майли кўндиридингиз» дегандек розилик аломати кўринди юзида. Соҳибжон Маҳфуз рулни ушлагач, «калитини қандай бурайди. тормози қани, қандай тўхтатаман» дея сўрай бошлишини кутиб кулиб тураверди. Аммо қиз аввал ҳам қайсиdir бойвучча дугонасининг машинасини бирга ҳайдаб кўрганини айтиб, калитни амаллаб бурагач, машина бир силтаниб жойидан қўзғалди. Йўлнинг ўнг томонида салгина пастга қиялагани, қўйироқда соқин оқаётган саёзгина сой ҳам унчалик хавотир уйғотмасди. Бироқ фалокат дегани баъзан хавотир уйғотмасдан ҳам содир бўларкан. Ҳаммаси бирпасда рўй берди. Аввалига Соҳибжон «Нексия» рулини тўғри йўлга буриб бергандан кейин Маҳфуз тезликни бир оз оширганда ҳам индамай турди. Ҳатто уқуви бор экан, деган хаёлга борди. Аммо йўлнинг кескин қайрилиш жойида Маҳфуз шошганидан тормозни эмас газни босиб юборди. Соҳибжон чўчиб рулга ёпишди-да «тормозни босинг!» деб қичқирганда кеч эди. Машина кескин бурилишда

үзини ўнглай олмай ўнг томонга оғиб кетди-да, сой томонга қийшайиб қулаб, түғри катта тошга бориб урилди.

Атрофда түрт-бешта йигит бақир-чақир қилиб суви тиззадан келадиган сойга ёнбошлаб қолган машинадан Соҳибжонни тортиб чиқараётган маҳал Маҳфузга ҳушига келди. Дастреб нима бўлганини англай олмади. Сўнг табиий равишда шошиб ўрнидан турди. Шунда ўзига жиддий шикаст етмаганини англаб қутқарувчи йигитларнинг ёнига борди. Яшин тезлигида хаёлидан нима бўлгани ўтиб воқеани англади. Соҳибжоннинг юзлари қон, ҳушсиз эди. Кўп ўтмай «Тез ёрдам» машинаси етиб келди.

* * *

Шифохонада Соҳибжонни зудлик билан жонлантириш бўлимига олиб кетиши. Обдон текширувдан ўтказган шифокорлар Маҳфузага «деярли ҳеч қаерингиз жиддий шикаст емаган, бир оз бошингиз чайқалибди, холос» дейиши. Икки кундан кейин эса дорилар ёзилган қофозни тутқазишиб шифохонадан ҳам жавоб бериши. Кетар чоғи дўхтирлардан сўраб билдики, Соҳибжоннинг икки оёғи, бел суяклари учта жойидан синибди, мияси қаттиқ чайқалган, узоқ даволанаар экан. Ҳатто бир умр юролмаслиги мумкин дейиши.

Маҳфузага бу воқеа қаттиқ таъсир қилди. Аммо ҳаммасидан кўра уни Соҳибжоннинг мажруҳ бўлиб қолиш эҳтимоли ташвишга соларди. Шу кезда у ундан индамай узоқлашиш керак, деб ўйларди. Ахир, энди мажруҳ билан қандай турмуш қуриш мумкин? Ана шундай оғир ўйлар чангалидан қочолмади Маҳфуз. Энди аста-секинлик билан орани очиқ килган маъқул, деб билди. Вазиятни, аҳволни ўзи ҳам билиб турибди. Ях-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

шиси, индамай кетган маъқул деб ўйлади. Шу боис ҳеч нарса демай бемор олдидан чиқди. Қайтиб ундан хабар ҳам олмади.

Орадан чamasи бир ойлар вақт ўтди.

* * *

— Маҳфузга, олдингга дўст сифатида келдим, мени яхшилаб эшит...

— Хўш, гапир? — Маҳфузга дугонаси Гавҳарга терс ўгирилиб деразадан кўча тарафга қараб олди. “Агар яна насиҳат қилгани келган бўлсанг, бошимни оғритма”!

— демоқчи ҳам бўлди-ю, зўрға тилини тийди. Гавҳар стулга ўтириб секин гапини давом эттириди:

— Хабаринг бор мен ҳозир Соҳибжон ака даволанаётган шифохонада ишляяпман. Ҳар сафар муолажага кирганимда у мендан сени сўрайди. Сен унга жуда-жуда кераксан... У меҳрингга зор... — деди Гавҳар ялингандай овозда.

Бу гаплар Маҳфузанинг ғашини келтирди. Дугонаси ни силтаб ташлагиси келар, ўзини оқлашга уриниб баттар аччиқланарди. “Сенга нима, намунча донолик қиласан?” дея ўшқириб беришига оз қолди. Гавҳарга терс ўгирилганча босиқ овозда жавоб қайтаришга уринди:

— Энди унинг менга кераги йўқ! — деди қатъий.

Дугонасининг гапидан Гавҳар гангиб қолди. Менга аччиқ қилаяптими, деган хаёлга ҳам борди. Астагина дугонасининг билагидан тутиб ўзига қаратмоқчи бўлди.

— Нима? Тушунмадим. Ахир... Ахир, у сени деб шу кўйга тушди-ку?!

— Нега мени деб бўларкан? Маҳфузга бу ҳақиқатни ичдан тан олса-да, айтгиси келмас, Соҳибжонни ташлаб кетиш учун жиддий баҳона тополмай ўжарлик қиласарди.

— Вой буни, нима бўпти дейди-я! Виждон борми сенда ўзи? Қайси юз билан шуни айтаяпсан?! Ёш бир йигит сени хурсанд қиласман деб бир умр ногирон бўлиб қолиши мумкин.

— Гавҳар! — Маҳфузса дугонасининг юзига зарда билан тикилди. Унинг кўзларида нафрат ва алам учқунлари йилтилларди. Шу топда у кўнглидаги асл гапни қайтара олмади. Қисқа қилиб: — Мажруҳ йигитнинг менга кераги йўқ, — деди.

Бу гапдан баттар эсанкираб қолган Гавҳарнинг лаблари титраб нима дейишини билмай дугонасининг кўзларига тикилди. Буларнинг барига ўзи айбордек пицирлаб сўради:

— Нимага ва кимга аччиқ қилаётганингни тушунмаяпман. Умуман нималар деяпсан? Наҳотки виждонинг қийналмаётган бўлса?

— Ҳа, сенингча, энди виждонсиз бўлиб қолибмизда-а? Э, менга қара, намунча унинг учун жон куйдирмасанг?! Агар жа-а-а унга раҳминг келаётган бўлса, ана ўзинг қарай қол! Қолаверса... — Маҳфузса негадир шу топда сумкаласини ковлаб юзига упа сура бошлади. Унинг бу ғайритабиий ҳолати асосий гапни дугонасининг кўзларига қараб айтишга журъати етмай қилинаётган ҳаракатлар эди. — Очифи, унга турмушга чиксанг ҳам майли! Мен ҳечам хафа бўлмайман.

Унинг гапидан Гавҳарнинг юзи буришиб, жони ҳалқумига келгандай бўлди. У асли табиатан юмшоқкўнгил, юввош бўлса-да, ноҳақликка дуч келганда тили аччиқ эди.

— Ичингда бундай шайтон борлигини билмас эканман... Ахир, ўрталарингда ҳавас қилса арзийдиган муҳаббат бор деб ўйласам, жодугарнинг ўзгинаси экансан-ку!

— Гапир, ичингда гапларинг қолмасин тағин! Шу пайттача дилингда сақлаб юрган аламларингни айтиб

Гулчехра РАЗЗОКОВА

ол! – Маҳфузада дугонасини шу даражага олиб келганидан мамнун ҳолда қарши ҳужумга ўтди ва энди истаганча ўзини гапиришга ҳақли деб билди. – Ўзим ҳам олдиндан сезардим. Соҳибжон билан учрашувга чиққанимда, совғалар берганида менга ҳасад, алам билан қарашларингни.

– Бўлмаган гап. Мен сизларнинг севгиларингизга ҳавас қиласдим. Бир-бирингизга узукка кўз қўйгандек эдингиз.

Гавҳар бу гапларни айтиб ҳолсизланди. Дугонасини бунчаликка боради, деб ўйламаганди. Ҳатто ҳозир ҳам қизиққонлик билан айтаяпти, бир оздан сунг “по-о-в” этиб пасаяди-да, узр сўрай бошлайди, деб ишонгиси келарди. Афсус, ундай бўлмади. Бўлиб ўтган бу гап-сўзлар дугонаси ҳақидаги тасаввурини чилпарчин қилди.

– Йўқ, сенга алам қиласди, – авжига чиқди Маҳфузада.

– Нима учунлигини биласанми? Сени ҳеч ким учрашувга таклиф қилмаган! Сен ҳеч кимдан совға олмагансан! Ёқимсизлигинг учун йигитлар сени хуш кўрмайдилар! “Сочи узун қизнинг ақли калта бўлади” дейишади-ку. Сен худди шундайларнинг сирасидансан. Хунук, ақлинг калта. Сенинг боринг шу!

Гавҳар жон ҳолатда стол устида турган сув тўла графикини ерга уриб чил-чил қилишга шайланди-ю, ўзини босди. Рост, ноҳақ аламни бу йўл билдиришдан нима фойда?

– Сени танимаяпман! Илгари ҳам шунаقا эдингми, Маҳфузада? Ростдан ҳам... мен ҳақимда шундай деб ўйляяпсанми? – деди зўрга.

– Бўлмаса, нима деб ўйлай, нега шахсий ҳаётимга бурнингни суқаяпсан ўзи?

– Мен... мен... – Гавҳар индамай графикиндан сув олиб ичди. Бўшашиб паст товушда гапира бошлади.

— Соҳибжон ака нуқул сени сўраётганини ва нега бормаётганингни, сени чақиришимни илтимос қилганини айтгани келган эдим... Қолаверса, сен унга ёрдам берсанг, ёнида турсанг у яна ҳаёт учун курашиши ва оёққа туриши мумкинлигини айтмоқчи эдим. Мен... унинг аҳволига қараб, раҳмим келганидан...

— Ҳа-а, раҳминг келдими! Жуда соз! У ҳолда ўзинг унга ёрдам берақол. Зора, меҳр-муруватингниң эвазига майдаланиб кетган сүяклари асли ҳолига қайтса...

Гавҳар бир неча сония тошдек қотиб қолди. Унинг кўзлари бир нуқтага қадалган, ҳаракатсиз қорачиқлари карахт ҳолатга тушиб қолганини кўрсатиб турарди. Ҳозирги гаплар унинг кўнгил қатларидаги аллақандай нафсониятга, ғурурига тегиб инсоний туйғуларини қўзғатиб юборганди. Бир оздан сўнг ўзига келиб, ҳам нафрат, ҳам ҳайрат тўла нигоҳини Маҳфузага қадади.

— Очифи, бунақа бўлиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Мен бекорга овора бўлиб келибман. Бутунлай ўзгариб кетибсан... Мана энди асл қисғанғни кўрдим, афсус...

— Бўлганим шу! Ёқмаётган бўлса ана катта кўча. Кетишинг мумкин!

Гавҳар шу заҳотиёқ ўрнидан туриб ташқарига отилди. Эшик ортидан Маҳфузанинг заҳархандали овози эшишилди:

— Кет! Кетавер! Никоҳ тўйларингга ўзим тилла суви югуртирилган ҳасса совға қиласман...

* * *

Орадан кунлар бир-бирини қувиб ўтар, Маҳфузашу кўйи Соҳибжондан қайтиб хабар ҳам олмади. Ундан ўзини имкон қадар олиб қочиб юраверди. Ўша ўзи режалаштирган “Оилавий поликлиника”нинг участка ҳамширалигига ишга ҳам кириб ишлай бошлади. Бугун

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ҳам бир амаллаб кунни кеч қилди-ю, уйига шошилди. Ишхонадан отилиб чиққанида гүё елкасидан оғир юқ босаётгандек эди. У шошиб бекатда тұхтаб турған автобусга чиқди. Бүш үриндиқларнинг бирига ўтирди-ю чуқур “уф” тортиб, автобус ойнасими очиб қўйди. Куз ойларидан бири. Гүёки ёмғирга чўмилиб чиққан борлиқ худди дуркин қизлардек кўзни қувонтиради. Кўча юзидаги тераклар барги шабадада шивирлаб ёқимли овоз чиқарар, тиниқ осмонда бир гала қушлар ажаб манзара ҳосил қилганидан одамнинг кайфияти кўтариларди. Лекин шу тобда Маҳфуза табиатнинг бу гўзаликларининг барига бефарқ эди. Унинг хаёли бутунлай бошқа оламда, кимлар билан уришиб, кимларданdir ўч олиш режаси билан банд эди. Автобус ойнасидан атрофга қараб тургани билан кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, хаёлидаги шум нияти бутунлай миясини чулғаб олганди. Лаблари беихтиёр пиҷирлаб “ҳали кўзингга кўрсатиб қўяман, шум кампир” деб ғудраниб ҳам қўярди. Автобус таниш бекатга етиб келганини зўрга илғаб шошиб ундан тушиб қолди. У ғаразли мақсадини фақат акаси ёрдами билан амалга ошириши мумкинлигини ўйларди. Уйда акаси йўқлигини билиб уни кутишга сабри чидамади. Келинойисига ишхонадан дакки эшитганини қўшиб-чатиб, кўз ёш қилиб айтиб берди. Дийдиёсини тугатмай акаси Бахтиёр ширакайф ҳолда кириб келди. У синглисининг йиғлаётгандекини кўриб, ундан ҳол-аҳвол сўрагандек бўлди.

— Э-э, ака, битта кампир жонимни бўғзимга келтирди. Унинг қилғиликлиаридан қийналиб кетдим, — дея Маҳфуза ўзини жабрдийда қилиб кўрсатди ва амаллаб кўз ёши ҳам тўкиб олди.

— Га-пин-га тушунолмадим? — деди Бахтиёр савол назари билан бошини ёстиқقا қўяр экан.

Маҳфуза унга Шарифа хола билан ўртасида бўлиб ўтган можарони айтиб берди. Акаси унинг гаплари-

ни эшитишга уринмоқчи бўлар, аммо кўзлари юмилиб иложсиз равиша тушунишга ҳаракат қиласди.

Маҳфузада оғизи ўтди:

— Бир Шарифа исмли кампир бор. Ўша “Маҳфузада мендан хабар олмаяпти, ўз вақтида келиб турмайди бошқа ҳамширага алмаштириб беринг” деб устимдан шикоят қилибди. Бошлиғим бўлса уни гапига ишониб мени бошқа ишга ўтказмоқчи. Ўша кампирга бир пўписа қилиб қўйсангиз, у “бошлиғимга мен адашган эканман” деб уни тинчитмаса бўлмайди.

Бахтиёр синглисинг навбатдаги дийдиёсидан “кимни дидир сал қўрқитиб қўйиш керак” лигини базўр англа-гандек бўлиб сўради:

— Кимга пўписа қилиш... Ким дединг?..

Маҳфузада бошқатдан ҳижжалаб шикоятини тушунтирган бўлди.

— Сал қўрқитиб қўймасангиз, жодугар ўлгир ишхонамга шикоят қилиб мени ишлагани қўймайдиган қўринади.

Бахтиёр аслида ҳеч нарсани тузукроқ тушунмаса-да, мастиликдан кўзлари сузилиб аранг сўради: — Тин-ччи-тишш ке-ррак-мии... ёки...

— Сиз бир қўрқитиб қўяверинг, қолганини ўзим биламан. Бир таъзирини есин!

— Қ-ўрқ-маса-чи?

— Ўзи қўрқоқ аёл, — деди Маҳфузада оғизи бергандай.

— Бўлмаса, бу-у са-вво-б ишши биз бажара-миз-да-а!

— Бахтиёр ғўддайиб кўкрагига мушт урди: — Ман-на, ўзз-имм бопп-лайма-а... ўша... ну-у там... ким бўс-саямда...

У яна нималардир дея минфиллаб ёстиқча бошини қўйди-ю, шу қўйи уйқуга кетди. Аламдан ичи ёниб келган Маҳфузада оғизи олганидан кўнгли бир

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

оз таскин топғандек енгил тортиб, эрталаб яна қайта эсига соларман деган ўйда бошқа хонага чиқди.

Эртаси нонуштадан кейин келинойиси хонадан чиққанда, у акасига кечаги мавзуни ёдига солмоқ ниятида гап очди.

— Ака, — деди жабрдийда охангда.

— Анави, кечаги гап өсингиздан чиқмасин-а?

Бахтиёр кечаги базмдан боши ҳалиям караҳт, синглисинг нима түғрисида сўраётганини тушунмай турған бўлса-да, тушунгандай тасдиқ маъносида бош ирғаб қўйди. Унинг нимани сўраётганини эслашга уриндию, кечаги улфатчилик. ўртоқлари билан қий-чув қилиб қадаҳ чўқиширишлар, бири қўйиб, бири “ва-ҳа-ҳа” қилаётган башаралардан бошқа нарса хаёлига келмади. У ҳатто синглисими кеча қачон, қай ҳолатда кўрганини ҳам эслай олмасди. Лекин сўрамасликнинг ҳам иложи йўқ эди.

— Қанақа гап?

Маҳфузя яна бир бошдан кампир билан ўрталарида бўлган можарони аламли заҳархандалик билан чўзиб айтиб берди. Ҳозирги ғувуллаган ҳолатидаги калласига бундай гаплар Бахтиёрга умуман ёқмасди. У пиёладаги совуқ чойни бир кўтариб ичиб юборди-да, асабийлашганини яширолмади:

— Жин урсин сени! Қачон қарама, мени қанақадир можароларга аралаштириб юрасан-а! Қий-чув қилиб жанжал кўтариш-у асабийлашишдан бошқа бир чақалик фойдаси йўқ нарсалар булар! Ифлос ишларингни билмадим, охири нима билан тугайди.

Орага жимлик чўкди. Маҳфузя бу даккини парвойига келтирмади. Индамасдан ўрнидан турди, гўё хонани шамоллатмоқчидай бўлиб деразани очди, атрофга ола-зарак нигоҳ ташлади. Ҳовлини супур-сидир қилиб юр-

ган келинойисини күриб паст оҳангда акасига тузиб қўйган режасини тушунтира бошлади.

* * *

Караҳт ётган Сирожиддин вақт чошгоҳдан ошган паллада базўр кўзини очди. Қараса, ҳовлида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. У ғувиллаган бошини чанглаб чайқала-чайқала зўрга ўрнидан турди. Ҳаёлига келган биринчи фикр шу бўлди: “Қанийди шу топда бир пиёла ароқ бўлса-ю, ари уясидай ғувиллаётган боши жойига тушса?!“

Кўчага чиқиб, нажот истаб у ёқ-бу ёқда тентираб юрди. Ароқ олиб берадиган бирор таниш ҳожатбарор топилмагач, йўлакда серрайиб туриб қолди. Сал наридаги бекатда тўхтаган автобусдан одамлар бозордан қайтишаётганини кўриб, унда қандайдир нажот чиқадигандек умид пайдо бўлди. Бирорта таниш учраб қолар, дея кўзлари ўйнаб бирма-бир кузата бошлиди: кекса, ёш, бола етаклаган хотин-халаж... Шу пайт елим халта кўтарган ўгай онаси билан ўгай укасини кўриб уларнинг ортидан шошиб уйи томон қадамини тезлатди. Эллик ёшни қоралаган Азиза опа ўгай ўғли Сирожиддиннинг кунда ичиб келиб, жанжал қилаверишидан юрак бездириб қўйган. Ҳозир ҳам ортидан келаётганини сезиб қовоғини уйганча бозордан олган картошка, пиёзини бир четга жойлаштириди-да, ошхона томон юрди. Ёзилган дастурхонга чой дамлаб, овқат иситиб олиб келди. Овқатни истар-истамас ичар экан, Сирожиддин бир чеккада ўтирган ўгай укаси Улуғбекка қараб ўдағайлади:

- Қани ароқ? Нима деб тайинлагандим сенга?
- Пулим етмади, эртага ишлаган пулимдан орттириб обкеламан, ака...

Унинг бу жавоби Сирожиддинга беписандлик бўлиб туюлди. Қўллари қалтираб тутақиб кетди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Ҳов, менга эртага эмас, ҳозир керак, ҳозир!

Бозор-ўчардан шундогам чарчаб келган Улугбек акасининг дўқидан кўра ваҳший важоҳатидан чўчиб, тинчлантиришга ҳаракат қилди.

— Жаҳлингиз чиқмасин, эртага албатта олиб келиб бераман. Кечаги ишлаган пулимга рўзғорга керак бўлган егуликларни олиб келдим-да, ака. Ана қаранг, картошка, пиёз, гуруч, карам...

— Ҳов, овсар! — Сирожиддин ёнидаги ёстиқни чангаллаб кўтарди: — Шу караминг билан бошингга бир тушираман, ишлаб кетади. Ҳар доим шу гап! Томинг кетган сенинг. Мени ёш боладай алдайсан.

У ёстиқни укаси томонга ирғитди. Жаҳл билан ўрнидан турди-ю, ҳовли четида куймаланиб юрган ўгай онасига кўзи тушгач, унинг ёнига борди.

— Менга қаранг, ойижон, — пичингли оҳангда деди у. — Ҳозир юз минг сўм мана бундоқ керак. — Сирожиддин қўлини бигиз қилиб томоғидан ўтказди. — Мана бундоқ!

Ўгай онанинг тумшайиб, индамай тандирга ўт қалай бошлаганига баттар зардаси қайнаб ўшқирди:

— Ҳов, сенга гапирайпман, кампир! Бор, бекитиб қўйган жойингдан пулни олиб чиқ!

— Сирожиддин, нималар деяпсан? — қаловланди Азиза опа. — Рўзғордан орттириб яширадиган пул топганимиз йўқ. Кўриб турибсан, ҳали сувдан келади, ҳали газдан...

— Нима, ҳали “мен сени боқаяпман”, деб таъна қиласанларми? Шу уйда яшаганларингдан кейин олиб келасанлар-да!.. Мени аҳмоқ деб ўйламанг, олиб чиқинг, борини.

Сирожиддин фижимланган шимининг чўнтағидан сигарет олиб тутатди. Ёниб ўчган гугурт чўпини чертиб ирғитди-да, яна ҳужумга ўтди.

— Ўзи аслида сенлар менга юк бўляяпсанлар. Қачон-

гача отамдан қолган уй-жойда яшамоқчисизлар? Унинг мол-мулки билан сенларни бोқишим керакми? Эркин бўлиб қачон яшайман? Жонимга тегиб кетдинглар-ку! – дея хонтахтага дўққилатиб мушт туширди.

Улуғбек акасига бўзрайди. Унинг ҳақоратларига чидай олмай гап қайтарди:

– Бу уйда факат битта сизнинг ҳаққингиз борми? Намунча оғзингизни кўпиртириб, сенларни боқаяпман, дейсиз... Аслида ким кимни боқаётганини ҳамма кўриб турибди. Биз бўлмаганимизда аллақачон...

– Ҳой бола! – Азиза опа ўғлига “бас қил” дегандек қўлинин силтади.

Энди Сирожиддиннинг кўзлари фазабдан ёнди, бор қаҳрини она-болага сочди:

– Нима дединг? Биз бўлмасак кўчада қолардинг демоқчимисан? Мен-а?!

У соchlарини ҳўрпайтириб Улуғбекниниг устига бостириб кела бошлади.

– Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга... – Сирожиддиннинг чўқмордек қўли Улуғбекнинг бўғзига ёпишди.

– Ҳой-ҳой, бу нима қилганинг? – жон ҳолатда Азиза опа ўртага тушди.

Шу пайт кўзи аралаш юзига тушган зарбдан Улуғбек довдираб ерга йиқилди. Иккинчи зарбга зўрға чап бериб, ҳовлидан ташқарига қочиб чиқди. Жаҳлдан ўзини йўқотган Сирожиддин энди ўдағайлаб ўгай онасига бостириб кела бошлади.

– Томорқани кимга бериб қўйдинг? – деди сенсираб.

– Мендан бир оғиз сўрадингми?

– Уканг устачилик қилаётган бўлса. Менам касалманд, қувватдан қолган бўлсам. Ер бекор ётувди, ҳарна деб, ижарага бердим-да.

– Уканг эмиш! Қанака укам у?

– Она бошқа бўлса ҳам, ахир бир отадан туғилгансизлар-ку...

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Валақлама! Менга ўгайнинг кераги йўқ. Кейин у менга умуман ўхшамайди ҳам. Гап тамом. Уй меники, бўшатиб қўйларинг.

Сирожиддин ярим йилдан буён давом этаётган жанжални тағин қўзғади.

Энди Азиза опа ўзини тўхтата олмади.

— Сенинг ҳам уйга ҳаққинг йўқ. Нима каромат кўрсатибсанки, уй сеники бўлади? Эсингни танибсанки, кўча безорисан. Отанг раҳматли ҳам сенинг кўргиликларингга чидай олмай ўлиб кетди.

— Мен ҳовлини аллақачон сотувга қўйганман. Эртанин харидори келади. Сенлар эса бугундан бошлаб йўқолларинг. Ҳовлида ҳақларинг йўқ.

— Нега бўлмас экан? Уканг Улуғбекнинг ҳаққи бор. Отанг бор бисотини унга васият қилиб қолдириб кетган.

— Қанақа васиятни гапирайпсан? У чол ўлаётганида мияси айниб, оғзига келган гапни валақлагандир.

— Йигит киши ҳаётда бир адашдими, тўғри йўлга тушиб олиши қийин экан. Билиб-билмай ҳаётда адашган, сўнг тавба қилиб ўз ҳаётини ўнглаб олганлар ҳам бор. Бунинг учун кишида озгина ирода, фуур бўлиши керак. Сен эса...

Сирожиддин қўлинин пахса қилиб бақирди:

— Менга ақл ўргатма, шаллақи! Қандай яшаш кераклигини ўзим яхши биламан, — дея қўллари титраб яна сигарет олиб шошиб тутатди-да, босиб торта бошлади.

Азиза опа шалвираб супаниниг четига чўкди. Кўз ёшларини артиб, бошидан сирғалиб тушган рўмолини тузатди.

— Мен бу хонадонга келганимда, сен ўн тўрт ёшда эдинг. — Аёлнинг овози жуда хаста чиқди.

— Шунга ҳам мана ўн олти йил бўлибди. Онаси йўқлиги кўнглини ўкситмасин, деб қаттиқ гапирмадик.

Ҳамма эркаликларингга отанг ҳам, мен ҳам индамай қўйиб бердик. Кейин сени тўғри йўлга солишининг иложи йўқлигини сездик. Отангни хурмача қилиқларинг билан тириклийин гўрга тиқдинг.

— Нима бўлганда ҳам у менинг отам эди. Ундан онамдан менга мерос бўлиб фақат шу уй қолган. Шу пайтгача индамай, тоқатим тоқ бўлиб яшаб келдим. Бўлди етар. Яхшиликча уйни бўшатларинг.

— Ўшанда қаёқда эдинг... Отанг ўлим билан олишаётган вақтида... жон таслим қилиб, юм-юм йиғлаганимизда... жанозасига, дафн маросимиға бош бўлиш ўрнига, ном-нишонсиз йўқолган эдинг-ку. Ўша вақтда ўғиллигинг эсингга тушмаганди-ку!

— Ўчир овозингни! — Сирожиддин ўгай онасининг олдига бостириб келиб юзига шапалоқ тортиб юборди. Азиза опа тўсатдан тушган зарбдан карахтланиб ўзини тутолмай ерга йиқилди. Энди эшик ортида қўрқувдан дағ-дағ қалтираб тўрган Улуғбек жон ҳолатда чопиб келиб онасининг бошини қучиб олди.

— Урманг ойимни, урманг! Улар касал-ку! Уларни ўрнига мени уринг... мени... акажон... — Улуғбекнинг ҳақоратлардан хўрланган юзи жуда аянчли эди.

Сирожиддин оёғи тагида букчайиб чалқанча ётган она-болани оёғи билан тепкилаб ўшқирди.

— Билиб қўйларинг, қайтиб келганимда бу уйда сенларнинг қораларингни кўрмай! Бўлмаса, ўзларингдан кўрларинг, шу уйдан ўликларинг чиқади! — дея бақирганича ташқарига отилди.

Она-бала бир-бирини қучиб йиғлаган кўйи унинг ортидан нафрат билан қараб қолишли.

* * *

Сирожиддин кўчага чиққач, бўлиб ўтган воқеадан ғазаби қайнаб аламини кимдан олишини билмай боши

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

қотди. Ўзини оқлашга интилгандай “Вой, ифлос-ей, уйда ҳаққинг йўқ дейдими?! Ҳали шундай ҳисоб-китоб қиласанки, ўшанда кўрасанлар кимнинг ҳаққи бор-у, кимники йўқлигини”, деди ютиниб. У ичидагай онасини сўкиб ундан қандай ўч олишни, аниқроғи, ўгай укаси билан бирга уни уйдан қандай ҳайдаб чиқариб юборишни ўйларди. Шу топда хаёлидан “Ана шунда уйни сотиб катта пул қилиш мумкин. Бу иккаласи барибир менга бегона. Отамга теккан бўлса, энди уйга ҳам хўжайнлик қилиши керакми?” деган ўй ўтди. Ўйлаган сари режасини амалга ошириш фикри уни сиқувга ола бошлади. Шу пайтда қўл телефони жиринглаб қолди. Боядан бери телефон қилиб тополмаган маҳалладоши Бахтиёрнинг ўзи қўнфироқ қилаётган эди.

— Қанақа оғайнисан ўзи? Керак пайтда топиб бўлмайди, — деди Сирожиддин уни қўнфироқ қилганидан бир оз ҳовуридан тушгандай бўлиб.

— Мен ҳам сени излаб қўнфироқ қилаяпман. Сен билан учрашсак. Ҳозир уйдамисан? Етиб бораман, — деди Бахтиёр гапини қисқа қилиб.

Улар кўришишиб шаҳар четидаги автобекат яқинидаги ошхонага боришли.

Бахтиёр синглиси билан бўлган воқеани қўшиб-чатиб айтиб берганида Сирожиддин эвазига Бахтиёр қуруқ қўймаслигини билиб, шерлиги тутиб:

— Ҳозироқ у шум кампирни бир ёқли қилайми? — деди.

— Оғайнини, уни бир ёқли қилиш керак эмас. Ўзи бир оёғи гўрда бўлиб турганмиш.

Сирожиддин “Хўш, нима бўлмаса”, дегандек тикилиб шеригининг оғзини пойлади.

— Уни бир қўрқитиб қўйиш керак, холос.

— Қўрқитиш... — Сирожиддин ишнинг осон кечишини эшитиб совуқ тиржайди.

Унинг розилигини сезиб:

— Гап мундоқ! — дея Бахтиёр Сирожиддинга шивирлаб режасини тушунтира кетди.

Унинг айтишича, кампир ўзи ёлғиз яшаркан. Мақсад уни уйига кириб қўрқитиб қўйиш ва Маҳфузанинг ишхонасига уни мақтаб гапиртириш эди. Орада унга хизмат ҳақи борлигини ҳам шипшитиб қўйди.

— Хўш, шунга нима дейсан?

Ишнинг жуда тез ҳал бўлишини ва “мукофоти” борлигини эшитиб Сирожиддиннинг чироий очилди. Шу пайтгача аниқ бир ишнинг этагини тутмаган одамга бу иш ёқиб тушди. “Ҳа, нима, ёмонмас. Битта кампирни қўрқитиш қийинми? Қолаверса, ёлғиз экан, уйидаги пул-мул, қимматбаҳо тақинчоқлари бўлса уни ҳам қўлга киритиши мумкин. Кампир қўрққанидан кимга, нима деб борарди”.

Улар ароқ ичишган сари шум режани амалга ошириш жуда осондек туюларди. Бахтиёр шеригига қўрқитиб қўйиш керак бўлган кампир Шарифа хола ҳақида керакли маълумотларни берар экан, қўшиб қўйди:

— Уни яхшилаб қўрқитиб, тилини тийиб юришини буюриш керак, — деди.

— Ёши нечада кампирнинг? — сўради Сирожиддин сигаретни бурқситиб тортаркан.

— Ҳа энди... етмишларга яқинлашиб қолган шекили.

Сирожиддин қўлидаги санчқини ўйнаб Бахтиёрга тикилди.

— У нега ёлғиз яшайди? Болалари борми ўзи?

— Ҳеч кими йўқ... Синглимнинг гапига қараганда бир қизи бўлган экан. У ўн саккиз ёшида қандайдир оғир касалликдан ўлганмиш. Кейин эри ҳам кўп ўтмай автоҳалокатга учраган. Шундан кейин кампир бошқага

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

турмушга чиқмаган... Лекин фарзандининг доғида куякуя кўзи хира бўлиб қолганмиш бечоранинг...

— Бўлди, сохта раҳмдиллик қиласкерма кўпам. Сирожиддин ароқни пиёлага тўлатиб қуиди. — Сен, яххиси, уйга қандай киришимиз ҳақида гапир! У қачон уйида ёлғиз бўларкан?

— Кампир кечки пайт ёлғиз бўлади. Кундузи қўни-қўшнилар ундан ҳол-аҳвол сўраб кириб туришаркан.

— Бу ишни орқага суриб бўлмайди. Эртагаёқ... Хуллас, эртага кечга томон соат бешларда учрашамиз. Келишишдикими?

— Бўпти, фақат эсингдан чиқмасин, бошқа ишни режалаштириб юрма тагин.

У ҳеч иккиланмасдан Бахтиёрнинг режасини бажаришга киришадиган бўлиб қўл ташлади.

* * *

Шум режа уларни бир оз сескантиргани боис, бутунлай оқшом чўкканда кампирникига борадиган бўлишди. Учовлон Шарифа холанинг уйига яқин жойдаги катта чинор ёнига етиб келишиб, атрофни кузата бошлишди. Ҳамма ёқ кўнгилдагидек тинч. Шунда Сирожиддин Бахтиёрга тиббиётда ишлатиладиган резина қўлпоқни узатди.

— Бирор жойда бармоқ излари қолмасин. Тушиндингми? — деди унинг саволомуз нигоҳига жавобан. Шериги тушундим дегандек бош ирғади. Сирожиддин бу жавобдан қониқди.

— Шу ерда бир оз кутинглар, дарвозани очиқ қолдирман, кейин орқамдан кирасизлар, — деди Махфуза ва дарвоза ёнига бориб эшик қўнғироғини босди. Кетмакет босилган қўнғироқларга жавоб бўлмагач, эшикни муштлаб Шарифа холани чақиришга тушди. Бир муддат ўтиб ичкаридан хавотир аралаш “ким” деган то-

вуш эшитилди. Шарифа хола эшикни очиб, останада турган қизни танимайроқ савол назари билан тикилди.

— Ассалому алайкум, холажон! Мен Маҳфузаман, танингизми? Ҳамшира...

Кампир қўлини пешонасига қўйиб симёғочдаги чироқ ёруғидан кўзини пана қилди. Барибир унчалик илғаб ололмаса-да, сўради:

— Тинчликми, кеч бўлганда йўқлаб келибсан? — дея саволомуз тикилди.

Маҳфуза таклиф ҳам кутмай дарвоза остонасидан ичкари ҳатлади.

— Узр, холажон. Буюрган дориларингизни олиб келган эдим.

Шарифа хола шундан кейингина қизни таниди. Лекин буни билдирамасликка ҳаракат қилиб ўзини дадилликка олди.

— Бемаҳалда нима қиласдинг, овора бўлиб. Эртага ҳам олиб келсанг бўларди-ку, қизим, — дея кампир уни ичкарига бошлади.

— Узр, эртароқ келишим керак эди... Шу яқинда дугонамникига иш билан бориб анча ўтириб қолибмиз. Эртага бошқа борар жойларим бўлганлиги учун яна бу томонларга овора бўлиб келиб юрмай, деб бира тўла сизни ҳам кўриб кетай дедим-да, — дея у кампирнинг елкасидан тутиб олдинга бошлади.

— Юринг, холажон, юрақолинг!

Хонага кириб, дориларни хотиржам жавонга жойлаштиаркан, ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

— Ўзингиз яхшимисиз, холажон? Ҳеч нима безовта қилмаяптими?

Кампир Маҳфузанинг оҳангидаги сохта меҳрибончиликни сезмади ҳам.

— Аҳволим яхшиликка яхши-ю, лекин ёлғизлик азоб

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

бераяпти. Сизлар ҳам аҳён-аҳёнда кўриниш берадиган бўлиб қолдиларинг. Кекса кампирдан хабар олмайсизлар. Қизларингиз ҳол-аҳвол сўраб тез-тез келиб туришсин, деб бошлиқларингга ҳам айтган эдим.

Шу пайт кўчадан кимнингдир чақирган овози эши-тилди. Шарифа хола дераза ойнасидан ҳовлига мўрала-ди ва:

— Кўшнининг ўғли Эркинжонга «бозорга борсанг, менга ҳам ул-бул харид қилиб келгин», деб илтимос қилувдим. Ўша келганга ўхшайди. Бориб қарай-чи, деб, бурчакдаги жавондан пул олиб, ташқарига чиқди. Дарвоза олдида кутиб турган қўшни йигитта пулни бергач, у билан хайрлашди ва дарвоза зулфини шақир-шукур килиб қулфлади. Ичкарига кириб қўлидаги гўшт ўралган халтани Махфузага узатиб:

— Шу қўшниларнинг борига шукр. Бир нарса буюр-сам ҳеч йўқ дейишмайди. Эрталаб гўшт олиб келишини айтган эдим, олиб келибди. Уйга кир десам кирмади. Шошиб турган экан, — деди.

Махфуз Шарифа хола узатган гўштларни музлаткичга жойлаштириди ва уйнинг у ёқ-бу ёғини йиғиширган бўлди. Сўнг “ул-бул керак бўлиб қолса телефон қилинг, холажон”, дея сохта меҳрибончилик билан хайрлашди.

Аллақачон қоронги омборхонага кириб олишган Сирожиддин билан Бахтиёр атрофдаги шовқин тинчи-гунга қадар овоз чиқаришмади. Сирожиддин қўлидаги чилвири ни деразадан тушиб турган чироқ ёруғига тутиб бир-икки марта тортиб кўрди.

— Ярайди, — деди гўлдираб.

— Нима қилмоқчисан? — шивирлаб сўради Бахтиёр.

— Кампирни нима билан қўрқитаман? Сирожиддин беўхшов иршайиб кулди. Шу пайт эшикнинг гичирлаб очилгани, қадам товушлари эшитилиши билан Сирожиддин кўрсаткич бармоғини лабига босиб “жим” деган ишора қилди.

- Негадир кампир хавотирда.
- Күрмаяпсанми, ҳалидан бери қўшнининг итининг овози ўчмаяпти. Шунга шекилли.

Ишни дарҳол бошлаш шубҳа туғдириши мумкин. Шу сабаб икки босқинчи бир соатлар кутишга қарор қилди. Вақт уларнинг назарида жуда имиллаб ўтар, Сирожиддин тез-тез фира-шира тушиб турган ёруғликка соатини тутиб вақтга қараб қўярди. Бу орада талончикни қандай амалга оширишни ўйлар, ҳар замон кафтини бир-бирига ишқалаб безовталанарди. Бу лаҳзалар инсоннинг нафс балоси олдида нечоғлик ожиз эканлигини кўрсатиб турарди. “Эртага, индин нима бўлади, бу қинғир ишнинг миси чиқиб, қўлга тушиб қолса-чи”, деган ўй-хавотир улардан мутлақо йироқ эди.

Ниҳоят Сирожиддин қоронфида шеригини туртиб уни туришга ундали. Улар омборхонадан чиқиб уй томон секин юра бошлашди. Бир пайт олдинда кетаётган Сирожиддиннинг “их-ҳ” деган овози эшитилди. Бахтиёр қадамини тезлатиб, қоронфида фимирлаётган Сирожиддинга яқинлашди.

– Оббо, шу етмай турувди ўзи, – дея у оёғини ушлаб ўтиради.

– Нима бўлди?
– Мих оёғимга кириб кетди. Кон оқаяпти шекилли.
Бахтиёр чўнтағидан рўмолчасини олиб, Сирожиддиннинг оёғига босди. Энди у жойидан қўзғалмоқчи бўлди-ю:

– Вой...падари ланъат... – деб сўкиниб юборди.
– Тинчликми, нима бўлди яна?
– Ланъати арқон атиргулнинг тиканига ўралашиб қолди.
– Қўй шу матоҳингни. Бизга унинг кераги ҳам йўқ,
– деди атрофга хавотир билан қааркан Бахтиёр.
– Йўқ, керакли нарса бу. Мана-мана бўлди... Шу пайт

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Сирожиддиннинг қўлидаги чилвир йўлак ёнига экилган атиргулнинг тиканли шохига ўралишиб қолганди. Чилвирни тортаркан, қўлига зирапча кирди. Чилвирни тортиб олганида унинг бармоғи қуриган атиргулнинг тиканидан тилинганди. У оқсоқланиб олдинга интилди.

Шу пайт дарвоза ёнида Шарифа хола пайдо бўлди ва рўпарасида турган икки барзанги йигитни кўриб довдираб қолди. Нотаниш икки барзангининг турқитароватидан сесканиб турган жойида донг қотди.

— Ҳой кимсизлар? — дейиши билан Сирожиддин бўғиқ товушда “Жим бўл, кампир, жим!” дея бостириб тепасига келганда аёл бўшашиб, оёқларида жон қолмади.

— Қани, тез гапир! Пуллар, тилла тақинчоқлар қаерда?

Ўта таҳдидли овозда қай бири гапираётганлигини англай олмай қолган Шарифа хола бутунлай саросимага тушиб, тили калимага келмай қолди. Сирожиддин унинг қўлтиғидан кўтариб хонага олиб кириб сиқувга олди.

— Сенга нима деяпман? Гапимни тушунмадингми? Бизга жонингмас, тилла билан пул керак!

Шунда у чангалидаги чилвирни кампирнинг бўйнига солиб, гуё бўға бошлади. Шарифа ая унинг қўлларини бўйнидан ажратишга интилди. Аммо иложини қила олмади. Кучи етмасдан нафаси ҳиқиллаб ҳушсизланди. Сирожиддин уни елкаси билан итариб юборди. Ҳолсизланган гавла деворга зарб билан урилиб, ерга йиқилди. Қушнинг бошидай шилқ этиб қийшайган аёл калласидан ҳушёр тортган Сирожиддин “ўлган” бўлса-я” деб қўрқиб кетди ва ўғри мушукдай кўзлари олазарак, саросимага тушган Бахтиёрга буюрди:

— Кўтар буни... тез ичкарига...
— Нега?

- Ўлганига ишонмаяпман, — деди.
- Уни ўлдирмоқчи эмасдик-ку!

— Ўзи қари экан. Барыбир ўларди. Яхиси, уни күрпага ўраб қўямиз. Димиқиб ўзи ўлибди деб ўйлашади.

Бахтиёр довдираб шеригининг нима қилмоқчи эканлигини тушунмас, кимдир келиб қолишидан юраги гупиллаб шоша-пиша кампирнинг бош томонидан кўтарди. Уни уй ичкарисидаги диванга олиб кириб ётқизишиди. Кампирни устига тахмондаги кўрпадан бирини олиб ташлаётуб, Сирожиддин ўлжасининг қўлида тилла узуги борлигини кўриб қолди.

— Энди бу кампирга тилла узук керак эмас, — деб, унинг бармоғидан узукни тортқилаб ечиб олиб чўнтағига солди. Уйга сукунат чўккан. Ҳаммаёқ жим-жит, фақатгина икки босқинчининг ҳансираши эшитиларди, холос. Сирожиддин шоша-пиша ҳамма томонни афдар-тўнтар қилиб магнитофон, дазмол, девор соати-южавондаги ўрама газмолларни шошиб халтага бураб солар, кўзлари ўйнаб ҳансираганча бир зумда ҳамма ёқнинг тит-питисини чиқариб ташлади. Ютоқиб қўлига илинган нарсаларни олиб, ора-чорада девор ёнида серайиб қотиб қолган Бахтиёрга нималарнидир буюриб қўярди. Тун ярмига яқинлашиб қолганда Сирожиддин қўл телефонини олиб таниш бўлган таксичининг рақамини терди ва уни айтилган манзилга етиб келишини буюрди. Таксичи ҳам шу атрофда экан шекилли, ҳаял ўтмай кўча бошига етиб келганлигини маълум қилди. Икки талончи халталарни ортмоқлаб ҳовлидан чиқишиди ва кўча бошида кутиб турган машинага ўзларини уришиди.

Уйига келибоқ Сирожиддин ўмарган нарсаларни бирма-бир қайта титиб, кўнгли тўлди шекилли, уларни бир бурчакка қўйиб, Бахтиёрга юзланди.

- Бу матоҳларни эртагаёқ тинчитамиз.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Сендан фақат кампирни қўрқитсак, у Маҳфузани бошлиғига мақтаса бўлди деган эдим. Сен бўлсанг...
- Бас, ўзингни қўлга олсанг-чи! Сени бунчалик қўрқоқ, деб ўйламаган эдим.
- Билиб қолишса, ҳаммамиз қамаламиз. Менинг болаларим бор, энди нима бўлади... – деди Бахтиёрнинг овози қалтираб.
- Етар, бир иложи топилар. Фақат менга қулоқ солсанг бўлгани...

Сирожиддин Бахтиёрнинг ҳолатини кўриб, унга далда бермоқчи бўлди.

– Муҳими, сен синглингнинг олдида акалик вазифангни бажардинг. Юр энди уйинга, Маҳфуза билан гаплашайлик.

Акасини бир ҳолатда кўриб Маҳфузанинг юраги ҳаприқиб кетди. Воқеани улардан эшишиб, кампирга нима бўлганини сўради.

– Э-э, ким билади, кўрпага ўраб қўйгандик. Балки тинчиб қолгандир... – деди тиржайиб Сирожиддин.

Маҳфузанинг кўзлари пирпираб аланг-жаланг бўлди. Деярли бепарво ҳолатда курткаси чўнтаига тиқилган пулларни ола бошлаган Сирожиддиннинг билагидан ушлади.

- Ким, тинчиб қолди?!
- Ким бўларди, кампир-да.
- Нима бўлди? Уни нима қилдиларинг?
- Ўзи қари экан, йиқилиб тушди.

Маҳфуза саросимага тушиб қўрқиб кетди. Нега ундей қилишади? Ишқилиб, ўлиб қолмаган бўлсин-да, дея хавотирланди. Ичига ғулғула тушиб, нима дейини ҳам билмай қалтирай бошлади.

– Биласанми... гап шундаки... энди у ҳеч қачон сенга ҳалақит бермайди, – деди Бахтиёр дудукланиб.

– Жиннимисизлар! Ахир, аниқроқ гапирсаларингчи! Ҳушдан кетдими?.. Нима бўлди ўзи?

Сирожиддин унга кампирнинг бармоғидан суғуриб олган тилла узукни кўрсатгач, унинг кўксидан муздек нимадир ўрмалаб кетганини сезди. Бўшашиб, чўккалаб қолди.

“Даҳшат! Нима қилиб қўйдим, энди нима бўлади” деган саволлар шу лаҳзада унинг миясига найза бўлиб санчиларди.

Сирожиддин сигарет олиб ёндириб остонага етгач, ҳануз шалвираб ўтирган Маҳфузага, бошини чангллаб ўтирган Бахтиёрга ўгирилди.

— Ҳов, намунча лаллаймасаларинг, бўлди энди. Энг муҳими, ҳушёр бўлиб юринглар, яна битта-яримтага лақиллаб ўтирмаларинг! — тўнфиллади Сирожиддин. У шундай дейишга деди-ю, йўл-йўлакай агар ака-сингилдан “хитланиб қолишса” улар уни орган ходимларига сотиши мумкинлигини ҳам гумон қилди. Лекин сир бой бермасликка ҳаракат қилиб “Нима бўлганда ҳам ҳозир мен улар билан бир кемадаман”, — дея ўзини тинчлантириди.

Шу лаҳзада Маҳфузга ўйламасдан ўзини оқлаш учун айтган бир оғиз гапи, ўзи ва акасининг тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Шу ноҳақ гап ортидан бошига не-не савдолар тушиши изтиробли, аччиқ аламли кўргуликларни бошидан ўтказиши хаёлига ҳам келмаганди.

* * *

Шарифа ая хушига келганда хона зими斯顿, узоқдан қандайдир дайди итнинг овози эшитиларди. Қўрқув ва мадорсизликдан бир алфозда ҳансирай-ҳансирай ўрнидан қўзғалди. Пайпаслаб деворни ушлаб турмоқчи бўлди-ю, боши айланиб йиқилди. “Уҳ-ҳ” дея жимиб қолди. Бирпас нафас ростлаб бор кучини тўплаб қайта ўрнидан туриб чироқни ёқди. Ҳовлига қўрқа-писа мўралаб чиқди-да, човгумни олиб юзини ювди. Уйга

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

қайтиб кириб жавон четидаги ойнага юзини солиб қаради. Юзлари, бүйни шишиб күzlари олди бўртиб чиққанди. Томоғида қизарган излар кўриниш берарди. Унинг миясида рўй берган даҳшат лип-лип этиб ўтарди. “Ким эди бу уйинг куйгур босқинчилар?”

У базўр нафас олиб, судралганича кўча эшикка этиб борди. Кўркувдан дағ-дағ титраётган қўллари билан зўрға қулфни очиб кўча эшигига суюнди. Кўшнисининг деразасидан кимдир караб тургандек кўринарди. Кампир амаллаб қўлинни кўтариб имлади:

— Ҳой Мадамин... Мадамин...

Унинг товуши ўта заиф, айни пайтда қўрқинчли чиқди. Яна овоз бермоқчи бўлди, лекин кўз олди бирдан қоронфилашиб, суюнган жойидан шилқ этиб ерга йиқилди.

* * *

Милиция капитани Асилбек Камолов воқеа рўй берган уй ичкарисини обдон синчиклаб текшириб чиққач, ҳовлидаги стулга оғир тин олиб чўкди. Тол соясида мўлтираб қараб турган Мадаминни имлаб чақирди.

— Сиз қўшниси бўласизми?

— Ҳа...

— Кўрган-билганларингизни бир бошдан айтиб беринг-чи. Фақат илтимос, ҳеч нимани қўшманг, ҳеч нимани қолдириб ҳам кетманг! Бу жуда муҳим!

Капитан Камолов фуражкасини ечиб терлаб кетган юз-бўйнини рўмолчаси билан арта бошлади.

— Қани бошланг!

— Кеча ётиш олдидан келинингиз хонани шамоллатиш учун деразани очиб, кўча томонга қараб ўтирганди. — Мадамин қўлларини қовуштириб гапира бошлади. — Бир пайт “Вой, дадаси, Шарифа хола сизни чақириб йиқилиб тушди!” — деди ҳовлиқиб. Хавотирга тушиб шу заҳотиёқ кўчага чиқсан, дарвоза олдидаги

йўлакда Шарифа хола ҳусиз ётибди. Шошиб қолдик. Хотинимга унга қараб туришини тайинлаб, ўзим қўшниларникига чопдим. Кейин “тез ёрдам”га, милисага хабар қилдим, “тез ёрдам” келиб холани олиб кетди...

Мадаминнинг пешонаси тиришиб, елкасини қисди:

— Бор гап шу... — У ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қиласа-да, ортиқча бирон нарса деб қўйишдан ҳам чўчириди. “Ахир, кейин судра-судраси кўп бўлади буларнинг. Кимларни кўрдинг? Қачон ишдан келдинг? Кампир нима қилаётганди? Соат нечада? Ким бор эди... Эҳ-э! Ҳали эзворади шусиз ҳам”.

Мадамин фуражкасининг четларини ҳафсала билан артаётган капитандан сўради:

— Ишқилиб, холанинг аҳволи яхшими? Ўзига келдими?

Капитан жавоб ўрнига уни яна саволга тутди:

— Шу куни бу ерга кимлар келиб кетгани шубҳа уйғотмадими?

Капитаннинг ўта хотиржам овози Мадаминга далда бергандек бўлиб ўша кунги кўрганларини эслай бошлади. Бошини қашиб худди осмонга ёзиб қўйгандек тикилди.

— Им-м... Энди... Ҳа-а! — У эсига тушган нарсанинг ўта муҳимлигига ишониб овозини баландлатди.

— Ишдан қайтаётганимда, ҳу-ув, Мадамин қўлини дарвоза томонга чўзиб кўрсатди: — Маҳалламиз муюлишида қўшнимиз Абдулла акага дуч келиб, у билан сўрашиб тургандим. Кейин иккита йигитнинг шу уйга кириб кетаётганиларига кўзим тушганди. Унчалик эътибор берганим йўқ, балки қариндошларидандир, деб ўйладим. Кейин, енгил машинада нариги қўшнимиз Эркинжон келиб халта кутариб Шарифа аянинг уига кириб кетди. — Мадамин шу жойда изоҳ бериш керак деб ўйлади. — Эркинжон, нариги қўшнимизнинг ўғли. Бозорчи. У бозордан холага кўпинча гўшт, картошқа

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

опкелиб беради, барака топкур. Савоб-да, буям, түғрими? — Мадамин сумкасидан қофоз, қалам олиб нималарнидир ёзаётган капитанга тикилди. Капитан бош күттармай қўлидаги ручкани ниқтаб сўради:

— Эркинжоннинг фамилияси нима?

Мадамин кўзларини пирпиратиб қўшнисининг фамилиясини эслади.

— Эшматов! Эшматов Эркинжон!

— Кейин, нима бўлди? — Капитан чалғиманг дегандек ишора қилди.

— Ҳа-а... Унинг қўлида гўшт-пўшт бориди шекилли... кўрганим йўғ-у, кўпинча шунаقا бозордан олиб келинадиган нарсаларни хола илтимос қиласарди-да... Бир оз вақт ўтмай у ҳам кетди... Эркинни айтаяпман...

— Анави икки йигитни олдин ҳам кўрганмисиз?

— Йўқ... яхши аҳамият бермадим. Уларни орқаларидан кўрдим, холос. Очифи, хаёлимга ёмон фикр келмаганди. Энди, одам бор жойга одам келади-да...

— Эркинни яхши биласизми?

— Биламан, жуд-да яхши йигит! Во-о! Мадамин бош бармоғини ҳавога ниқтаб кўрсатди.

— Холанинг кимлар билан яқин алоқаси бор?

Мадамин капитаннинг қаршисига яқинроқ келди.

— Хола маҳалламизнинг аяси ҳисобланади. Ҳамма уларни яхши кўради. Кимга маслаҳат керак бўлса, аядан маслаҳат сўрашади. Шунинг учун ҳам уларни кига тез-тез қўшнилар чиқиб туришади. Яна маҳалла оқсоқоллари, оиласвий поликлиникадан... Кейин анави, нимайди? Ҳа, ҳамшира қизлар келиб, хабар олиб туришади.

Уларнинг суҳбатини криминалист бўлди.

— Ўртоқ терговчи, воқеа юз берган жойдан қон излари теккан аёллар кўйлаги топилди. Қўшниларнинг айтишича, “тез ёрдам” келишидан олдин холанинг устидан ечиб олиб бошқасига алмаштиришган.

— Қон доғлари? Бу қизиқ-ку! — деди Асилбек Камолов жумбоқ ечимининг дастлабки белгиларини топганидан юзи бир оз ёришиб.

— Ҳа, бу калаванинг учи бўлиши мумкин.

— Лекин тиббий кўрикдан ўтказилган жабрланувчининг бирор жойида қон чиққан тан жароҳати йўқ, — эксперт хотиржам маълум қилди.

— Демак, бу қон доғлари жиноятчиларга тегишли бўлиши мумкин.

— Тўғри. Шунинг учун ҳам калаванинг бир учини топгандаймиз, деб ўйляяпман. Бироқ... бироқ... — терговчи қалин қуюқ қошларини чимиради. — Бу ҳали жиноят очилди, жиноятчини тутдик дегани эмас. Хўш, — у гувоҳларга қаради.

— Ким холанинг кўйлагини алмаштирган эди? — Мен, — деди ҳаяжондан титраб турган Дибором. Эрим тез ёрдам чақириб келгунча, қўшнимиз Ойдин хола билан мен уларга бошқа кўйлак кийгизгандик. Шарифа хола ерга йиқилганларидан ҳамма ёқлари тупроқ бўлган экан. Шунинг учун кўйлагини алмаштирган эдик.

— Яна, нималар эътиборингизни тортди?

Дибором “билмасам” дегандек елка қисиб ўйланиб қолди. Кейин шошиб:

— Узук, — деди астагина. Терговчи аниқроқ гапиринг, дегандек унга тикилди.

— Шарифа хола доимо “онамдан қолган ёдгорлик”, дея бармоғидаги зумрад кўзли тилла узугини ечмасди. Шу узукни бармоқларида кўрмадим... Кўйлагини алиштираётиб... қўлларини енгига солаётганда... бирдан шу нарса хаёлимга келди... Ким билади, балки ечиб бирон жойга қўйгандир...

— Узукнинг кўриниши қандай эди? Чизиб, тасвиirlаб бера оласизми?

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Асилбек Камолов унга қофоз ва қалам узатди. Сүнг рўмолчаси билан кўз ёшини артиб ўтирган аёлдан сўради:

- Сиз кимсиз?
- Мен қўшнилари бўламан, – деди Ойдин хола. – Ўттиз йилдан оши Шарифхон билан “бир девор қўшни” бўлиб яшаб келаяпмиз.
- Сиз нима дейсиз, ҳеч нарса сизда шубҳа уйғотмадими?
- Кеча кечга томон итимиз чорбоғ томонга қараб роса ҳурганди. Одатда у кишиникига бегона кишилар келганда итим шундай вовуллаб қўярди. Мен бирорта қўшнилардан, танишларидан кимдир келгандир, деб эътибор бермадим. Чорбоғимиз олдидаги девор уйларимизни ажратиб туради. У ерда Шарифахоннинг эски омборхонаси бор. Улар “Шу деворни бузиб ташлайлик, қўшни”, деб бир неча бор айтган эди. Лекин болалар кўнишмади-да.

Ойдин хола айбдордек елка қисди. Терговчи бирдан сергак тортиб унга юзланди:

- Холажон, қани, ҳовлига чиқайлик-чи. Бизга ўша омборхона, чорбоғингизни кўрсата оласизми?
- Ҳа, албатта.

Улар ҳовлининг этак тарафидан ўтган йўлак бўйлаб омборхона томонга юришди. Ойдин хола йўлак бўйига экилган атиргулларни кўрсатиб гапира кетди:

- Шарифахон атиргулларни бирам яхши кўрадики, жони дили... Бу ерда ўндан ортиқ атиргулларнинг тури бор... Агар ёзда келсангиз борми, чаман бўп кетади... Дилингиз яйрайди...

Атрофга синчиков разм солиб бораётган Асилбек Камолов бехос “Ия, бу нима?” деганича тўхтаб атиргуллардан бирининг баргини ушлаб пайпаслади.

Ойдин хола у ишора қилган томонга қаради-да:

— Ҳа, буни “қирқ оғайни атири”, дейишади. Сап-са-риқ бўлиб, бирам чаман-чаман бўлиб чиройли гуллайдики...

Асилбек Камолов аслида атиргуллар ёнидаги бетон йўлакчадаги тўқ қизғиш доғларга эътибор берганди. У хона ичкарисини синчилаб суратга олаётган криминалист Хуршид Мирзаевни чақирди.

— Мана, улар мана шу қуриган атиргулнинг олдидан бошланган, — деди ўта синчковлик билан тикилиб.

— Ерга ҳам бир-иккита қон доғлари тушган. Намуналар олинг.

Одатий иш вазифасига пухта криминалист индамай қон доғларини суратга тушира бошлади. Гуруҳ ходимларидан бири эса қон доғларидан намуналар олиш билан шуғулланиб кетди. Бу пайтда терговчи Камоловнинг миясида саволлар, шубҳа-ю гумон, фаразлар гужғон ўйнарди. “Кимнинг қони бўлиши мумкин? Касалхонага олиб борилган Шарифа холада бирор тилинган-шилинган жойи йўқ... Жиноятга алоқадор бўлганлардан бириникимикин? Лекин қандай қилиб? Ҳарқалай қуриган атиргулни узгани келишмагандир! Нима учун?.. Балки кимдир бу жиноятни содир этишига халақит берганмикин?.. Ёки атайин қон доғларини қолдиришганмикан?..” Бир оздан сўнг терговчи вақтни бой бермаслик керак деган тўхтамга келиб, милиция тезкор ходими Акбар Юнусовни чақирди. Топширикқа кўра энди марказдаги “тилла” буюмлари сотиладиган бозордан Дилором чизиб кўрсатган тилла узукни қидириб кўриш керак эди.

* * *

Эртаси куни Бахтиёр катта ёйма бозорда анча сандироқлаб юрди. Сирожиддинни тополмагач, асабийлашиб бозор дарвозаси олдига келиб уни кутиб ўтган-кетгани кузатиб турди. Йўқ, сабри чидамади, яна қайтиб

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

бозор эшигидан ичкарига кирди. Одамлар орасидан туртиниб-суртиниб ўтаркан, чеккароқда бир киши билан гаплашиб турган Сирожиддинга кўзи тушди. Бахтиёр уларга орқа томондан етиб келиши билан Сирожиддин шартта бурилиб, “Келдингми? Ҳозир, тўхтаб тур!” – деди-ю, яна гаплашиб турган мижозига юзланиб алланималарни тайинлаб кетди. Бахтиёр шу тобда манглайдаги терини артаркан, унга ҳайрон нигоҳини қадади. “Бир қарасанг, юз грамм ароқ тополмай боши гаранг алкаш, бир қарасанг гап-сўзи осмонда шер. Чўнтағига пул тушиб озгина ичиб олса-ку, умуман таний олмайсан”. Ҳозир ҳам унинг зийраклигига тан берди. Ахир, орқа тарафдан яқинлашиб келганини қаердан била қолди? Назарида бирор марта ҳам ортига қараб қўймаганди-ку. “Ҳа, бозорни худди шахмат доскасини кўргандек билиб турибди. Ўта шум, бошининг орқасида ҳам кўз битиб кетган бунинг”. Унинг қўлидаги рўмолчага узук солинганлигини фаҳмлаб, юраги орқага тортиб кетди. “Кетамиз”, деган маънода Сирожиддининг билагидан туртди.

– Бўпти, оғайни, ҳали кўришармиз. Сирожиддин қўл ташлаб таниши билан хайрлашди-ю, Бахтиёрга қайрилиб ҳам қарамай, тез-тез юриб олдинга одимлади. Бозор ҳаёти уни ана шундай эҳтиёткор, имкон қадар тез ва кўп пул топишга кўйга етаклаганди. Аниқроғи, ундаги нафс уни шундай кўйга етаклаганди. “Нима фарқи бор қандай пул топишнинг, – деб уйларди у. – Энг муҳими, кўпроқ топишда. Аллақандай одамгарчилик, инсоф, ҳалоллик деган нарсалар билан одамлар ўзларини оқлаб юришади. Ўша нарсалари билан қорин тўйдирив бўларканми?” Бозорнинг одам гавжум, шовқинли жойига боргандагина у ортига юзланиб сўради:

– Намунча рангингда ранг қолмабди? Бир кунда кўз-

ларинг ичига ботиб, соқол-мўйловинг патакдек қиёфага кириди. Ахир, эркакмисан. Ўзингни тутсанг-чи!

Бахтиёр индамай қовофини уюб ўзини хотиржам кўрсатишга уринди.

— Маҳфузә қалай? — секингина ўгирилиб шивирландек сўради Сирожиддин. — Ишга кетдими?

Имкон қадар гапирмасликка уринган Бахтиёр бош чайқаб “йўқ” ишорасини қилди-ю, барибир изоҳ бериши кераклигини тушунди ва товушидаги титроқни сездирмасликка тиришиб: — Бугун дам олиш куни, деди зўрға.

Бозор четроғига чиққач, Сирожиддин Бахтиёрнинг елкасига қўл ташлаб тушунтира кетди.

— Ҳозир Гулнорага кечаги молларни ўтказамиз. Танишасан у билан. Унга сени кўрсатиб, ўртоғимга пул керак бўлиб қолибди, нарсаларини сотишига ёрдам бергин дейман... Олдин буларни, — Сирожиддин қўлидаги қопга жойлаштирилган лаш-лушларга имо қилди, — сотайлик, кейин анави узукни ҳам бир амаллаймиз...

У сигарет олиб ёндириди. Бахтиёр ўша-ўша, бош иргаб розилигини билдириб, тез-тез атрофга олазарак қараб қўярди ва итоаткорона унинг орқасидан эргашарди. Йўлнинг икки томонини ёймачилар эгаллаган. Хилмаяхил эски-туски буюмлар аралаш-қуралаш бўлиб териб қўйилган. Кимга нима керак бўлса, шунга эгилади.

— Сирожиддин! Бу ёқдаман!

Икки-уч қадам нарида тилла тишларини ярақлатиб бир аёл имлаб чақираётганди. Сирожиддин у билан жуда апоқ-чапоқ бўлиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, эркалангансимон оҳангда гина қилишлар бошлианди.

— Сизни тузоққа илинтиrolмай юргандим, энди қочиб қутулиб бўпсиз! — дея Гулнора кўрсаткич бармоғи-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ни ўқталиб писанда қилди. – Ўтган сафар келганингизда берган ваъдаларингиз эсингиздами?

- Қ-қанақа ваъда?
- Ана шунақасиз-да, бизга қолганда ҳамма нарсанни эсдан чиқарасиз. Танишларим билан гаплашиб, мол олиб келаман, деб кимга ваъда бергандингиз?
- Ҳа, ҳа, эсладим, – деди, Сирожиддин пешонаси ни ушлаб.
- Вой-вой, эсладим эмиш! Мен бўлсам ҳар куни йўл пойлаб, майда-чуйда нарса сотиш билан овораман. Майда нарсаларнинг тушумиям майда бўларкан. Ҳеч бирим икки бўлмаяпти. Чўнтак касал.
- Шунинг учун мана биз “тез ёрдам” бўлиб етиб келдик-да, – деди Сирожиддин яна беўхшов тиржайиб, қўлидаги халтага жойлаштирилган юкларига ишора қилди.

Гулнора унинг гапига ишонқирамай қопга кўз қирини ташлади. “Йўқ, ростданам нимадир борга ўхшайди”, – деган ўй хаёлидан ўтди. Шу чоғда Сирожиддин Бахтиёрнинг елкасига қўлини ташлаб уни таништира кетди:

– Бу оғайним Бахтиёр бўлади. У чет элга ишлагани кетаяпти. Йўл учун унга “срочний” пул керак. Шунинг учун уйидаги ул-бул нарсаларини сотмоқчи. Ишончли одамлар бор, – деб тўғри сизнинг олдингизга келавердик.

– Жуда яхши, қани нималарни сотмоқчисизлар? – Гулнора Бахтиёрга бир қараб қўйиб қайта Сирожиддинга тикилди. – Ҳўш, бойвачча, айтинг!

– Телефон аппарати. Зўр матолар, янги чиққанларидан! – Сирожиддин бош бармоғини “зўр” ишораси қилиб кўрсатди. – Умуман кетадиган моллар бор! Кўрсангиз биласиз. Ҳаммаси мана шу ерда! Сирожиддин қўлидаги қопни унга узатди.

— Фақат күтәрасига ва бирданига нақди керак. Кутіб ўтиришга дўстимнинг вақти йўқ.

Жувон “кўрсатинг молларни” дегандек имлади. Кейин деярли янгидек сақланган буюмларни кўриб кўзи ўйнаб, кўнгли тўлди шекилли, қизифида улгуржи савдога тушди.

— Чамалаб келган кўринасизлар. Ҳаммасига қанча сурайсизлар? — айёrona ишва билан илжайди у.

— Беш юз.

— Оширвормадингизми, акоси! — Бу олибсолар хотиннинг савдодаги одатий гапи эди. У пешбандининг чўнтагидан ҳамёнини чиқариб пулинини чамалади.

— Ие, бу ўша катмонча-ку! — деди Сирожиддин ҳайратланиб.

— Ҳа, ўша, пултопар катмон, — дея Гулнора кулди, кулганда бир текис тилла тишлари ялтираб кетди. У пулинини ҳисоблашда давом этарди. Сирожиддин эса ҳушидан айрилгудек ҳирс билан жувонга маҳлиё бўлиб тикилди. Аёл пулинини санаб кўриб:

— Ёнимдаги пул етмас экан. Эртага қолганини қилиб берсан бўладими? — ишва ва сохта калондимоғлик билан сўради олибсолар жувон.

— Йўқ, бўлмайди. Дўстим шу бугун кечқурун жўнаши керак эди-да! Ҳозир уйингиздан бўлсаям олиб берсангиз яхши бўларди. Бўлмаса, буларни ана ёнингиздаги Холида опага ўтказамиш. — Сирожиддин бу гапларни жувонга айтиб, унга бошдан оёқ кўз югуртирди.

— Жа, вақтини топдингиз-да, — жувон унинг маъноли қарашларини илғаб ўзининг у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. — Ахир, бозор энди бошланаяпти. Нарсаларимни кимга ташлаб кетаман?

— Ана, оғайнимнинг ўзи қараб туради. Бир соатда бориб келамиш.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Гулнора Бахтиёрга маъноли назар ташлади.

— Билмадим, — бош чайқади Бахтиёр. Кейин малол келса-да, тезроқ пулни олиш кераклигини уйлаб минфирилади.

— Майли, фақат тезроқ келинглар, қиладиган ишим кўп ҳали.

— Бу, сотиладиган нарсаларнинг нархи манавинга ёзилган. — Гулнора бир варақ қофозга ҳафсала билан ёзилган рўйхатни тутди. — Харидори чиқса, сотиб юбораверинг... Ҳечам тортинманг, биз сиз учун қайғуриб кетаяпмиз-ку, — жувон Сирожиддинга қараб илжайди.

Улар кетишли. Бир оздан сўнг харидорлар ҳам келиб ул-бул нарсаларни сўрай бошлашди. Аввалига ўнғай-сизланган Бахтиёр аста-секин ёйиб қўйилган буюмларнинг нархини айтиб: “Моллар меникимас, эгаси вақтингча ташлаб кетди. Олсаларинг шу экан нархи” дея савдога киришли. У савдога қизиқиб бирон соатлар вақт ўтдики, пулга кетганлардан дарак бўлавермади. Вақт пешиндан оғиб, харидорлар сийраклашиб қолди. Атрофдаги ёймачилар буюмларини йифиштиришга киришишли. Шундоғам сиқилавериб тоқати тугаган Бахтиёр бош қашиб қолди. “Нима қилдим энди? — ўйлади ташвишланиб. “Улар қайси гўрга гум бўлишиди экан... Қайтиб келишмаса, нарсаларини қаерга қўяман?”

— Ҳой йигит! — Бахтиёр овоз келган тарафга қаради. Олтмиш ёшлардаги бир сотувчи аёл унга хайриҳоҳ тикилиб турарди.

— Шошилаётган бўлсанг, Гулноранинг нарсаларини менга ташлаб кетавер, демоқчийдим. Улар ҳали-бери келишмайди.

Бахтиёр уни Гулноранинг бозордаги яқин шериги, деб тушунди-да, секин яқинлашиб сўради:

- Сиз қаердан биласиз? У аёлнинг кими бўласиз?
- Гулнора билан шу бозорда савдо қиласиз, — кулди аёл.
- Ўтган сафар ҳам “бир соатда қайтамиз”, деб қайтиб келишмаганди. Ўшанда ҳам молларини шу ердаги омборхонага топшириб кетганман.
- Нима, Гулнора опанинг уйи узокдами? — сўради у.
- Юришгандир-да, бир-бирига илакишиб, мов мушуклардай искашиб. — Аёл ўзининг ёйиб қўйилган буюмларини йифиштира бошлади. — Кейин бошини кўтариб Бахтиёрнинг уялиб ерга қараганлигини кўриб, кулди. — Ҳай бола-я! Ҳали айниб улгурмабсан, уларга қўшилмай қўяқол.
- Менга уларнинг нима иш қилиб юришганлигини ҳечам қизифи йўқ. Фақат пулимни олиб келиб беришса бўлди, — деди фудирлаб.
- Бирор ёққа кетмоқчимисан?
- Бахтиёр индамай бош иргаб тасдиқлади.
- Уйланганмисан? Нега нарсаларингни сотаяпсан?
- Шундай қилишга тўғри келиб қолди.
- Хотинингнинг хабари борми?
- Ҳа.
- Алдамаяпсанми?
- Нима, алдаганга пул беришармиди?! — саволга савол билан жавоб берди Бахтиёр.
- Пул беришса алдармидинг?
- Бу аёлнинг сўзамол, қизиқувчанлиги Бахтиёрда ҳадик уйғотмади. Аксинча, унинг содда, айни пайтда ўзишига пишиқлигига тан берди.
- Исминг нима? — қизиқишини кучайтириб сўрашда давом этди аёл.
- Бахтиёр.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Аёл унга синовчан тикилиб турди-да:

— Менга қара, анови оғайнинг қамалиб чиққанми? —
дeя унга савол назарида қаради.

— Ким айтди? — дeя Бахтиёрнинг ичи ўпирилиб кет-
гандек бўлиб, аёлга жавдираб қаради.

— Гулнорадан эшитдим. Уларнинг қўлтиқлашиб юриш-
гани ҳақида бу ерда хотинлар Гулнорани ўша йигит билан
дон олишиб юрибди, деб фийбат қилишганди. Гулнора
эшитиб аёлларнинг роса таъзирларини берди. “Мен
эрли, бола-чақали аёлман. Ўйнаш тутишга ҳавас қил-
сам, ана, бозор тўла эркак. Тенгимни топиб, айшимни
суриб юравераман. Қамоқда ўтириб чиққанга куним
қолгани йўқ. У йигит билан бозордаги ишни битириш
учун опа-ука тутингандиз. Аммо унинг ўзи бу гапла-
рингизни эшитса борми, ҳаммангизнинг уруфингизни
қуритади”, деб роса шаллақилик қилганди... Нега ин-
дамайсан, шу гап ростми?

Бахтиёр аёлнинг гапидан янада ичи зил кетди. Ҳудди
қилган ишини бу аёл билиб қолгандек лаблари титраб:

— Менинг бу гаплардан хабарим йўқ, эшитмаганман,
— дeя олди. Кейин аёлнинг саволларига жавоб бермас-
лик мақсадида ёйилган буюмларни йиғиширишга
чоғланди. Очифи, бўлажак саволлар унга ёқмаётганди.

— Сени оғайним бўлади, деб Гулнорага таништириди-
ку! — дeя аёл норози оҳангда яна тўнфиллади. — Қўрқма
ўртоғингга айтмайман.

Бахтиёр лом-лим демай буюмларни катта халталарга
жойлай бошлади. У аёлнинг “улар келишмаслиги ҳам
мумкин” деган гапига ишонган бўлса-да, яна бир оз
кутишни афзал кўрди. Ҳозир уйга боргандан кўра мана
шу ерда одамларни кўриб чалфиш, тунги воқеани уну-
тиш муҳим эди. Бир оз ёлғиз қолгудек бўлса, кўз ол-
дига кўрпага ўралган Шарифа холанинг гавдаси пайдо
бўлади. Бу ишнинг бошида турган синглисига нафрат

хисси юрагини кемиради. Шу боис ёнида нарсаларини йиғишираётган аёлнинг гапини эшитиб-эшитмас, кимдир уни узоқдан пойлаб тургандай эди.

Бир маҳал аёл унинг елкасидан туртиб ишора қилди.

— Қара, оғайнинг келаяпти!

Бахтиёр ён-верига аланглади.

— У ёққамас, түғрингга қара, күраяпсанми?

Бозор дарвозаси тарафдан Сирожиддин билан измаз из келаётган Гулнорани кўриб, у енгил тин олди-да, ичида “хайрият-э” деб қўйди.

— Мана биз келдик! — Сирожиддин кела солиб Бахтиёрнинг елкасига қўл ташлади. — Ҳа, оғани кутиб қолмадингми?

Сирожиддиннинг кўзлари бир оз сузилиб сархушлигидан сездики, улар ичишган. Бахтиёр негадир бир оз жаҳлланди. Қовоғини уюб жавоб қилди:

— Ҳа, энди хавотирланишни бошлагандим. — У бу жаҳл ҳар иккисига ҳам тегишлилигини билдириш учун Сирожиддин билан Гулнорага бир-бир кўз қирини ташлади.

— Нима, биз сенга ёш бола эдикми, хавотирга тушасан?

Бахтиёрни шу тобда қаттиқроқ гапириб қўймаслик учун бир сўз қилмади ва чўнтагини ковлаб сотилган нарсаларнинг пулинини Гулнорага узатди.

— Ў-хў! Бу дейман, савдо-сотиқни ҳам бирпасда ўрганиб олганга ўхшайсан, — деб Сирожиддин ён чўнтаgidан қофозга ўроғлиқ даста пулни кўрсатиб мақтанган бўлди. — Биз ҳам қуруқقا бориб келганимиз йўқ. Сени деб бормаган жойимиз қолмади. Гулнорахон ахийри бир дугонасидан топди! — У шу маҳал ниманидир эслаб Гулнорага қайрилди. — Лекин дугонангиз зўр аёл экан. — Во-о! Раҳмат, ҳожатимизни чиқарди.

Бахтиёр лом-мим демай ерга қаради. Иш битганидан

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

хурсанд бўлиб Гулнорага қайта-қайта раҳмат айтди. Буюмларнинг нархи ёзилган қофозни узатиб, кетишга чоғланди ва Сирожиддинни роса чўзиб хайрлашганидан бетоқат бўлиб кетиш учун елкасидан тортди. Бозордан чиқаверишда жойлашган, бироқ ичи гавжум бўлган ошхона тарафга бошлаган Сирожиддин ундан тиржайганча сўради:

- Қорнинг ҳам роса очиб кетгандир?
- Бошқа жойга борсак бўлмайдими? – Бахтиёрнинг шу топда чўчиғанлиги сезилиб турарди.
- Намунча! – Сирожиддин қўл силтади. – Ўзингни бос, ҳаммаси жойида. Нима, юрамизми судралиб.

Улар четдаги бўш столга бориб ўтириши. Сирожиддин Гулнорадан олган пулларни тақсимлаб Бахтиёрга узатди. Кимга қанчалигини ҳар иккиси ҳам сўрашмади. Официант қиз уларнинг буюртмасини олиб келди. Ликопчадаги газак, графиндаги жимиirlаб турган ароқ ва, айниқса, кабобнинг ҳидидан Бахтиёр ҳақиқатан ҳам қорни очганини ҳис қилди.

– Биласанми, мен мана шунаقا жойда кайф қилиб ўтиришни яхши кўраман, – деди Сирожиддин қадаҳларга тўлдириб қуяркан. Кетма-кет ичиб жафи очилиб мақтанишга тушди.

– Пулинг кўп бўлса, юрсанг, шунаقا мазза қилиб. Биласанми, дунёда нима қолади? Ҳаёт нима дегани...

Одатда шунаقا бўлади. Улфатлар бир-икки қадаҳ олишгач, ўта сергап, ҳазилкаш, ҳатто файласуф ҳам бўлиб қолишади. Қандай яшаш керак, кимга қандай муомала қилиш, нимани қаердан топиш керак – ҳаммасини билишади гўё. Бу борадаги қарашларини энг тўғри ва энг доно фикр, деб ўйлашадилар. Ҳар бири гуё янги бир гап, ҳали унча-мунча одамнинг ақли етмайдиган фикр айтаётгандек бўлишади. Суҳбатдош қанчалик индамай қулоқ солса, шунчалик илҳомлари

келади, адоги йўқ маслаҳатлар бера бошлайдилар. Ҳозир ҳам шундай ҳолат эди. Сирожиддин “омадимизни берсин” дея навбатдаги қадаҳни кўтарди. Орадан ярим соатлар ўтгач, икковлари ҳам сергап бўлиб қолди. Энди улар ўзларини анча эркин тутар, чўнтакдаги пулни эслаб, кайфиятлари ҳам кўтаришганди. Бу пуллар қаердан, қандай келиб қолгани, қилган ишлари қанчалик жирканч эканлигини ўйлаб ҳам кўришмас, аниқроғи, бундай деб ўйлашни исташмасди.

Анча ширакайф бўлиб қолган Сирожиддин негадир бу сафар пиёлага қўйилган ароқни қўлига олиб, “омад ва Гулнора учун ичмоқчиман” деди-ю, тик турганча сипқорди.

— Мана энди бўлди, — деди у жойига ўтиаркан, гуё зўр бир ишни бажаргандек. Назарида, атрофда унга кўзи тушганлар ҳам қойил қолгандек эди. Кейин кўзлари чақнаб ён-верига назар ташлади. Янги сигарет тутатиб олифталарча оғзидан паға-паға қилиб тутун чиқарди. У шу тобда анчадан бери ўйлаб юрган шум режасини айтгиси келди.

— Биласанми нимани режа қилганимни? — Сирожиддин шу савол билан ўйчан шеригини ўзига қаратди. У ўзини аслида ҳам анча ақлли, ишнинг кўзини биладиган устамон, деб ҳисобларди. Дабдурустдан берган саволига ҳам ўзи жавоб беришга шошилар, айни пайтда бу гапларни айлантириб айтгиси ва шеригининг бунга нисбатан қарашларини билишни истарди.

— Нима, Гулнорага ўйланмоқчимисан? — Бахтиёр қўлидаги гугурт қутисини ўйнаб сўради.

— Тополмадинг. Овора ҳам бўлма, барибир тополмайсан.

“Нима бўлиши мумкин?..” Бахтиёр Сирожиддиннинг кўзларига тикилиб, гуё ниманидир уқмоқчи бўларди. Бунга жавобан эса Сирожиддин “барибир тополмайсан”

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

дегандек бош чайқади. Сўнг официантни чақириб яна ароқ буюрди. Бахтиёр режасини ўзи айтса айттар, айтмаса менга ҳам унча қизиги йўқ, деган ўйда атрофдаги одамларни кузата бошлади. “Ҳа, ҳамма ўз ташвиши билан овора, – ўйлади у ошхонадаги одамларнинг хатти-ҳаракати, бирбирига гап бермай нималарнидир чуғур-чуғур қилишларини кузата туриб. – Ҳамма яхши еб-ичсам, кийсам, данғиллама уй-жой, машина ва ҳоказоларга эришсам дейди. Мен ҳам шуларни хоҳлайман... Тўғри-ла, одам дунёга бир марта келади. Еб-ичиб, майшат қилгани қолади...”

– Биласанми, гап уйланиш ҳақидамас, – деб гап бошлади ниҳоят Сирожиддиннинг ўзи. – Ўйлаб кўрсам тайёр уй, тайёр хотин, боласи ҳам бор.

Бахтиёр гап Гулнора ҳақида бораётганига тушуниб, бутун эътиборини Сирожиддинга қаратиб, сўради:

– Эри-чи?

– Мен уни ўша эрининг зуғумидан қутқармоқчи-ман.

– У эридан зуғум кўраётган аёлга ўхшамайди-ку.

– Сен билмайсан. У қийналган аёл. Фақат бошқаларга сездирмайди.

– Нима, ростданам уни яхши кўриб қолдингми? Ахир, сендан ёши катта-ку!

– Яхши кўраман. Фақат уни эмас, пулларини. – Сирожиддин муғомбирона иршайди. – Биласанми, бугун уникига бордик. Биринчи марта уйига таклиф қилиши. Янги уйнинг иккинчи қаватидаги уч хонали хонадонда тураркан. Ҳамма нарсаси бор. Бекаму кўст жиҳозланган. Меҳмонхона тўридаги “стенка”да биллур идишлар, бурчакда юмшоқ диван, эни чамаси бир метрли яssi телевизор, шипдаги биллур қандил, чет элнинг музлат-кичи, полга тўшалган қимматбаҳо гиламлар...

– Хўш, кейин-чи? – қизиқсинди Бахтиёр.

— Нима кейин? — иршайди яна Сирожиддин сигарет тортиб. — Кейин бирпасда Гулнора жиз-биз тайёрлади. Эллик-эллик... қилдик. Биргаликда бир оз дам олиб, яйрадик.

— Эри келиб қолади деб қўрқмадингми?

— А-а-а! — қўлини силтади Сирожиддин. — Қишлоғига кетган экан, эртага келармиш... Лекин Гулнора бошқача аёл! У ўзини ёлғондан фаришта қилиб кўрсатмайди. Мен билан ичади, кулади, яйрайди... Агар эрим сендай эпли-шудли бўлганида сени яқинимга ҳам йўлатмасдим дейди, очиқчасига. Мардлиги бор, аёл бўлсаям. У барибир жуда ажойиб! У ёғини сўрасанг... — Сирожиддин тағин иршая бошлади.

— У ёғига ўтмай қўяқол, — деб Бахтиёр унинг гапини бўлди.

— Қизифи бу ёқда-ку!

— Қизифи мени қизиқтирмайди. Ўзимиз энди нима қиласиз, шундан гапир.

— Нима қиласардик, ичамиз!

Сирожиддин ароқ қўйиш учун графинга қўл чўзди. Бахтиёрнинг тумшайганини кўриб жиддийлашди. Пиёладаги ароқни индамай ичиб, лаб-лунжини артди.

— Хўп, майли, қовофингни осаверма мунча. Сен ўзингни қўлга ололмаяпсан. Бунақада сездириб қўясан. Шунинг учун битта таклифим бор... — Сирожиддин янги сигаретни лабига қистирди. — Эрталаб бозорга кираверишда гаплашиб турган оғайним бор эди-ку, Қозогистонга иш билан кетаётган экан. Яхшиси, эртага сени шу оғайним билан яқинроқ таништирай. Бу ергдаги нарсалар тинчигунча бир-икки ой у билан ишлаб келасан.

Нима қилишини билмай ҳадик ва хавотирдан эзилиб юрган Бахтиёрни ҳозир ҳар қандай илинж, чора қизиқтирасдан қолмасди. “Ҳозирча яхши таклиф, —

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ўйлади у. – Четроққа кетсам, күздан нари бўламан, бу ердаги ишлар тинчиб, изларни янги қорлар босиб кетар. Ўзим ҳам узоқроқда ўпкамни босиб, пул ҳам ишлаб оларман... Бошқа тузукроқ чора ҳам йўқ, шекилли.. Ҳаммасига синглим сабабчи... Қаёқданам унинг гапига кирдим... Энди бошқа иложим йўқ. Хотинни ҳам кўндиришим керак ҳали...”

– Лекин кетиш учун пул керак, – бармоқларни ўйнатиб сўради Бахтиёр.

– Хавотир олма, Гулнорага айтдим. Унинг тиллафуруш таниши бор экан. Эртага ҳалиги тилла узук-пузуларни ҳам сотиб беради.

– Яхши бўларди, – деди бир оз енгил тортиб Бахтиёр. – Шунаقا қилгин, ўртоқ. – Ҳозирда бу фикр унга нажот чораси бўлиб кўринди ва ийиб кетиб ароққа қўл чўзди. Сирожиддин уни маъқуллаб пиёлани чўқишилди.

– Ҳа, шундай қилсак, ҳаммамизга яхши бўларди, – деди у масалани ҳал қилгандай.

* * *

Бахтиёр маҳаллага кираверишдаги супермаркетдан ўзига янги уст-бош, туфли харид қилди. Уйнга ҳам анча-мунча бозорлик қилиб олди. Халталарни бир-бир очиб кўрган хотини Азиза ундан тергаб сўради:

– Кеча пулим йўқ, деб юргандингиз, бугун янги уст-бош, бозорлик қилибсизми?

– Ҳа! – деди Бахтиёр сир бой бермай. – Бир оғайним билан қозоққа кетмоқчиман. Биргаликда бизнес қиладиган бўлиб турибмиз. Ундан қарз олдим, ишим юришиб кетса, қайтариб бериш шарти билан.

Азиза бу гаплардан шошиб қолди. Хурсанд бўлишини ҳам, хавотирланишини ҳам билмасди. Барибир ҳадик ва гумон аралаш яна сўради:

- Шерикларингиз ишончли одамларми? Бошлайдиган ишларингиз ишкалли эмасми?
- Нега унақа деб ўйляяпсан?
- Ҳа, энди әхтиёт бўлинг дейман-да... Ана, телевизорда ҳам гапиришаяпти-ку. Четга чиқиб алданиб қолибди, борганларнинг кўпини сотиб юборишибди, деган гапларни ҳар куни эшишиб, кўраяпмиз. Сизни ҳам...
- Бас қил ҳар хил гумонларингни. Аёл зоти ўзи шунақа-да, сал нарсага дарров ваҳимага тушади. Мен ҳам анойи эмасман. Ўша кўча кўрмай, сотилиб кетган қишлоқ йигитларида гўл эмасман. Қолаверса, яқин оғайнилар билан бирга кетаяпман.

— Мен ҳам яхшиликка бўлсин дейман-да, дадаси.

Азизанинг кўнгли эрининг гапидан бир оз таскин топгандек бўлди-ю барибир юрагининг бир чеккасида қандайдир хавотир бор эди.

* * *

Терговчи Асилбек Камолов навбатдаги тергов хулосалари билан танишиб ишга шўнғиб кетганди. Эшик тақиллаб, хонага тезкор ходим Акбар Юнусов бош сукди.

— Мумкинми, ўртоқ бошлиқ. Тиллафуруш аёлни олиб келган эдим.

Хонага эллик ёшлар чамаси аёлни бошлаб кирган тезкор ходим стол устига тилла тақинчоқларни қўйиб, кетишга рухсатми, дегандай терговчига қаради.

— Ҳозирча бораверинг, рухсат. Лекин шу ерда бўлиб туринг, яна бир топшириқ бор.

У тезкор ходим чиқиб кетиши билан аёлга юзланди.

— Марҳамат, ўзингизни таниширинг.

— Мен... мен Зокирова Нигораман... Лекин ҳеч қандай жиноят қилганим йўқ... — Аёл кўзлари аланглаб ҳадиксиради.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Нигора опа, ҳали ҳам сизни ҳеч ким жиноятчи деб, айблаётгани йўқ.

— Унда нега ходимингиз мени бу ёққа бошлаб келди?

— Ана шу саволга биз сиз билан аниқлик киритамиз.

Терговчи стол устидаги тилла тақинчоқлар орасидан зумрад кўзли узукни қўлига олиб, у ёқ-бу ёғига син-чиклаб қарай бошлади ва уни аёлга кўрсатиб сўради:

— Бу тиллами?

— Ҳа, эски тилла узуклардан. — Аёлнинг ҳадикли кўзлари пирпиради.

— Қаердан олдингиз? — ўта хотиржамлик билан сўрашда давом этди терговчи.

— Ўзимники, онамдан мерос бўлиб қолган. Пул ке-раклиги учун сотмоқчийдим.

Асилик Камолов унга ўткир нигоҳини қадади.

— Нигора опа, бу ўғирланган узук. Тўғрисини айтинг, қаердан олдингиз? Еки ўзингиз...

— Ўғирланган? — Аёл энди довдираб ўзини қўярга жой тополмай қолди. Вазият у ўйлаганчалик эмаслиги-ни аңглаб калавани учини йўқотди.

— Бир танишим... олиб келиб... берган эди... — деди аёл тили айланмай.

— Қачон?

— Уч-тўрт кун бўлди.

— Танишингиз аёл кишими?

— Ҳа, аёл. Лекин у бир йигит билан бирга келган эди.

Асилик Камолов қўлига қофоз, қалам олиб ёзишни бошлади.

— Қани, Нигора опа, энди бир бошидан гапиринг. У аёл ким? Исми, фамилияси нима? Ёши нечада? Қаерда яшайди? Нима иш қиласди?

— Исми... исми Гулнора. Фамилиясини билмайман. Қирқ ёшлар чамасида шекилли. Бироқ қаерда яшаши-ни, нима иш қилишини билмайман.

— У билан қандай танишгансиз?

Аёл бир оз ўйланиб қолди, сүнг чөхраси ёришди.

— Ҳа, эсимга тушди, бундан икки ой олдин эди шекилли. У “Ёйма бозор”да ишлайман, бирга ишлайдиган опахоним четга молга кетмоқчи, “Унга пул жудаям зарур бўлиб қолди, шунинг учун тилла занжирини сотмоқчи” деб бир аёл билан келишган эди. Ўшанда тиллаларини сотиб берувдим.

Терговчи Камолов яна қўлига узукни олиб айлантирганча сўрашда давом этди:

— У сизнинг олдингизга бир йигит билан келди дедингизми? Уни танийсизми?

— Йўқ, танимайман, у йигитни биринчи кўришим...

— Ёши нечаларда у йигитнинг?

— Аниқ айттолмайман. У менинг ёнимга келмади.

Машинада ўтирган эди.

— Ўша йигитнинг ташқи кўриниши қанақа эди?

— Бўйи баланд, қошлари қалин, қорачадан келган. Машинадан бирров тушганида кўриб қолгандим. Очиғи, унга яхши аҳамият ҳам бермагандим.

Аёл сўз тополмай, талмовсиради.

— Машинанинг маркаси қанақа эди?

Аёл бир зумгина уйлаб дарров эсга олди:

— “Матиз!” оқ “Матиз”. Тепасида таксиларда турадиган “шахмати” ҳам бор эди.

— Машинанинг рақами эсингиздами?

Бу сафар аёл машинанинг рақамини эслолмади.

— Йўқ, ўша чоғда машинанинг рақамига қарашиб ҳаёлимга ҳам келмабди. Ахир, ҳар бир кўрган машинанинг рақамига қараб уни эслайвермайман-ку!

Асилбек Камолов бир оз ўйланиб туриб, яна аёлни сўроққа тутди:

— Узук учун қанча сўрашди?

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Саккиз юз минг сўм.
— Сиз қанча бердингиз?
— Беш юз минг сўм.
— Тушунарли. Терговчи яна нималарни дир қайд этиб ёзди-да, қофозларини папкага жойлаб ёпди. Тиллафуруш аёл буни “энди қўйиб юборишади” деб тушунди. Қўлидаги сумкасини қўшқўллаб тутиб секингина ўрнидан туришга шайланиб сўради:

— Мен энди кетаверсам бўладими?
— Йўқ. Терговчи қофоз солинган папкани қайта очди.

Ҳали сизга жавоб йўқ.

— Нега? Мен ҳеч кимнинг узугини ўғирлаган бўлмасам. Қолаверса...

— Қолаверса, сиз тилла буюмларнинг савдоси билан ноқонуний шуғуллангансиз. Конунга зид фаолият юритгансиз. Кейин, ўғирланган узукни сотмоқчи бўлгансиз.

— Менинг ўғирликка ҳечам алоқам йўқ, ука. Мен... мен...

— Алоқангиз, бор-йўқлиги ҳали терговда аниқланади.

Энди аёл қўли билан оғзини беркитиб “и-им-м-м...” дея товуш чиқариб йиғлашга тушди. Сумкасидан рўмолчасини олиб йифидан кўз-кипригига ёйила бошлаган бўёғини артишга тушди.

— Бошқа бу иш билан шуғулланмайман... мени кечиринглар... Мен ҳеч кимнинг узугини ўғирламаганман...

— Менга қаранг, опа, — терговчи Камолов унинг тепасига келди. Бошдан оёқ унга разм солди-да, қайта жойига бориб стулга ўтирди. Аёл мунфайиб умид билан унга тикилди. У билмасдики, тергов ходимлари бунақа кўз ёшларга бирпасда кўнгли эриб кетмаслигини. Аслида тиллафуруш аёлнинг ҳолати ҳам, ҳозирги вазият ҳам ҳеч бир ачиниш ҳиссини уйғотмасди. Терговчи

энди аёлнинг ишга ёрдам беришига ишониб юмшади.

— Қайтараман, ҳали ҳам сизни жиноятчи деётганимиз йўқ. Фақат бизга ёрдамингиз керак. Ҳозирча гувоҳ тариқасида...

Аёл бошини эгиб “ҳа” дегандек маъқуллади. Ўзини босиб олгандек бўлиб терговчига тикилди.

— Ҳа айтганча, сиз у аёлни ёйма бозорда ишлайди дедингиз-а? — қофозларга тикилиб сўради Камолов. — Демак, ёйма бозорда ишлайди... У ерда юзлаб сотувчилар бор. Ўнлаб Гулноралар ҳам бўлса керак.

Сўроқ бераётган аёл ҳамон нималарни сўраркин дея терговчига тикилиб турарди. Асилбек Камолов ўрнидан туриб, папкасини қўлтиқлади. Аёлга эшикни кўрсатиб деди:

- Кетдик, бўлмаса!
- Қаёққа? — деди аёл сумкасини маҳкам қучоқлаб.
- Ёйма бозорга. Бизга Гулнорани кўрсатасиз.

Аёл рўмолчаси билан юзига сизиб тушган кўз ёшларини артганича унга эргашди.

* * *

Учинчи кун деганда бозордан Гулнорани топишиди. Тиллафуруш Нигора Зокирова уни милиция ходимларига узоқдан кўрсатди-ю, ўзи терговчи билан машинада қолди. Гулнорани тёзда милиция бўлимига олиб келишгач, ўғирланган узук воқеасини аниқлаштириш бошланди.

Терговчи Камолов аёлга узукни кўрсатиб ундан сўради:

— Мана бу узукни биз танишингиз Зокирова Нигорадан олдик. У буни сиздан олганини айтди. Шунинг учун гапни айлантириш бефойда деб ўйлайман. Агар буни рад қиласангиз Зокирова билан юзма-юз қилайлик. Нима дейсиз?

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Гулнора ҳаммасини тушунди. Тиллафуруш Нигорани танимайман ҳам дея олмасди. Демак, унинг ҳам терговдалигини англаб, узукни унга сотиб бериш учун берганлигини тасдиқлади. Табийки, тергов саволлари узукни қаердан, кимдан олганлигига келиб тақалди.

— Сиз у йигитни қаердан танийсиз? Анчадан бери биласизми?

— Йўқ, бир-икки марта кўрганман, холос, — деди Гулнора шошиб. — Эски дазмолини “сотиб беринг деб” ташлаб кетганди. Уйимда иккита янгиси бор, нима қиласман буни деганимда, “Уни ташлаб юборишга кўзим қиймади. Қанчага, қачон сотсангиз ҳам майли, бир ҳафтадан кейин келарман”, деганди. Шунда танишганимиз у билан.

— Дазмолини сотиб бердингизми? — терговчи ёзаётган қофоздан бош кўтармай сўради.

— Ха, иккинчи куни бир харидорга арzonроққа бериб юбордим...

— Ўша йигит кейин мана буни олиб келди, шундайми? — Терговчи Камолов узукни стол устига қўйиб сўради.

Гулнора бош ирғаб тасдиқлади.

— Сизда унинг телефон рақами борми? Қандай боғланасизлар у йигит билан?

— Йўқ. Телефон рақамини сўрасам бермаган эди. Фақат ўзим вақт топсам хабар олиб тураман, шу атрофда яшайман деган эди.

— Энди қачон келишини билмайсизми?

— Йўқ. Ҳисоб-китобини ўша куни қилиб кетган.

— Уни бизга тасвирлаб беринг. Неча ёшда?

— Менимча... менимча..

— Демак, унинг кўринишини яхши эслай оласиз. Ундей бўлса, ўша йигитнинг ташқи кўринишини, асосий белгиларини айтиб беринг-чи.

Гулноранинг кўрсатмаларига кўра Сирожиддиннинг бутунлай ўзига ўхшамаган фотороботи яратилди. Вақтдан ютиш ва чалғитиш учун ишлатилган бу найранг билан умуман бошқача кўринишга эга одамнинг қиёфаси юзага келганди.

— Ҳа, анча ўхшади, — деди Гулнора имкон қадар ишонч билан тасдиқлаб.

Табиийки, энди калаванинг учини топиш чигаллашиб кетди. Фотороботдаги шахснинг кимлигини аниқлаш борасида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар деярли натижасиз қолаверди. Ажабланарлisis, барча оқ “Матиз” машина эгалари, уларни ижара асосида бошқариб юрганлар ҳам фотороботдаги кишини эслай олишмасди.

Ниҳоят, бешинчи кун Гулнора берган барча кўрсатмалар терговни чалғитиш учун ўйлаб топилган ёлғон эмасмикин, деган холосага келинди. Энди барча шубҳа-гумонлар Гулнорага қаратилди. Бу орада Гулнора аллақачон Сирожиддинни вазият ҳақида хабардор қилган ва у Бахтиёр билан Қозоғистонга қочиб ултурган эди. Гулнорадан охирги марта олиб қўйилган буюмлар орасидан Шарифа холанинг телефон аппарати, “Орион” видеомагнитофони, “Караоке” аудиомагнитофони топилиб, исботланди.

Шунда Гулнора бор ҳақиқатни айтмаса ўзига жабр бўлишини англади. Шу боис тўғри кўрсатма берди. Қочиб кетган Сирожиддин ва Бахтиёрга нисбатан қиди́рув эълон қилинди. Орадан тўрт ой ўтиб улар қўшни давлат ҳуқуқ идораси ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан қўлга олинди. Маҳфузада эса...

* * *

Бу орада Маҳфузани чет элда ишлаб жарақ-жарақ пул топиш орзуси ҳеч тинч қўймасди. Яқинда Шари-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

фа холага нисбатан уюштирган жиноятининг кавлаштирилаётгани уни янаям тезроқ қарор чиқаришга ундарди. Ҳарқалай, акаси сингари “бу ишлар тинчиғунча узокрөкда, хорижда ишлаб турғани” ҳар томонлама унга қулай эди. У ўзи тенги қиз-жувонлар, турли давраларда хорижга ишлашга кетаётганлар түғрисида гап очилса, жон қулоғи билан әшитадиган бўлганди. Фалончи Кореяга кетибди, пистончи қизлар Хитойга... Дубайга бориб ишлаётганлар түғрисида-ку, оғизларини кўпиртириб гапиришарди.

Бундай “жаннат” қидириб топиш илинжида юрганлар түғрисидаги таърифу таҳсинлар ўзи тезгина, осонгина бойлик топиш орзуидаги соддаларни шошириб қўярди.

“...Америкада ойига шунча доллар беришаркан. Қиладиган ишинг супир-сиدير, қарияга қарашиб, қаҳвахонада идишлар ювиш... Топганинг бир ойлик еб-ичишга мана бундоқ етиб ортади. Қолаганини йифиб борсанг, бир йилда мана мунча доллар бўлади...”

“...Мана, менинг дугонам опаси билан Кореядада икки йил ишлаб келди. Яқинда уч хонали квартира сотиб олиб, мебеллар, жиҳозлар билан безади. Энди квартирасини ижарага қўйиб, ойига шунча доллар топаяпти. Ана ишбилармонлик... Биз бўлсак юрибмиз-да, арзимаган ойликка қараб...”

Бундай мавзудаги гап-сўзлар Маҳфузани ҳам ром этиб бораверди. Ҳаёлан ҳали у мамлакатга, ҳали бунисига бориб ишлар, ойига топадиган долларларни хом чўт қилар, ойига, йилига қўшиб гўё бир қоп пул ишлаб топади-ю, уни нимага сарф қилишни режалаштиради. Лекин кимга, қаерга учрашиб мурожаат қилиш кераклиги анча муаммо эди. Бирор бундай ҳожатбарорлар фақат танишларини мўмайгина пул эвазига жўнатади деса, яна кимдир аллақандай фирмаларнинг номини айти-

шарди. Маҳфузә шу түғрида ўйлар экан, ўша коллеж бити्रув кечасида тасодифан учрашиб қолиб, иш таклиф қилган Лобар деган аёлни тез-тез ёдга олар, телефони ёзилган қофозни авайлаб сақлаб юрарди. Мүлжал ҳам ўша бўлди. Ниҳоят, курсдош дугонаси Раъонони ҳам чет элда ишлашга кўндиргандек бўлди. “Олдин бир бориб кўрайлик, қанақа экан, ёқмаса қайтиб келаверасан”, деб авради. Лобарга телефон қилиб ўша битириш кечасида танишганлигини, уни ишга таклиф қилганини эслатди. Лобар манзилини айтиб у билан учрашишга келишиб олди.

* * *

Икки дугона Лобар айтган жойни қидириб топишиди. Бу шаҳар чеккасидаги тўрт қаватли уйнинг биринчи қаватида ижарага олинган квартира эди. Эшигига “Янги ҳаёт” МЧЖ деб ёзилган, ҳатто телефон рақами кўрсатилгани бу ерга келганларда салобат, ишонч уйғотарди. Қизлар қия очилган эшикдан мўралаб ичкарига киришди. Остонада кичик столга бир уюм қофозлар тахланган, унга мук тушганча ёш бир котиба қиз тахлаш билан овора эди. Маҳфузә “Кўрдингми, зўр-ку” дегандек, Раънога маъноли қараб қўйди. Чап томондаги хонада бири телефонда гаплашаётган, бошқаси компьютерда ўта жиддий қиёфада нималарнидир ёзиб ўтирган аёлларни кўришди. Маҳфузә ўзига ора берган, виқор билан телефонда гаплашаётган аёлни кўриб дарров таниди. Ҳа, бу ўша – Лобар опа-ку! У қувониб кетиб, ўзини янада эркинроқ сеза бошлади. Атрофни кўздан кечираркан, Лобарнинг овозига ҳам қулоқ тутди.

– Менга қаранг! Нега гапни тушунмайсиз? Биргина сизни деб ишимиз чўзилаяпти. Нима?.. Бўлмаган гап! Ҳали бирорта ҳам ҳужжатни элчинонага топширмадик. Бунақада қачон визалар чиқади-ю, қачон кетилади?..

Гулчөхра РАЗЗОҚОВА

Бўпти... Бугуноқ ишни ҳал қилиб, офисга келинг!.. Кутаман...

Ташқаридан караганда бу жой ўта расмий, салобатли ишхонадек тасаввур уйғотарди. Маҳфуза билан Раъно уларнинг телефонда ўзаро гап-сўзларига қараб бир оз ҳайратда ҳам қолиши. Улар ҳали бирорни Лондонга, бошқасини Кореягами-ей, учинчисини Туркияга ишга юборишларини сўраб музокара олиб боришарди. Нихоят, Лобар бўшаб қизларни ичкарига таклиф қилди.

— Келинглар — деди у стол атрофидан жой кўрсатиб.
— Қани марҳамат, ўтиргилар.

Лобар қизларга разм соларкан, Маҳфузага тикилиб жилмайди.

— Сиз ўша базмда учрашган қизсиз... исмингиз...
— Маҳфузা!
— Ҳа-ҳа эсладим.
— Ўшанда визиткангизни берган эдингиз. Кеча телефонда гаплашдиг-у...
— Яхши, келдингларми? — сохта мулозамат билан сўради Лобар.
— Раҳмат. Бу дугонам Раъно.
— Жуда яхши. Хўш, қизларжон, нима хизмат?
— Сизларда қанақа иш бор? Қаерларда? — сўради Маҳфузага бирданига мақсадга ўтиб.
— Биз асосан чет эл фирмалари билан ишлаймиз, — деди Лобар ўзига ишонч билан. — Ўзингизни қанақа ишлар қизиқтиради?
— Бизга маоши яхшироқ ишлар бўлсайди...
Лобар стол тортмасидан қофозлар тахланган палкани олиб очди.
— Ҳозир қидириб кўра-ми-из, — деди салобатли қилиб кўрсатадиган кўзойнагини тақаркан. — Хўш, мана... йўқ, бу иш сизларга тўғри келмайди... қурилиш соҳаси... Бу ҳам бўлмайди...

Лобар ҳар гал рўйхатга тикиларкан, қизларнинг юраги гупиллаб орзиқарди: “Ҳозир, зўр бир жойни таклиф қилишади...” деб ўйлашарди.

— Ҳа, мана, — ниҳоят Лобар бошини кўтариб қалам билан рўйхатдаги бир қаторга чизиб кўрсатган бўлди.

— Ҳозирча Дубайдаги ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган фабрикага қизлар танляяпмиз, — шундай деб компьютерда ёзиб ўтирган Нозимага муғомбирона кўз қирини ташлади-да, яна қизларга ўгирилди. — Бўладими?

Маҳфузा билан Раъно “ялт” этиб бир-бирига қарашди.

— Бўлади-ку-я... — Маҳфузা иккилланди. — Яна бошқа ишлар ҳам борми?

— Ҳозирча сизларга тўғри келадигани шу. — Лобар жиддийлашди. — Нимаси ёқмади сизларга? Фаррошлиқ, энагаликдан кўра яхши-ку?! — Лобар қизларнинг иккиланган юзига қараб ҳар доимги фирибларини қўллашга ўтди. — Очифи, аслида бу жой ҳам тўлиб бўлган. Сизга ўшандა таклиф қилиб қўйганим учун йўқ дея олмаяпман. Ёқмаётган бўлса, бошқа сафар келарсизлар... Бу жойга талабгорлар тиқилиб ётиби.

Унинг гапларидан Маҳфуза шошиб қолди. Ҳозир йўқ деса, ҳамма ўйлаган режаларини пачаваси чиқади. Ахир, Шарифа холага нисбатан бўлган босқинчилик текширилиб кўрилмоқда. Эрта-индин воқеа фош бўлса унда ҳаммаси расво бўлади. Нима қилиб бўлсаям кетиш керак.

У шошиб қўлинни кўтарди:

— Биз розимиз. Қачон, қаерга... ҳалиги нимайди.. ҳужжатлар демоқчийдим...

Лобар салмоқланиб қўлида қалам ўйнатганча ўрнидан туриб компьютерда ёзиб ўтирган аёлга ўгирилди:

— Ну, что? Оламизми, Нози?!

— Лекин у ёққа кетмоқчи бўлсангиз, баъзи талаблари-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

мизга түғри келишингиз керак, – деди Нозима ишонч билан бир нарсани уқтирмоқчи бўлгандай.

- Қанақа талаб? – Маҳфузса ҳайрон бўлиб сўради.
- Асосий талаб шуки, ёшингиз йигирма-ўн саккиздан кам бўлмаслиги керак.
- Опажон! Ўн тўққиздаман! – деди Маҳфузса хурсандлигини яшиrolмай. “Ҳартугул шу экан-ку”, деган ўй хаёлидан ўтди.
- Шунақами? – деди Лобар ўзини ҳайрон бўлгандай тутиб. – Унда ишлаб чарчамайдиган пайтингиз экан. Рўйхатга киритсак бўларкан.
- Опа, биз у ерда нима иш қиласиз ўзи?
- Бирмунча вақт тегишли ҳужжатларни тўғрилаб, аниқ иш жойини белгилагунча, қолаверса, ўша ернинг об-ҳавосига кўникунча одамларимиз қаровида бўласизлар. – Лобар ўта катта ишбилармонлардай хонада у ёқдан бу ёққа қараб юра бошлади. – Олдин яхшилаб ўша соҳага ўқитишади, ўргатишади. Кейин фабрикага ишга қўйишади. Ахир, ким сизларни бирданига мураккаб, қимматбаҳо дастгоҳларда ишлашга рухсат беради.
- Ҳа, дастгоҳлар бузилиб қолса, нима бўлади? – гапга аралашди Нозима.
- Опа, қанча маош беришади? – ўзини тўхтолмай сўради Маҳфузса.
- Маошлари яхши, сингилжон. – Креслога ўзини ташлаб, ястанди Лобар. – Дастлаб беш юз доллардан кам олмайсиз. Саккиз соатдан ортиқ ишласангиз, ҳар бир соатингизга яна қўшимча ҳақ олаверасиз. Лобар Маҳфузанинг мамнун қиёфада Раъононинг қўлларини тутиб туришидан бу қизларни бутунлай қопқонга тушганлигини илғади. У мийифида жилмайиб Нозимага қаараркан, “бўлди, илинди” дегандай кўз қисиб қўйди. Сўнг Маҳфузага юзланди.

— Лобар опа у ёқларда янада яхши ишлаб минг долларгача ҳам топса бўларкан-да? — хурсанд бўлиб сўради Маҳфуза.

— Албатта! Ҳаммаси ўсингизга боғлиқ. Ундан кўпроқ топсангиз ҳам бўлади, — деди Лобар қизларнинг кайфиятини янада кўтариш учун.

— Менинг ўзим ҳам жиянимни яқинда жўнатгандим. Ҳозир еб-ичганидан ташқари ҳар ойда уйига саккиз юз-тўққиз юз долларгача пул жўнатиб турибди, — дея гапга аралашди Нозима Лобарнинг сўзларини тасдиқлагандай.

— Мана буларни эса жияним ўша ёқдан жўнатган, — дея Лобар қулоғидаги товланиб турган тилла зирағи-ю, қўлларидаги қўша узукларни ечиб атай столга қўйди.

— Бунақа пулни бу ерда бир йил ишласангиз ҳам топомайсиз. Ёки гапим нотўғрими?

Маҳфуза нима дейишини билмай, “ҳа, тўғри” дегандек бош чайқади.

— Хўш, қани нима дейсизлар? — қайта сўради Лобар орадаги бир лаҳзалик жимликни бузиб.

— Мен-ку, розиман, — деди Маҳфуза тортинибгина яна нимадир демоқчидай лабини тишларкан. — Лекин Раъно...

— Нега тортинасиз? Нима гап? Айтаверинг!

— У уйдагиларидан розилик сўраши керак.

— Майли, рухсат сўрасин. Сиз ҳам уйдагиларингиздан рухсат сўрашингиз керакдир? — Лобар Маҳфузага юzlаниб вазиятни янада аниқлаштиришга уринди.

— Йўқ, ота-онам ўтиб кетишган. Акам билан бирга яшаймиз. Улар ҳам яқинда ўзлари ишлагани четга кетишиди.

— Жуда ҳам яхши. Ўзи аслида бунақа ишни ҳаммага овоза қилиб бўлмайди. Сизлардан эшитиб бошқалар ҳам бизларни хит қилиб юборишади. Умуман, буни

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ими-жимида ҳал қилған тузукроқ. Бориб олғандан кейин айтаверасизлар кимга керак бўлса...

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради Раъно. — Очиқчасига жўнатаяпсизлар-ку, ишга.

— Чунки бу гал кетадиган гуруҳда жой қолмаган, одам олиб бўлганмиз. Агар у ер-бу ерга овоза қилинадиган бўлса, эшикдан киролмай қоламиз. Чет элга кетаман деганлар, э-ҳе-е, сон мингта. Энди Маҳфузага иш бор деб айтганимга ҳам тўрт-беш ойдан ошди шекилли. Ўшандан буён сизларга ўхшаган ёш, эпчил қизлардан қанчалари ишлаб ётишибди.

— Опажон, илтимос, энди бир йўлини қилинг, — Маҳфуза ошкора ялинишга тушди.

— Майли, бир ҳаракат қилиб кўрарман. Агар кетадиган бўлсаларингиз эртагаёқ ҳужжатларингизни олиб келишларингиз керак. Мабодо йўқ десангиз ҳам бизга фарқи йўқ, — деди Лобар ўзини бепарвоникка солиб. — Ўрин тўлган. Олдин сизни таклиф қилиб, ваъда берганлигим учун бир йўлини қиларман; деб ваъда берајпман.

Раъно бу ҳақда ота-онасига нима деб тушинтириш ўйида бўлса, Маҳфуза хорижга ишга кетиш Шарифа хола билан бўлиб ўтган воқеадан қутулишнинг энг маъқбул йўли эканлиги ҳақида ўйларди.

— Опа! Эртагача ўйлаб кўрсак бўладими? — сўради хижолат тортгандай Маҳфуза.

— Майли, эрталабгача вақтингиз бор, — деди Лобар гап тамом дегандай лўнда қилиб. Қизларнинг аниқ бир қарорга келмаганлиги учун, фақат тезроқ жавобини айтишни тайинлаб улар билан хайрлашди.

— Фақат, билиб қўйинглар, эртадан кечиксангиз биздан хафа бўлманг. Бу ўринга одам аллақачон тайёрланиб қўйган, — деди ўзини янайм хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

— Хўп, опа. Қизлар енгил тортиб офисдан чиқишиди. Лобар билан Нозима уларнинг ортидан маъноли қараб қолишиди.

* * *

Икки дугона анча йўлгача индамай боришиди. Маҳфузса сердаромад иш топганидан ва биратўла вақтинчалик қочиб юришга жой топила қолганидан хурсанд эди. Раънони эса “четда ишлаб келишимга уйдагиларим рози бўлармикан?“ деган савол қийнарди. Ниҳоят, ўртадаги жимликни Маҳфузса бузди.

— Раъно, нима бўлганда ҳам уйдагиларингни кўндиришинг керак.

— Ким билади, рози бўлишмаса-чи? Унда нима қиласмиш? — деди хавотирга тушиб Раъно. Аслида унинг хорижга ишлаш учун кетишига ҳечам кўнглим чопмаётганди. Фақат Маҳфузага буни қандай тушунтириб беришни истамаётганлигини билдиришга йўл ахтараётганди.

— Бирор йўлини топиш керак. Бундай имкониятни қўлдан чиқариб бўлмайди, — деди Маҳфузса қаътий ишонч билан. — Уларга бир қара! Айниқса, Лобар опанинг кийинишини кўрдингми?! Қолаверса, шунча одамни хорижга юборадиган фирманинг раҳбари бўлгандан кейин...

— Ҳа, бойвачча аёллар эканлиги кўриниб туриди, — деди Раъно хотиржамлик билан.

— Нимасини айтасан, уларга ҳавасим келди. Яшасанг шуларга ўхшаб мазза қилиб яшасанг-да. Қўлидаги, бўйнидаги тилла тақинчоқларни айтмайсанми. Зирағи, ҳойнаҳой, бриллиант бўлса керак, — деди Маҳфузса энтикиб. — Қанийди, мендаям шунақанги зираклару узукларим бўлсайди!

— Маҳфузса, ўртоқжон! Қўй бу гапларни. Бизга ҳозир

Гулчехра РАЗЗОКОВА

бу муҳим эмас, – деди Раъно фикрини жамлаш учун.
– Сен нима деб ўйлайсан, бу аёлларнинг гаплари ростмикин?

– Қизиқмисан! Кўрдинг-ку, ўзинг фирмани. Нимасига хавотирланасан? Мен уларга ишонаяпман. Сени билмадим-у, лекин мен албатта кетаман.

– Ўзинг биласан. Мен эса ўйлаб кўришим керак.

– Нима, улардан шубҳаланааяпсанми? – дея уни сўроққа тутди Маҳфузा.

– Ҳа, шундай десам ҳам бўлади.

– Нима учун?

– Нега бизни бунчалик шошилтиришаяпти? Нега ҳеч кимга овоза қилманглар дейишиди?

– Қизиқмисан, дугонажон?! Менга уларнинг иш бор, деб таклиф қилганига ҳам беш ойдан ошди. Қолаверса, яхши иш ҳеч қачон ошкора қилинмайди. Бу ҳақда камроқ одам билса, шунчалик яхши эмасми? – деди ишонч билан Маҳфузা.

– Негадир шу ишга юрагим чопмаяпти, – деди Раъно хавотир аралаш.

– Ҳа, айнидингми? – Маҳфузা унинг шерик бўлмаётганидан асабийлаша бошлади.

– Сен ҳам қолақол, дугонажон.

– Эсинг жойидами, Раъно! Нималар деяпсан?

– Гавҳардан эшитдим, операциядан сўнг Соҳибжон аканинг ҳам аҳволи анча яхшиланиб қолибди. Бир-икки ой ичida уйига рухсат ҳам бераркан. Кейин тўйларинг бўлади. Раъно дугонасига ўғринча кўз ташлади.

– Ўйлаб гапирайсанми? Тўй бўлмайди. Ўлибманни қўлтиқтаёқ суянган ногирон йигит билан умримни завол қилиб. – деди жилдий оҳангда Маҳфузা.

– Ҳарқалай у сени деб...

– Бас, яна ўша гапми?! Жонимга тегиб кетди. Ундан кўра кетиш ҳақида ўйла.

Энди Раънонинг ҳам жаҳли чиқди. Бир зум ўйланиб шарт ўгирилиб Маҳфузага юзланди.

— Йўқ! Мен кетмайман. Шу ерда ҳам ишлайвераман. Ундан кўра институтга киришга уриниб кўраман.

— Ўз қадрингни билмайсан-да, — деди Маҳфуза Раънонинг қароридан норози бўлиб. — Эртага турмушга чиқсанг, ўтирасан уй қоровули бўлиб. Ахир, ёшсан... Ҳаётдан орзу-умидларинг бордир? Ўйнаб кулиб, яхши кийиниб, яхши яшашни истамайсанми?

— Дугонажон, бунинг учун албатта, хорижга боришимиз шартмикин? Менимча, ақлимизни ишлатсак, шу ерда ҳам яхши яшаб, яхши пул топсак бўлади, — деди Раъно Маҳфузани ҳам фикридан қайтаришга интилиб.

— Менга қара! — Бирдан терсланди Маҳфуза. — Кечагина хорижда ишлашга рози эдинг, шекилли?! Мунча тез фикрингдан қайтмасанг? Лафзинг борми сенинг ўзи?

— Аввало, рози бўлганим йўқ. Ўзинг, бориб кўрайлик, ёқса айтарсан, дегандинг-ку.

— Сенинг шунақанги мижғовлигинг жонимга теккан. Яна яхши яшаш ҳақида гапирасан-а! — деди Маҳфуза ундан ҳафсаласи пир бўлиб. — Замондан орқада қолгансан. Четга бориб ишлаб келаётганлар, сенингча, аҳмоқ экан-да.

— Ҳеч ким уларни айблаётгани йўқ. Ҳамма ўз тақдирини ўзи ҳал қиласди.

— Тўғри. Сен дугонамсан. Шунинг учун ҳам сенга ачинаяпман, — деди Маҳфуза жizzакилик билан Раънога гап уқтиаркан. — Сени ҳам бой-бадавлат бўлиб, ўзингга оро бериб, қадрингга етишингни хоҳлайман. Бунинг учун эса, энг аввало, пул топиш керак! Пул!..

— Маҳфуза, сени танимаяпман. Нега ҳамма нарсани пул билан ўлчайверасан-а? Олдин бунақа эмасдинг-ку?!

— Раъно! Кўзингни каттароқ оч! Ҳали ҳам содлали-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

гингча қолибсан-да. Бу замонда ҳамма нарсани пул ҳал қиласи. Агар чўнталингда тузукроқ пулинг бўлмаса, ҳеч нарсани ҳал қилолмайсан. Буни ўзинг ҳам яхши билиб турибсан-ку. Чет элга бориб бир-икки йилда анча-мунча пул ишлаб қайтамиз. Ҳозир имконият борида бориш керак. Пул топиш керак.

— Дугонажон қароринг шуми? — қатъий оҳангда сўради Раъно.

— Ҳа.

— Унда мени қўявер. Ўйлаб қарасам шу ерда қолганим маъқулга ўхшайди. Ахир, бекордан-бекорга ўқидикми? Касбимиз бўйича шу ерда қанчадан-қанча одамларга ёрдам беришимиз мумкин.

— Кунидан қолган қарияларгами ёки касалларгами?

— Ҳа, касалларга. Нима қилибди? Улар ҳам бизга ўхшаган одам. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади дейишиди-ку. Ҳар кунги муолажаларимдан кейин bemorning ранг-рўйи яхши томонга ўзгараётганини кўрсам хурсанд бўлиб кетаман. Биласанми, яқинда шифоҳонамиздан тузалиб чиқиб кетаётган бир bemor “Сени фариштага ўхшатаман” деб айтди. Бундан қанчалик руҳландим. Мана, муолажалардан сўнг Соҳибжон aka ҳам...

— Бўлди! Яна ўшани эслатаяпсанми? Нега энди унга ачинишим керак?

— Ахир, у bemor?!

— Мен сенга у тўғрида фикримни айтдим. Агар у шунақа ногирон бўлиб қолган бўлса, нега мен гулдек умримни у билан ўтказишим керак? Нега тушунмайсан? Маҳфузанинг заҳарханда овози қаҳрли тус олди. — Менинг ўрнимда бўлганингда ўзинг ҳам шундай қилардинг. Сен турмуш қурмоқчи бўлган одам шунақанги мажруҳ бўлиб қолса, ўлай агар, сен ҳам унга турмушга чиқмасдинг... Менга ақллилик қилмай қўяқол... Уму-

ман бу гапларингни йиғиштириш! Мен айни пайтда нима бўлгандаям хорижга ишлашга кетишим керак. Қарорим қатъий! Бунақа имкониятни бой беришни истамайман!

Маҳфузга энди Раъононинг қаршиисига келиб, унинг кўзларига тик қараб сўради:

— Сен ўзи мен билан борасанми, йўқми, гапир?!

— Боролмасам керак. Негадир кўнглим чопмаяпти. Уйдагиларим ҳам рози бўлишмайди. Шу ерда ишлаб пул топарман, — эътиroz билдириди Раъно.

— Йўқ! Ундаи дема! — Кескин овозини баландлатди Маҳфуз. — Бу ерда бир йилда ишлаб топадиган пуллингни, у ерда бир ойда топиш мумкин! Би-и-р ой-да-я! Шуни тушунаяпсанми?!

— Йўқ, бормайман. Умуман, мени кўндиришга уринма. Мен барибир бормайман. Раъно қатъий ҳолатда бош чайқаб унга норозилигини билдириди.

— Билиб қўй, катта пул ишлаб келсак, худди маликалардай юрамиз. Ҳамманинг кўзи бизда бўлади. Уйжой, балки машина ҳам сотиб олармиз, — деди ҳаволаниб Маҳфуз.

— Майли, сен билганингни қил! Пиёда юрсам ҳам менга ўзимизнинг юртимиз ёқади. Тушундингми?! — деди Раъно “энди бас қил” дегандай овозини баландлатиб. Бироқ Маҳфузга унинг бу сўзларига ҳам эътибор бермади. Аксинча ўз билганидан қолмай яна қистовга олишда давом этди:

— Агар мен кўп пул ишлаб, чет элдан бойиб қайтсам ҳасад қилиб юрмайсанми тағин! — у энди дугонасининг жигига тегишга ўтди.

— Сен билан гаплашишнинг, баҳслашишнинг фойдаси йўққа ўхшайди. — Раъно кетишига чоғланди. — Яхшиси, мен бора қолай... Сен ҳам ўйлаб кўр, балки бормассан.

— Менга қара, Раъно! Қаёққа кетаяпсан, тўхта! Маҳ-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

фуза дугонасининг индамай кетиб бораётганини кўриб уни тўхтатишга уриниб ортидан қичқирди: – Яна қайтариб айтаман. Мен билан кетасанми, йўқми?

Раъно бу сафар жавоб бермади. Фақат ортга бурилганча бош чайқаб “йўқ” ишорасини қилиб, қўл силтаганича яна йўлида давом этди.

Маҳфуза унинг ортидан тез-тез юриб етиб олди-да, билагидан ушлаб тўхтатди.

– Ҳали вақт бор! Бунаقا имконият бошқа бўлмаслиги мумкин. Ўйлаб кўр!

Маҳфуза аросатда қолган одамдай нима қилишини билмай йўл ўртасида туриб қолганди. Раъно дугонасининг кўзларига бир зум тикилиб қолди-да, нима деярини билмади. Сўнг бир оғиз ҳам сўз қотмай бурилиб кетди. Тўғри, олдинлари ҳам Раъно уни бир-икки марта худди шундай ҳолатда ташлаб кетган эди. Бироқ буниси ўтиб тушди. Ҳатто бу сафар Маҳфузга ўзининг ноҳақ ҳақоратлангандай сезди. Беихтиёр лаблари титради. Алам билан дугонасининг ортидан пичирлади: “Бормасанг, борма! Ҳали афсусланасан бунинг учун... Яхшиси, Умидага айтаман! У жон-жон деб рози бўлади. Ҳали қайтиб келганимда, аламдан ичингни ит тирнашини бир томоша қиласман! Ҳа, ана ўшанда сен билан гаплашаман, – дея жаҳл билан ўзини юпатмоққа тутинди.

Маҳфуза уйга келгач, шу заҳоти маҳалладоши Умидага телефон қилди. Ўзи ҳам анчадан буён чет элга боришиш иштиёқида бўлган дугонаси, бу таклифни эшитиб қувониб кетди. Шошиб қолганидан тезроқ учрашишни сўраб гурунглашди. “Қачон? Қаерга? Тез кўришиб, гаплашиб олайлик... мана ҳозир...”

Маҳфуза ҳамма вазият ва таклифни, у томонлардаги мўмай пуллар-у кейинги хаёлий “жаннат” ҳақида ошириб-тошириб, ҳаяжон билан айтиб берди. Орада,

табиийки, Раънонинг фийбатини қилишни ҳам унтишмади. “Фирт аҳмок, олифта! Ўз қадрини билмаган, латтачайнар” деб роса ифвосини ҳам олишди. Умида шу бугуноқ бу таклиф ҳақида онасига айтиб уни кўндиришини билдириб хайрлашишди. Умида билан фирмага бирга боришликни келишиб олгандан сўнг Маҳфузга аламидан чиққандай бўлиб, эркин нафас олди.

* * *

Кечқурун Умиданинг онаси олдинига қизининг бу қарорини эшишиб ҳангу манг бўлиб қолди. Ҳатто чўчиб, хавотирга ҳам тушди. Ахир, эрта-индин узатиладиган қизни қандай қилиб чет элга жўнатади? Қариндошларига нима дейди? Маҳалла-кўй-чи? Нимасига етмаяпти ўзи, дейишмайдими? Шуларни ўйлаган она аввалига “ҳеч қаерга бормайсан” деб қизига рад жавобини берди. Бироқ Умида ҳам бўш келмади. Маҳфузга ҳам кетаяпти, мен ҳам кетаман, деб оёқ тираб олди. Турмушга чиқмоқчи бўлган бўлажак куёви Муродни рўкач қилиб, ҳали тўй бўлмаслигини, у ҳам ҳарбий хизматдан бир йилдан сўнг қайтишини тўкиб солди. Хуллас, у деди-бу деди, охири онаси ҳам бир қарорга келиб ён берди. Қизига эртага нонуштадан сўнг ўша фирмага бирга боришини ва масалани ўша ерда ҳал қилишини айтди. Шундан кейингина Умида тинчланди. “Олдин ўз кўзим билан кўриб гаплашай-чи, қизимнинг айтганлари ростмикан”, деб ўйлади она. Эрталаб Умида онаси билан Маҳфузаларникига келди. Аввалига масалани обдон мұхокама қилишди. Маҳфуз ҳозир жуда кўп йигит-қизлар хорижга ишга бориб яхши пул топиб келаётгани, ҳатто ҳукумат бунинг учун ёрдам бераётганини қўшиб-чатиб ишонтиришга уринди. “Ҳозир бизни ишга жўнатаётган фирмага бориб ўзингиз ҳам

Гулчехра РАЗЗОКОВА

ишенч ҳосил қиласиз”, деди онани күндиригандек бўлиб. Сўнг биргалашиб ўша хорижга ишга жўнатадиган фирмага борадиган бўлишиди.

* * *

Офисда уларни Нозима қарши олди. У фирма раҳбари – Лобар Бегимқулованинг тез орада келиб қолишини, ҳозирча қўшни хонага чиқиб кутиб туришларини буюрди. У ерда кўринишларидан хорижга ишга кетаётганлардан тўрт қиз нималарнидир гаплашиб ўтиради. Маҳфузा Умиданинг онаси билан улар қаршисидаги дивандан жой олиб ўтиришиди. Тўпланган қизлар ўзаро пичир-пичир қилиб гаплашишар, хурсанд бўлиб тезроқ бора қолсайдик деб сабрлари чидамасди. Уларни бирпас кузатиб туриб Маҳфузা қаерга, қанақа ишга кетаётганиклари билан қизиқди.

– Сизлар ҳам ишлагани кетаяпсизларми, қизлар?

Икки қиз бирдан жимиб бир-бирига қараб қўйди. Бўйчан, узун, қоп-қора соchlари ўзига ярашган қиз илжайиб кулди.

– Ҳа, Туркияга бормоқчимиз, – деди у ҳавас ва орзиқиш билан. Сўнг энтикиб сўради: – Сизлар-чи? Сизлар қаерга?

Маҳфузা ҳозирча бу гапларни ҳаммага айтаверманглар деган огоҳлантиришни эслаб ҳушёр тортди.

– Ҳали номаълум, шуни гаплашгани келдик... – Гапни чалғитиш ва айни пайтда Умиданинг онасини янада ишонтириб кўндириш учун қизларни яна гапга солди. – У томонларда ишлаётган дугоналарингиз, танишларингиз борми?

– Ҳа, келинойим Туркияга етти ой аввал кетган. – Бу сафар қизларнинг иккинчиси жавоб берди.

– Нима иш қиласи, қизим? – Умиданинг онаси сабри чидамай сўрали.

— Ошхонада ишлайдилар, шекилли? Унчалик аниқ билмайман. Лекин топишлари яхши, — деди қыз гүё келинйисининг ошхонада ишлашини оқлагандек.

— Қаерда бўлсаям эсон-омон бўлишсин, оилас де-син, ишқилиб, — дея онахон қўлларини жуфтлаб юзига тортди.

— Улар ҳам шунақалар, — қыз кулиб жавоб қайтарди.
— Ҳар ойда пул жўнатиб турадилар. Кузга яқин қайт-салар керак.

Онахон бош иргаб маъқуллаган бўлди.

— Ўқийизларми ёки ишлайизларми? — суҳбатга қў-шилди Маҳфузा.

— Ўқимаймиз, — узун бўйли қыз тортинчоқлик билан деди. — Кўпчилик бориб келаяпти-ку. Шунга биз ҳам турмушга чиққунча бориб келайлик деяпмиз-да...

— Шу ерда ишласаларинг бўлмайдими? — сабри чи-дамай Умиданинг онаси сўради.

Қизлар аввалига бир-бирига ғалати қарашиб қилиб олишди. Сўнг узун бўйлиси қўлига журнал олиб онахоннинг ўзидан қайта сўради.

— Ўзингиз, мана, қизингизними, неварангизними жўнатаяпсиз-ку? — У Маҳфуза билан Умидага ишора қилди. — Ҳамма ҳам яхши яшагиси келади. Биз ҳам одамлардан кам бўлмасак деймиз.

— Мен ўз шаҳзодамни кутиб яшаяпман, — деди жур-нал вараклаётган Ҳусния атайлаб овозини кўтариб. — Мана бу оппоқ келин кўйлакларини қаранглар! — У журнални дугоналари томонга қаратди. — Бирам чи-ройлики, ҳавасинг келади.

— Илгари эртакларда бўларди шаҳзодалар, — онахон қизларнинг енгилтак гапига норози оҳангда гап қотди.

Ҳусния онахонга бир қараб қўйди-да, бепарво оҳангда яна ёнидаги дугоналарига кулиб давом этаверди:

— Бир куни шаҳзодам келиб “Мен сизни қидира-қи-дира охири топдим. Сизни баҳтли қиласман. Фақат тур-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

мушга чиқишига рози бўлинг”, деб ялиниди. Мен атай-лаб ноз қиласман. Синовдан ўтказаман. Кейин оппоқ кўйлакни кийиб, шаҳзодамни оқ тулпорига миниб баҳт қасрига бирга кетаман.

Қизлар хоҳолашиб қулишди.

— Илоҳим, баҳтли бўлгин, — онахон чин дилдан юзи-га фотиҳа тортиди.

— Яхши яшаш учун ҳаракат қилиш керак, қизлар. Ҳаракат учун эса мақсад бўлиши керак, — дея Шаҳноза ўзича билагонлик қилди.

— Ўзингиз-чи? Бирон мақсадингиз борми? — сўради ундан Маҳфузга.

— Мақсадим аниқ. Шаҳзодамни учратиб бўлганман. Энди эса ишлашим, пул топишим керак.

Шу пайт эшик очилиб остоноада виқор билан Лобар Бегимқулова кўринди. Хонада ўтирган қизлар бараварига ўринларидан туришиб саломлашишди. Фирма раҳбари, “мен билан юринг”, дея Маҳфузага ишора қилиб уни кабинетига бошлади.

— Эшикни ёпинглар, ўтириңглар, — буюрди Лобар Бегимқулова сумкачасини кресло суюнчиғига иларкан. Сўнг кескин оҳангда сўради: — Бир қарорга келиб бўлдингларми? Вақт йўқ. У стол устидаги қандайдир қоғозларни титкилаб кўрсатди. — Мана кетувчилар йиғилиб бўлди. Улар икки кундан кейин жўнашади. Хоҳласаларинг шу гуруҳга сизларни қўшиб юбораман. — Лобар Бегимқулова шартта ўрнидан туриб деворга осиғлик кўзгуга ўзини солиб соchlарини тузатаркан сўради: — Ёнингиздаги қиз ҳам кетмоқчими?

Умидани назарда тутаётганини тушунган Маҳфузга шошиб тушунтира кетди:

— Ўртоғим Умида. Кеча келган Раъононинг ўрнига бормоқчи.

- Раънонинг ўзи-чи?
- У боролмайдиган бўлди, — жавоб қилди Маҳфуза бир оз лаблари титраб. Раъно билан ўрталарида бўлиб ўтган гап-сўзни айтиб Лобар Бегимқулованинг асабига тегиб қўйишдан қўрқди. Лобар Бегимқулова эса стол тортмасидан ҳужжатларга ўхшаш бир тўда қофозларни стол устига қўйиб ниманидир ўйлаган бўлди. Маҳфуза эса “ишқилиб бирон нотўғри гап қилиб қўймадиммикин” деган хавотирда ундан кўз узмай турарди.
- Ҳа, майли, — деди ниҳоят қўлига ручкани олиб Лобар Бегимқулова. — Чақиринг ўртоғингизни.

Бу орада Лобар Бегимқулова бу қизларни қандай қилиб бўлса ҳам ўз тузогига илинтиришни ўйларди. Аниқроғи, тузоққа илинган қизларни қўйиб юбормаслик режасини пишита бошлаганди. У хонага қизлар билан эргашиб келган аёлни кўрибоқ Маҳфузага савол назари билан қаради.

- Булар ойилари бўлади, — изоҳ берган бўлди бир оз чўчиб Маҳфузга.

— Марҳамат, келинглар, ўтиринглар, — сохталик билан илжайди Лобар Бегимқулова. Сўнг ўта сиполик, сохта тилёғламалик билан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. У асосий иш айнан мана шу аёлда ишонч уйғотиб кўндириш эканлигини дарров илғаганди. Умидани бошдан оёқ кузатаркан, “маъқул” дегандек шериги Нозимага маъноли қарааш қилишни ҳам унутмади. Сўнг юзига жиддий тус бериб Умидага юзланди.

- Бирор жойда ишлайсизми?
- Йўқ. Коллежни тугатиб тиббиёт институтига ўқишига киришга ҳаракат қилган эдим, бўлмади, — деди Умидда кайфияти тушган ҳолда ерга қаараркан.
- Нима, киролмадингизми? — сўради Нозима.
- Ҳа, озгина бал етмади. Янаги йил яна ҳаракат қиласман.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Ҳечқиси йўқ, келаси йили, албатта кириб кетасиз... Кетишингизга ота-онангиз қарши эмасми ўзи? — сўради Лобар Бегимқурова масалани кўндаланг қўйиб.

— Отам вафот этганлар. Онам эса, мана қаршингизда ўтирибдилар. Улар болалар боғчасида фаррош бўлиб ишлайдилар. Икки укам мактабда ўқийди. Битта онамнинг топгани нимагаям етарди? — деди Умида бир оз ўйланиб, самимилик билан. Сўнг Лобарнинг кўзларига қараб диққат билан эшитаётганини ҳис қилиб сўзидавом этди: — Мен ҳам уларга ёрдам берсам. Ишласам, пул топсам дегандим.

— Ҳа, синглим, ақлли қиз экансиз. Четда бир йил ишлаб келсангиз, ўқишингизни шартномасига ҳам пул бўлади, бир йўла тўй харажатларини ҳам ишлаб келасиз, — деди Лобарнинг чехраси ёришиб. — Бизнинг фирма худди сизга ўхшаган гўзал, ақл-идрокли, шижоатли қизларга қўлдан келганча ёрдам беради, пулсиз хизмат кўрсатади.

— Лобар опа, Умиданинг онасини ўзи сиз билан гаплашмоқчи эдилар, — деди Маҳфуза қувониб.

— Жуда ҳам яхши. Мен ҳам улар билан танишмоқчиман.

— Марҳамат, — деди Лобар уни зимдан кузатаркан.
— Сизни нима қизиқтиради? Саволингиз бўлса бераверинг.

Аёл энтикиб кетма-кет саволлар берар, қизларнинг уёқларга бориб тузукроқ пул ишлаб келишини бир томондан маъқулласа, иккинчи томондан хавотирланаётганини ҳаяжон билан қайта-қайта таъкидларди. Лобар Бегимқурова аёлнинг анча соддалигини бир зумдаёқ англаб, гўё диққат билан тинглаётгандек кўрсатар, ўзини айнан унинг оҳанги ва руҳиятига мослаб ишонтиришга урина кетди.

— Опажон, сиз хавотир олманг, — дея гап бошли-

ди Лобар салмоқланиб. – Қизингиз борадиган жойда фақат хотин-қизлар. Уларни ўйинчоқ фабрикасида ишлашга юборамиз. Агар юбора олсак. Чунки у ерга борман деган хотин-қизлар жуда кўп.

– Ҳа, тўғри. У ерда бирорта ҳам эркак йўқ. Кўнглингиз тўқ бўлсин, – деди Нозима унинг гапларини тасдиқлаб.

– Ахир, ўйинчоқ фабрикасида эркакларга бало борми? У ерда оғир ишнинг ўзи бўлмаса, – деди Лобар янада ишонч билан.

– Қизларимиз у ерда оғир иш қилмайдилар.

– Росданми? – деди онанинг кўнгли юмшаб.

– Агар у ердаги ишлар қийин бўлганида мен бир эмас, турмушга чиқмаган иккита жиянимни ўша ёқларга жўнатармидим, – деди Лобар Бегимқулованинг кўзлари ўйнаб.

– Шунча овора бўлиб борганларига яраша пул тўлашармикин, ишқилиб, – дея онахон мўлтираб Лобарга тикилди.

– Менга қаранг, – Лобар Бегимқулова атай ўрнидан туриб устидаги кўйлаги-ю, қўлидаги бриллиант узукларини кўз-кўз қилди. Гапдан кўра шу йўл билан уни авраш мумкинлигини сезиб. – Буларнинг бари ана ўша ёқда ишлаётган жиянларимнинг юборган пуллари ҳисобига олинган.

– Сиз ҳам қизингизни жўнатсангиз мана шундай ясан-тусан қилиб юрасиз, опажон, – қўшилди Нозима ҳам ўзини кўз-кўз қилгандай.

Лобар Бегимқулова ва унинг ёрдамчисининг гапларидан она ҳам, қизлар ҳам сеҳрланиб қолгандай эди. Чунки улар ширин, лаззатли ҳаёт ҳақида шунчалик ишонтириб гапиришар эдик, ҳар қандай одам бу гаплардан маст бўлиши турган гап эди. Шунда она ҳам уларнинг ширин сўзларидан эриб кетиб:

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Ўргилай сиздан, — деди юзларида табассум билан Лобарга юзланиб. — Шунчалик яхши жойлар экан. Бунинг устига ишлари ҳам енгилгина дедингиз, шундайми?

— Ҳа, энди, ўйинчоқ фабрикасида қанақа оғир иш бўларди. Яхшигина ойлик тўлашса, ётоқхона билан таъминласа, яна нима керак. Лекин бунақа имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Шунинг учун тезроқ ҳал қилинглар. “Ҳа” ёки “йўқ”. У ерга юборадиган одам йўқлигидан айтмаяпман бу гапларни...

— Лекин сиз онасиз. Хоҳламасангиз бошқаларни юборамиз. Мана бу қиз билан бирга келгани учун йўқ дея олмаяпман, чунки унга ўзим бир вақтлар ваъда берган эдим, — деди Лобар Бегимқулова Маҳфузага имо қилиб.

— Унақа бўлса, майли, биз розимиз. Қизим билан бирга кетамиз.

Онахон рўмолининг учи билан оғзини беркитиб кулди. Бу гапни хонадагилар чин деб қабул қилишди. Ҳаммалари бир зум бир-бирларига қараб қўйишди.

— Ҳа, сизни ҳам юборардиг-у, афсус, қонун бунга йўл қўймайди. Лобар Бегимқулова атай столдаги қофозларга эгилиб тикилди. — Аввало, у ерга фақат ёшлар, яъни йигирма беш ёшгача бўлган қизлар, аёллар ишга олинади. Иш берувчиларнинг талаби шундай. Биз сизни хоҳласак ҳам юбора олмаймиз. Чунки уларнинг тартиб-қоидасига қарши боролмаймиз. У ерда ҳатто ўзларининг одамларини ҳам ёшига қараб ишга қабул қилишади.

— Холажон, у ерларда ҳар бир дақиқа ҳам пул туради, — гапга аралашди Нозима. — Яхши ишлолмаган одам қарзга ботиб қолади. Чунки еб-ичишнинг харажатлари қиммат. Бунинг устига борган қизлар ўз маошларидан бизни фирманинг харажатларини ҳам тўлашлари керак.

— Фирма харажатлари? — ҳайрон бўлиб сўради Маҳфузга.

— Ахир, кетаётган қизларнинг кўпчилиги сизларга ўхшаб пулимиз йўқ, илтимос, ёрдам беринглар, деб тургандан кейин биз нима ҳам қилайлик? — деди Лобар Маҳфузага юзланиб. — Фабрикага етиб боргунга қадар бўладиган барча харажатларни биз тўлаб берамиз. Албатта, кейин бу харажатлар келишилган ҳолда иш ҳақларидан бўлиб-бўлиб ушлаб қолинади.

— Шунинг учун, авввало ёши ўтган аёлларни у ерга жўната олмаймиз, — деди Нозима Лобарнинг гапларини давом эттириб. — Қолаверса, бола-чақали катта ёшлилар у ерда нима қилишади. Сал ишлаб уйга қайтамиз, болаларни соғиндик, уйда эrimиз қолган деб туриб олишади.

Хонадагилар бу ҳазилдан бараварига кулиб юборишиди. Қизлар уялган бўлиб бир-бирига қараб алланималар деб имлашиб қўйишди ҳам.

— Демак, биз Умида билан кетадиган бўлсак, олдиндан ҳеч қандай пул тўламаймизми? — дея сўради хурсандлигини яширолмай Маҳфузга.

— Ростданми? — ишонқирамай шошиб қўшилди гапга Умида ҳам.

Лобар Бегимкулова бош ирғаб тасдиқлаб:

— Агар шунақа бўлганда аллақачон чипта олинглар деган бўлардим-ку. Чиптага пулинглар йўқлигини ҳам биламан. У бош чайқаб қўйди-да, қофоз олиб нималарнидир ёза бошлади. Қизлар унинг ёзувидан расмийлаштириш бошланди, — дея ўйлашиб баттар ҳаяжонланишди.

— Ойижон, ана кўрдингизми, сизларга оғирлигим тушмас экан, — деди Умида хурсандчилигини яширолмай.

Аёл қизи томонга ўгрилиб қаради-ю, чурқ этмади.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

У чуқур ўйга ботган эди. Умида эса ҳамон ундан интиқлик билан жавоб кутарди. Онасининг эътиборини ўзига қаратиб, нима қилдик, дегандек им қоқди.

— Ахир, болагинам, сени бегона юртларга қандай жўнатаман? — деди она қизидан кўнгил узолмай.

— Мен бир ўзим кетаётганим йўқ-ку! Қанча қизлар кетаяпти. Мана ёнимда Маҳфузা бор... Жа бўлмаса учтўрт ой ишлаб қайтаверамиз. Хўп дея қолинг, — Умида энди онасига ялинишга тушди.

— Ҳалиям ҳал қилмадингларми? — Лобар Бегимқурова қофоздан бош кўтариб уларга тикилди. Қўлидаги ручкани ниқтаб ўта жиддий оҳангда:

— Опа, жуда хоҳламаётган бўлсангиз, сизларга жавоб. Қолганларнинг хужжатларини тезда расмийлаштириб, рўйхатни ёпишим керак.

— Бўлди, рози бўладилар... Ҳозир... — Умида шошиб қолганидан онасини қистовга олди. — Ойижон, ҳозир хужжатларни ёпади булар. Қолиб кетаман кейин... Ёш бола эмасман-ку, намунча хавотир оласиз? Ахир, ўн тўққиз ёшга тўлдим. Энди мустақил яшашга ўрганишм керак-ку. Қолаверса, кетсам кўпи билан ярим йилга кетарман. Иложи борича яхши пул билан қайтишга ҳаракат қиласман, — деди Умида онасини кўнглинини кўтаришга ҳаракат қилиб. — Ахир, ўзингиз биласиз, ҳали сепимнинг камчиликлари кўп-ку.

— Ундей дема, болам. Ахир, сен қиз боласан. Ўғил бола бўлганингда бошқа гап эди, — деди она қизига эътиroz билдириб.

— Холажон, бу гапларни қўйинглар, — деди Лобар Бегимқурова она-боланинг сұхбатини бузиб қатъиятлик билан. — Ҳамманинг ташвиши ўзига етарли. Вақтимиз зиқ. Агар қизингиз борадиган бўлса, тезроқ рўйхатга киритиб, виза қилишимиз керак. Бормайдиган бўлса, ўзларингиз биласизлар, — деди уларнинг гапларини кесиб.

— Мен розиман. Лекин... лекин...
— Холажон, хавотирга тушманг ҳаммаси яхши бўла-ди. У ерда Умида билан бирга юрамиз, бирга ишлаймиз,
— деб уни тинчлантиришга ҳаракат қилди Маҳфузга.

— Опажон, агар сиз ҳозир хўп десангиз, қизингиз уч-тўрт кундан кейин ўша фабрикага етиб бориб иш бош-лайди, тушунаяпсизми? — деди Нозима ҳам онанинг кўнглини юмшатишга интидиб.

— Ишонаверинг, ўз қизимиздай олиб борамиз-у, қай-тариб келиб қўлингизга топширамиз. Этаги пулга тў-либ қайтади ҳали. Ўшанда бизга раҳмат айтасиз, — деди Лобар Бегимқурова ишонч билан дона-дона қилиб.

Бир зум она ўйланниб қолди. Унинг хаёлида қизи-нинг тақдири бир оғиз сўзига боғлиқ бўлиб қолгани-ни, ҳозир мабодо ана шу сўз унинг оғзидан нотўғри чиқиб кетса, бир умр юрак бағри қонга айланишини, ўзини эса, ҳеч қачон кечирилмас хатога йўл қўйиши-ни у яхши ҳис қиласади. Балки ундаи бўлмаса-чи? Бу аёллар ҳақиқатан унга ёрдам беришга интилаётган бўл-са-чи? Ахир, кўринишларидан, гап-сўзларидан туппа-тузук мўмин-мусулмон аёлларга ўхашяпти-ку! Балки алдамас! Бекорга шаҳарнинг қоқ ўртасида мана шундай офислар очиб ўтиришмагандир?!

— Ойижон, намунча кўп ўйламасангиз. Ахир, мен у ерга бир умрга кетаётганим йўқ-ку! Олти ой кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади.

— Нега ўйланмас эканман, ҳар қалай ўзга юрт, ўзга одамлар...

— Ўзга юрт бўлса нима бўпти. Улар билан инглиз ти-лида bemalol гаплаша оламан. Эсингида бўлса ўқиш даврида инглиз тилида сўзлашув бўйича доимо фахрли ўринларни эгаллаганман.

— Тўғри, деб унинг гапини тасдиқлади Маҳфузга. Коллежимизда инглиз тилида ўtkazilgan мусобақалар-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

да Умида доимо биринчи ўринни эгалларди. У инглиз тилида бемалол сўзлаша олади. Унга ҳаммамиз ҳавас билан қарадик.

— Хўп дея қолинг, — деди Умида энди онасига ёлвориб. — Шу баҳонада чет элни ҳам кўриб қайтаман. Жон ойижон!

— Майли, болагинам. Аммо эҳтиёт бўлгин, — деди ахийри она қизининг жавдираган кўзларига тикилиб. — Энди ёш бола эмассан, ўзинг биласан, қизим. Хоҳлаётган бўлсанг, майли, борақол, — деди ичидан нимадир узилгандай бўлиб. Сўнг ўзини тутиб туролмай қизини бағрига босди. Аёлнинг кўзларида ёш қалқиб юзида сирпанди. Бу қувонч ёшими ёки алам ёшларими? Уни қандайлигини ҳеч ким, ҳатто онанинг ўзи ҳам шу топда билмас эди.

* * *

Икки кундан кейин Маҳфузса ва Умидаофисга кириб келишди. Хонада уларни Лобар Бегимқулова билан Нозима кутиб туришган экан.

— Қалай, қизлар, яхши етиб келдингларми? — деб ҳол-аҳвол сўраган бўлишди.

— Ҳа, раҳмат. Ҳаммаси яхши, — деди Маҳфузса ю克拉ини эшик ёнига қўяркан.

— Кетишга тайёрмисизлар дейман, — қўшимча қилди Нозима қизларнинг қўлидаги жомадонларини кўриб.

— Ҳа, мана келдик, — Маҳфузса ўртоғига қаради.

— Ундей бўлса нимани кутаяпмиз, машина тайёр. Қани кетдик, қизлар. — Лобар Бегимқулова кўтаринки кайфиятда ўрнидан қўзғалди.

Қизлар ҳайрон қолишли. Ҳаммаси бунчалик тез ҳал бўлади, деб ўйлашмаганди. Беихтёр юкларини қўлларига олиб аёлларнинг ортидан эргашишди. Ташқарида уларни машина кутаётган экан. Йўл-йўлакай аёллар

ўзларининг қандайдир бизнес ишлари ҳақида гаплашиб кетишарди. Маҳфузанинг эса қўзлари йўлда эди. У тўғри аэропортга борамиз, деб ўйлаганди. Бироқunday бўлмади. Машина тамомила бошқа йўлдан юриб шаҳар ташқарисига чиқа бошлади. Шундагина қизлар бир-бирига ҳайратомуз тикилиб “қаёққа кетаяпмиз” деб пичирлашди.

— Опа, аэропортга бормаймизми? — хавотирда сўради Маҳфуза.

— Йўқ, биз қўшни давлат орқали ўтамиз. Ўша ердан самолётга чиқамиз, — деди Лобар босиқлик билан.

— Сизлар хавотир олманглар. Биз нима қилаётганимизни яхши биламиз, — деди Нозима қизларни тинчлантиришга уриниб. — Бу ишни биринчи марта қилаётганимиз йўқ.

— Бизга ўнтача қиз олганмиз, бирга кетасизлар дегандингиз-ку. Қани ўша қизлар? — сўради Маҳфуза юзидаги хавотири йўқолмай.

— Ҳа, уларми? Улар кеча кечаси йўлга чиқишиган. Ҳозир аэропортда бўлишса керак, — деди Лобар қизларнинг эзмалигига фаши келгандай.

— Биз ҳам тезроқ етиб борсак, ўша гуруҳга сизларни қўшамиз, — деди Нозима мулойимлик билан қизларни кўнглидаги фулгулани йўқотиш учун.

— Ҳаммамиз Тошкентдан учсак бўлмасмиди? — сўради янада хавотир аралаш Маҳфуза.

— Синглим, сизлар кўп нарсани билмайсизлар. — Лобар жуда усталик билан овоз оҳангини ўзгартирди. — Тошкент аэропортида сизга ўхшаган ёш қизларни дарров тўхтатишиади. Қаёққа кетаяпсан, нимага кетаяпсан, деган саволлар билан бошингизни оғритиб ташлайди. Жавобингиз ёқмаса, самолётта чиқармаслиги ҳам мумкин, — деди Лобар қизларнинг хавотирини босиш учун бир оз юмшаб.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Нега унда қилишади? Ҳаммаси қонуний бўлса, нега самолётга чиқаришмайди? — энди ҳайрон бўлиб сўради Умида.

— Эҳ, қизлар! Ҳали ёшсиз-да. Кўп нарсани тушумайсиз, — деди Лобар чуқур уф тортиб. Бу билан қайта савол бермасликларини талаб қилганди. — Улар биздан чиқиб кетаётган ҳар бир ёш қизни четга бориб ёмон ишлар билан шуғулланади, деб ўйлашади. Шунинг учун кўпам қонуний ҳужжатларга қарашмайди. Иложи борича ёш қизларни четга чиқишиларига рухсат беришмайди.

— Нималар деялсиз, яқинда бир дугонам Англияга ўқишига кетди. Ҳеч ким унга қаршилик қилгани йўқ-ку, — деди Умида ўзини тутолмай.

— Англия бу Европа дегани. Биз учадиган мамлакатларга тамомила бошқача муносабатда бўлишади, — деди Нозиманинг жаҳли чиқиб.

— Шу ердан учишнинг ҳеч иложи йўқмиди? — сўради Маҳфузা бир оз ҳовуридан тушиб.

— Тошкентдан ҳам учса бўлади. Аммо ҳозир ҳар бир қиз учун жуда катта пул беришимизга тўғри келади. Агар шундай қилсак фирмамиз бир кунда банкрот бўлади, — деди Лобар Бегимқулова қошларини чимириб. — Олдинлари яхши эди. Кичикроқ пулга ҳам кўнишарди. Ҳозир айтганини бермасанг гаплашишни ҳам исташмайди. Шунинг учун харажатимиз арzonроқ бўлсин, деб одамларимизни қўшни давлат орқали жўнатишга мажбурмиз, — деди у савол-жавобга нуқта қўйгандек.

Маҳфуза аёлларнинг гапларидан қониқиши ҳисси ҳосил қилди шекилли, секин Умидага қаради. У ҳам хотиржам тортгандек эди.

Шу лаҳзалардан бошлаб икки қизнинг хаёллари мавҳум бўшлиқقا шўнғиди. Чунки улар олдинда нималар кутаётганини, пешоналарига нима битиклар би-

тилганлигини ҳатто хаёллариға ҳам келтира олмасди. Шу боис улар йўл давомида тақдирга тан бериб сукут сақлашди.

Хаёлларида эртакнамо шаҳар, ўйинчоқ фабрикаси-даги иш, ишдан кейинги шаҳардаги сайрлар каби хаё-лий орзулар учарди ва тезроқ унга эришиш учун ман-зил томон ошиқишаради.

* * *

Қош қорайганда улар шаҳардан анча узоқлашиб кет-ганди. Аниқроғи, мамлакатимиз чегарасидан ўтган бўлса-да, ўзга юртларнинг йўлларида анча юриб қўйишган бўлса-да, қизлар бошқа давлат ҳудудида эканлигига сира ишонолмас эдилар. Негаки йўлнинг икки тара-фидаги ўзбекона қурилган уйлар, тез-тез учраб турувчи дўппили кишилар, ўзбекча либосдаги хотин-қизлар уларнинг дикқатини тортиб борарди. Қизларнинг бор-ган сари бу кўрган нарсалари онда-сонда кўзга ташла-надиган бўлиб қолди.

Атрофни қуюқ қоронфилик эгаллаганда улар ман-зиллариға етиб боришли. Белгиланган жойда қандай-дир одамлар кутиб олишиб қаёққадир бошлаб кетишибди. Бир оз юришгандан сўнг ҳаммалари бир хонадонга киришли. Нотаниш одамлар қизларга бошдан-оёқ разм солиб чиқишиб, Лобарни четга имлаб чақиришли. Улар қўшни хонага киришиб нималарнидир гаплашишли. Сал ўтиб Лобар у ердан қўлида елим халта билан чиқиб келди. Асаблари таранглиги кўзларидан билиниб турарди.

— Нозимахон! Қани тез бўлинг! Мана буларни тезроқ кийинтиринг, башараларини тўғриланг, — деди Лобар Бегимқурова қизларга ишора қиларкан буйруқона оҳангда, кейин қўлидаги целлофан пакетни Нозима-нинг олдига ташлади.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Хүп, ҳозир! — деди Нозима кутилмаган буйруққа жавобан.

— Вақтимиз зиқ. Чаққон-чаққон қимирланглар, — деди Лобар Бегимқурова яна овозини баландлатиб.

Нозима қўлидаги халтани титкилай бошлади. Ундан кийимбошларни олиб қизларга узатди.

— Маҳфузә, мана буни ол! Умида, буниси эса сенга. Қани тез нариги хонага марш! Устингдагиларни ечиб шуларни кийиб олинглар! — деди Нозима қўшни хонага ишора қилиб.

— Намунча шалпаймасанглар?! Энди бу ёғига бошқача ҳаёт бошланади. Тезроқ бўлинглар! — Лобар Бегимқурова яна буйруқона оҳангда буюрди.

— Ҳа, қизлар, опаларинг тўғри айтаяптилар. Бугундан янгича ҳаётга кўнишиларинг керак, — деди Нозима ҳам Лобарнинг гапларини маъқуллаб.

Қизлар янги либосларни қўлларига олиб, ҳайрон бўлишиб бир-бирига маъноли қарашиб қилишди.

— Нима бўлди сизларга? Тезроқ ҳаракат қилинглар! Бунақада самолётга кечикамиз, ахир! — Лобар Бегимқулованинг овози янада баланд ва янада қаътий оҳангда жаранглади.

— Опа! Шуларни киймасак бўлмайдими? — тортинибгина сўради Умида. — Ахир, бунда баданимиз кўриниб қолади-ку!

— Ахир, бу замонавий кийимлар. Кийсангиз чиройингизга чирой қўшилади. Биттаси палон доллар турди-я! — асаби бузилди Лобарнинг.

— Нима бало, чет элга устингиздаги жулдур кийим билан кетмоқчимисизлар? Кулгига қоламиз-ку. Бизни шарманда қилмоқчимисизлар?! У ерларда ҳеч ким бунақа кийинмайди. Гапни кўпайтирмасдан тезроқ бўлинглар!

Қизлар бир-бирлариға қарашиб беихтиёр қүшни хона томон юришди. Уларнинг ортидан Лобар:

— Ҳали бой бўлиб кетасанлар. Ҳаммаси ўзларингга боғлиқ. Эшитаяпсизларми? Мабодо четда ҳам шунақа лапашанглик қилсаларинг бир тийин ҳам тополмайсиз, уйингизга сариқ чақасиз қайтасиз, — деди Лобар Бегимқулова заҳархандалик билан уларга ўқрайганча.

— Яхши ҳаётни ҳар ким ўз қўли билан яратади. Гапга кирсаларинг зебу зийнатнинг ичидаги яшайсизлар. Бой-бадавлат бўласизлар! Тезроқ кийиниб чиқинглар!

— деди Нозима қизларнинг орқасидан.

— Ҳеч нарсага уқувлари йўғ-а! Коллежда буларга нимани ўргатишган ҳайронман, — деди Лобар Бегимқулова асабийлашиб.

— Қўяверинг, бошланишида қизларнинг ҳаммаси мана шундай эсанкираб қолади. У ёқда ҳаёт лаззатларини кўргандан кейин ўзларига оро беришнинг устаси фарангига айланади-қўяди.

Нозима Лобарни тинчлантирмоқчи бўлиб айёrona жилмайди.

— Ўзинг бор! Уларнинг бошида тур! Соч-почларини ҳам тартибга солиб, юзларини пардоз-андоз қилиб қўй! Бунақа ишларга устасан-ку! Кўзга яқинроқ бўлаверсин!
— деди Лобар Бегимқулова бир оз ҳовуридан тушиб.

Нозима “хўп” дегандек бош чайқади-да, ўрнидан туриб қизларнинг орқасидан кетди. Бир оз вақтдан сўнг қўшни хонадан қизлар чиқиб келишди. Улар ҳақиқатдан ҳам ўзгариб кетишган. Лобар Бегимқулова ҳам уларга ҳайрат билан термулди.

— Қалай, сизга ёқдими? — деб сўради Нозима Лобардан.

— Мана бу бошқа гап! Қойил! Очилиб кетибсизлар, — деди Лобар кўтаринки кайфиятда қизларни айланаркан. Сўнг бир нарса эсига тушгандай сергак тортиб:
— Қани бўлинглар! Тезроқ аэропортга кетдик! — деди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Қизлар, жомадонингизда эски-туски нарсалар бўлса ташлаб юборинглар! Барибир у ерда киймайсизлар! Юкни оғир қилманг! Энг зарурларини олинг! — деди Нозима шошаётган одамдай сумкасини олиб нарсаларини соларкан.

Улар бирин-кетин хонадан шошилиб чиқиб кетишиди.

* * *

Кўшни давлат аэропортига кираверишда уларни ўта замонавий кийинган, қирқ ёшлар атрофидаги истараси иссиқ, хушбичим, бўй-басти келишган, оппоққина жуссали жувон кутиб олди. Унинг қоп-қора соchlари ўзига мос қилиб шундайин турмаклангандики, уни кўрган ҳар қандай кишининг ҳам юраги ўртаб кетарди.

— Салом, Дилсорахон! Узр, бир оз кечикдик, — дея сўрашди Лобар Бегимқулова хижолат тортгандай мулоjимлик билан.

— Салом. Яхши келдингларми? Йўлда муаммолар бўлмадими? — деди Дилсора босиқлик билан пинагини ҳам бузмай.

— Ҳаммаси жойида. — Лобар Бегимқулова ҳам хотиржамликда ундан қолишмасликка ҳаракат қиласарди.

— Шуларми? — Дилсора қизларга ишора қилиб сўради.

— Ҳа, шулар! Қалай? — Лобар Бегимқулова қизлардан кўз узмай жилмайди. Унинг бу қарашларидан ўзи ҳам қизларнинг кўринишидан жуда қониққани билиниб туради. Кўпни кўрган Дилсора ҳали бу қизларни олишда савдолашиб масаласи ҳам борлигини англашиб имкон қадар ичидагини билдирипасликка уринарди. Шунчаки совуққина қараш билан бош ирғаб қўйди,

холос. Сүнг “яхши” деганича Лобарнинг қўлтиғидан ушлаб четга тортди.

— Қани юринг, гаплашиб олишимиз керак, — дея Дилсора индамай ортига қарамасдан нари кета бошлиди.

— Нозима, сен қизлар билан ичкарига киравер. Мен ҳозир қайтаман. — Лобар Бегимқулова ҳам бир оз қовоини уйганча Дилсоранинг ортидан эргашди.

Маҳфузада Умида жомадонларини кўтариб Нозиманинг ортидан юрди. Улар тумонат одам тўла аэропорт залига кираверишдаги ўриндиқлардан бирига чўкишиди. Ҳамма қаёққадир, қайсиdir манзилга шошаяпти. Мақсадлари аниқ. Аммо сукут ила бу манзараларни кузатиб ўтирган икки қизнинг эса ҳали-ҳамон тақдирлари мавҳумлигича қолмоқда эди. Шу сабабдан уларнинг юзидағи ҳорғинлик соялари эрталабдан бери кўпайса кўпайдики, камаймади. Бунинг устига қоматларини кўз-кўз қилувчи яқинда кийган тор шимлару, кўкракларининг ярми очиқ ҳолда кўрсатган уст кийимлари уларнинг янада ғашига тегарди. “Нега буларни кийдик? Қаёққа кетаяпмиз ўзи?” деган саволлар уларни қийнаётганлиги шундайгина нигоҳларидан билиниб турарди. Кутишдан оғир нарса йўқ деган сўзларнинг нақадар тўғрилигини қизлар шу топда ҳис эта бошлиди. Чунки Лобарни кетганига анчагина вақт бўлиб қолганди. Ундан ҳамон дарак йўқ.

— Опа қачон келаркин? — сўради Маҳфузадан юраги ғашланиб.

— Нега хавотир оласизлар?! Ҳозир кепқолади, — деди Нозима қизларни тинчлантиаркан. — Четга чиқиш осон иш эмас. Керак бўлса, кунлаб кутишга тўғри келади. Бу нима бўпти, — деди бепарво оҳангда.

Маҳфузада индамай ерга қаради. Бу пайтда ортиқча бир нима деб ҳам бўлмайди. Қизлар салгина ноўрин

Гулчехра РАЗЗОКОВА

гап-сўз ҳам ишни расво қилиб қўймасин, деб қўрқи-шарди. Бир нарсани билишардики, уларни шу йул билан олиб кетишаяпти. “Ахир, ёнимизда-ку улар” деган ўй ҳам юпатиб турарди.

Ниҳоят узоқдан Лобар ва Дилсорани кўришиб бараварига “ана, келишаяпти, опа” деб шивирлаб қолишиди. Уларга Нозима пешвоз чиқди.

— Қизлар, қани паспортларни олинглар! — буюрди Лобар Бегимқурова хурсанд кайфиятда. Маҳфузава Умида итоаткорона ҳужжатларини олиб Лобарга узатди.

— Қизлар, бу аёл Дилсора опангиз бўлади. Сизлар билан бирга учади. У ёқдаги барча муаммоларни шу аёл ҳал қиласиди. Тушунарлимиси? — деди Лобар қатъиятлик билан қўлидаги қизларнинг паспортларини Дилсорага узатаркан.

— Опа, сиз-чи? Сизлар биз билан кетмайсизми? — ҳайратланиб сўради Маҳфузава Лобар ва Нозимага қарапкан.

— Сизлар хавотир олманглар. Биласиз, чет элга учишнинг ўзи бўлмайди. Йўл чипталари катта пул турари, — деди Лобар мулойимлик билан. — Шунинг учун биз Дилсора опангиз билан ортиқча харажатлар қилмасликка келишиб олдик. Шундаям иккалангиз учун самолёт чипталарининг пуллари бизга анча қимматга тушаяпти.

— Яна саволлар борми? — жиддий оҳангда сўради Дилсора қизларга диққат билан разм соларкан.

Очиғи, бундай бўлишини Маҳфузава Умида сира кутмаган эди. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарашди. Сўнг иккаласи ҳам бир оғиз сўз демай “гап йўқ” дегандек бош чайқаб ўйчан ҳолда ерга қарашди.

* * *

Эртаси куни эрталаб қизлар учган самолёт Шаржа аэропортига келиб қўнди. Назорат постларидан ўтиб шаҳарга чиқишар экан, уларни ёши қирқлар атрофидаги нотаниш ўзбек йигити кутиб олди.

— Салом, Дилсорахон! Яхши етиб келдиларингми?
— қуюққина сўрашди у жилмайиб. Сўнг қизларга маъноли назар ташлади.

— Раҳмат. Бу ердаги ишлар жойидами? — сўради Дилсора соҳта ҳорғинлик билан. Аслида у алдов билан олиб келинган қизларни қимматроқ нархда сотиш ҳаракатида эди. Шу боис нимадандир норози бўлиб кўринишга ҳаракат қилас, қизларни катта қийинчилик билан олиб келаётганини билдириб қўйишга ҳаракат қиласарди.

— Ҳа, ҳаммаси яхши, хавотир олманг, — йўл бошлиди Дилсоранинг қўлидаги юкларини оларкан йигит. — Қани кетдик.

Улар аэропорт ташқарисига чиқиб даллол йигитнинг машинасига ўтиришиб шаҳар томон кетишиди. Қизлар ички бир безовталик билан бўлса-да, атрофнинг гўзалигидан ҳайратланишарди. Текис, озода йўллар-у, осмонўпар бинолар ёнидан ўтишаркан, уларни тамомила ўзгача олам маҳлиё этганди. Шу топда гўё ажиб бир туш кўраётгандек энтиклирувчи ёқимли ҳислар уларни чулғаб олганди. Аста-секин юзларидан неча кунлиқ тушкунлик ва ғуборлар кетиб, гўё жаннат ваъда қилувчи ҳаёт бошланаётгандек эди. Дилсора зимдан икки қизнинг ҳолатларини кузатиб бораркан, улардаги беғуборлик ва соддаликни ҳис қилди. Беихтиёр кўз олдига бундан ўн йиллар олдинги ўз ҳаёти билан бўлган воқеалар келди...

У ҳам илк бор бу ерларга қадам қўйганда дугонаси билан бирга эди. Ҳудди шу қизлардек содда, беғубор,

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

кўнгиллари эса лиммо-лим орзуларга тўла эди. Худди улар каби шаҳар гўзаллигини кўриб қанчалик қувонганди-я ўшанда. Эҳ, нималарни орзу қилишмаганди улар ҳам. Умидлари катта эди. Назарида бу мафтункор шаҳарда ҳамма нарса гўзалу мўмай пул топиш ҳам муаммосиздек туюлганди. Ўшанда назарида тез орада катта даромад орттириб уйига қайтади-ю, сўнг катта олийгоҳларда ўқийди. Ҳамёни тўла пул бўлади. Энг гўзал либосларни кийиб бошқаларнинг кўзини ўйнатиб юриб, ҳамманинг эътиборидаги қизга айланади, барча ҳавас билан қарайди... Афсуски, чучварани жуда ҳам хом санашган экан. Нимадан бошланганди буларнинг бари?.. Ҳа, ўшанда ўқишга киролмагач, катта шаҳардан қишлоғига қайтмади. Негадир ўқишга киролмабди деган гапдан уялди. Шаҳарда қолиб келаси йил имтиҳонларигача ишламоқчи, ўқишга тайёрланмоқчи бўлди. Лекин катта шаҳарда қаерга ишга киради? Ахир, қўлида бирор ҳунари бўлсаям майли эди. Шу боис шаҳардаги ҳаётини мардикор бозорига чиқиб кун кўришдан бошлади. Уй тозалади, кир ювди, бола боқди, хуллас, пул топиш учун дуч келган ишни қилди. Гоҳ бир-икки кунлик ижарада, гоҳ бозор, гоҳ вокзалларда ётиб юрди. Ўзига ўхшаган мардикор бир аёл билан танишиб биргалиқда ишлай бошлади. Унинг шаҳар чеккасидаги арzonгаров ижарага турадиган уйида ётиб-турадиган бўлди. Бир амаллаб онасига орттириб озроқ пул жўнатиб турди. Қора меҳнат нималигини ана шунда тушуниб етди. Мардикорлик аёлларнинг иши эмас экан. Бир йилда кўрмаган куни қолмади ва сўнгида яхши ҳаёт учун курашиш керак деган хulosага келди. Ҳўш, қандай қилиб? У эртаю кеч шуларни ўйлайдиган бўлиб қолди. Бу ерларга келишга пул қаёқда эди. Очифи, ўшанда ёнида сариқ чақаси бўлмаса-да, “яхши ният, ярим мол”, деб ширин ҳаётни орзу қилганди. Аммо борган сари

бу ҳаётда ўша ҳавасларга, орзуларга осонгина эришиб бўлмаслигига амин бўлди. Ўша орзуидаги бойликка етишиш унинг учун жуда қийин, ҳатто етиб бўлмас юлдуздек кўрина бошлади. Сершовқин шаҳар ҳаётига ҳам кўникиб кетди. Қандай қиз-жувонларни кўрмади. Уларнинг қанақанги қиликларию, суҳбатларини эшифтади. Э-ҳе, баъзан улар айтган воқеалардан одамнинг эти жунжикиб кетарди. Аммо бора-бора уларнинг қанчасининг аянчли тақдирлари баъзида ваҳима бўлиб кўрингани оддий ҳолатдек туюла бошлади. Ҳатто алданган ёки бўлмаса ёмон йўлга кириб кетган аёлларнинг айримлари қандай қилиб турмушга чиқиб кетганларни мақтаниб гапириб беришганига ҳам гувоҳ бўлган. Оғзидан боди кириб шоди чиққан юзсиз аёлларни ҳам у кўп кўрган. “Хўш, номус нима ўзи?”, – деб ўйлай бошлаганди ўшанда илк бор. “Шунаقا йўли бор экан, унчалик кўрқинчли эмас экан-ку” деган хаёлларга борганди. Бу тўғрида у қанчалар кўп ўйлаган сари, ундаги уят, ор-номус деган ҳис-туйғулар шунчалар тез сўлий бошлади. Ҳатто, номус у учун қўл билан тутиб, кўз билан кўриб бўлмайдиган шунчаки мавҳум бир нарса-га айланди. Аста-секин ундан вақтинча фойдаланиш мумкиндек кўринди. Вақт ўтган сари “Рост-да, ким нимани кўриб, нимани билиб ўтирибди” деган ёлғон гаплар билан ўзини ўзи ишонтира бошлади. Худди кечагидай эсида. Баҳор кунларининг бирида бозорчи опахонларидан бирининг туғилган кунини шаҳардаги хилватроқ қаҳвахонада нишонлашганди. Ўйин-кулги, базму жамшид авжида. Дилсора давранинг тўрида энг ёш, энг чиройли қиз бўлиб ястаниб ўтиради. Шу сабабдан базмда сатанг аёллардан бирининг тўрига илинди. Аёл узоқ вақт уни авради-алдади, хуллас, чет элга ишга юбораман, деб ишонтириди. Дилсора ҳам дарров кўна қолмаганди ўшанда. Аммо кейин ҳам ўша аёл

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

билин кўришиб қолганда унинг “у ёқларга бир бориб келганингда, аллақачон квартирали бўлардинг” деган гапига ишонди. Кейин бир марта... иккинчи марта... Қолганини унчалик эслай олмайди. Фақат кўп пул билан айшу ишрат қилиб юрганини билади. Аммо буларнинг бари совун пуфагидек бир гап экан. Қачон “пақ” этиб ёрилиб кетишини билмай қоларкансан. У ҳеч бир бойлик билан топиб ҳам, тиклаб ҳам бўлмайдиган орномус, иффатини бой бериб қўйганини, афсуски, жуда кеч ғашунди. Айни пайтда энди орқага йўл йўқдек кўринди кўзига... Булар тўғрисида ҳар гал ўйлаганида ичичидан олов бўлиб ёниб кетади. Ҳеч кимга кўрсатмай аламидан узоқ вақт юм-юм йифлаб олади. Ўзини қўйгани жой тополмай қолади. Энди олисларда қолган бефубор кунларига қайтмоқчи бўлади-ю, бунинг сира имкони йўқлигини англаган сари ичини ит тирнайди. Ҳатто ўзини ўлдиришга шайланган пайтлар ҳам бўлганди. Ахир, буларнинг бари рост-ку. Ўйлаб қараса, номусини сотиш эвазига барчасини бой берган экан. Беайб парвардигор дейишади. Ҳамма ҳам алданади, хато қиласди. Аммо бунчалар даражада катта хатонинг залвори одамни босиб ўлдириши ҳам мумкинлигини у ҳатто ҳис этмаган экан. У бу йўлни танлаб қаттиқ адашганди. Бу мудҳиш адашиш уни бир умрли азоблар, руҳий қийноқлар ва ўта даҳшатли изтироблар гирдобига ташланганди. Олдинига унинг кўзига жаннат бўлиб кўринган ҳаёт бир оқшомда саробга айланганини сезмай қолди. Бунинг қанчалар қимматга тушишини англаб улгурмади ҳам. Гўёки бир неча кунда катта пул ишлаб олади-ю, тезда уйга қайтади. Ҳаммаси изига тушиб кетади, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, деб хаёл қилганди. Уни олиб келган одамларнинг нияти бошқа эканини кейин тушуниб етди. Ҳаёллари, ўйлари ўзи билан қолган бўлсада, аммо жисмини сотиб пуллашганди. Энг ачинарли-

си, уни бошқалар эмас, ўз ҳамюрлари шу күйга солиб, тубанлик гирдобига ташлаганди. У дамлар қанчалар даҳшат эди-я. Дилсора ўшанда ортга йўл ахтарди. Бироқ ожизлигидан тақдирга тан беришдан бошқа чора тополмаганди. У учун пул топишнинг ягона йўли қанчалар жирканч бўлмасин, эркаклар кўнглини овлаш бўлиб қолганди. Очифи, бу ишларга бора-бора кўнишиб бораверди. Олдинига даҳшатли кўринган воқеалар, вақт ўтган сайин оддий ва одатий ишларга айланиб борди. У энди сиқилиб, кўз ёш тўкиш бефойдалигини англашетганди. Чунки унинг бутун жисми жаҳони жирканч қабоҳатлар ботқофига ботиб кетганди. Ундан чиқишининг эса бир ожиза учун сира иложи йўқ эди... Мана энди йиллар ўтиб, у ўша истаган пулларни ҳам топди. Лекин бу пуллар унга ўзи кутгандек қувонч келтирмади. Юраги тубидаги орзу-режаларини жўштиurmadi. Аксинча, оғриқлар, ўчмас чандик, азобли хотиралар ва армонлар қолдирди. Отажонисининг васиятини бажара олмади. Катта олий ўкув юртларига кириб ўқий олмади... Онажонисини эса сўнгги йўлига кузата олмади. Бу мудҳиш хабар унга жуда кеч етиб келганди.

Ҳа, бугун етарлича пули, бойлиги бор. Лекин ёнида меҳрибон ва суюнчиқ ота-онаси йўқ. Ўзи эса номуссиз. Инсон учун бир парча нон қанчалик азиз бўлса, ҳар қандай қизнинг баҳти унинг номуси экан. Ҳаётни қандай эъзозласанг, қизлик шаънингни, ор-номусингни ҳам шундай пок сақлашинг керак экан. Акс ҳолда ҳамма бир марта фойдаланиб улоқтириб кетадиган буюмдек ҳавасни келтирган олма каби дастлаб қўлма-қўл бўларкансан-у, базм сўнгида чайнаб дастурхон четига ташлаб кетилган пўчоқдек бадбурш бўлиб қоларкансан. У ўша кезларда ўзлигини йўқотган, ўз ихтиёри билан номусини топтаган, ташландиқ кимсага айланганди. Энди у минг изтиробга тушмасин, бошини минг деворга урма-

Гулчөхра РАЗЗОҚОВА

син, ҳаммасини бой берганди. Аслида ҳамма нарсани борлигида асраб-авайлаш, ардоқлаш, қадрига етиш керак экан. Уни йўқотгандан сўнг, ҳеч қачон қайтара олмас экансан. Афсус! Энди уни асраб-авайлайдиган бирор мұқаддас нарсаси қолмади. Буни у жуда-жуда кеч тушуниб етди. Ҳа, ҳаёт кун-тунсиз бўлмаганидай, инсон ҳам ватансиз бўлмас экан. Ўзга юрт чаманидан, она юртнинг қуриган тиканзори яхши эканини у олдинроқ билганда эди, шу кўргуликлар бўлмасмиди! Инсон ҳам шунчалар нодон, кўр бўладими, ахир! Энди эса вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Фақат олдинга интилиш керак. У узоқ вақт жуда қаттиқ алам ва афсус чекди, кечалари тўлғониб чиқди. Аввалги ҳаётига қайтишга журъати етмади. Бора-бора афсуслари сўнди. Аламлар қасос ва ғазабга, ўчга айланди. У бошқаларнинг ҳам ўзи каби аҳволга тушишини истаб қолди. “Битта менманми бундай кўйга тушадиган”, деган аҳмоқона қарорга келди. Бу шаҳарда унинг ёшлик умри ўтиб, юрагида бир ёвуз ўй шиорга айланди. “Мени алдаб сотишдими, бойлик орттиришдими, бас, мен ҳам алдайман, мен ҳам бойлик орттираман. Ахир, бу тўқайзор қонуни-ку! Кучсизлар ҳар доим кучлиларга ем бўлиб келган. Мен кучли бўлишим керак! Ҳа, ҳа! Кучли! Ҳали бу ерларга қанчалаб қизлар худди мендек баҳт излаб келишади-ю, бор баҳтларидан ана шу шаҳарнинг жирканч кавакларида ажралиб қолганларидан сўнг кўз ёш тўкишади. Бу икки қизнинг тақдири ҳам шундай. Мана бугун улар хурсанд, шод, кулишмоқда. Эртага-чи?.. Эртага уларнинг нима кўйга тушишини фақат Оллоҳ билади... У ўзига ўхшаб адашган қизларнинг кўплаб бўлишини, уларнинг орасига сингиб кетишини, ана ўшанда одамлар унга бармоғини бигиз қилиб кўрсатмасликларини истарди. У бундай қиз-жуvonлар ичида эътиборни тортмай, улар ичида кўринмай кетишини истарди. Ана

шундай жирканч йўл билан бўлса-да ҳаммани, аввало ўзини алдаб таскин топмоқчи бўларди. Бу алдов эса биргина ўзини эмас, яна қанчалаб қизларнинг тақдирини яксон қилиб ҳали кўнглида яна бундан-да оғир, чидаб бўлмас оғриқни келтириб чиқаришини тасаввур ҳам қила олмасди. Чунки Дилсоранинг бутун борлифи шайтанат оламининг жирканч чангалига ўралашиб қолганди...

* * *

Қизлар аллақандай меҳмонхона биноси олдига етиб келишганда улар саросима ва таажжубда донг қотиб туришарди. Атрофларида у ёқдан бу ёққа ўтаётган одамларнинг гап-сўзлари қизларни ҳайратга соларди. Уларда шу топда ҳадик ва ҳаяжон аралаш шубҳа уйғонганди-ю, аммо бу ҳақда гапиришга журъат қилолмасдилар. Айни пайтда ҳали уларда бекорга шубҳага бораётгандирмиз, деган юпанч ҳам бор эди. Кичикроқ хусусий меҳмонхона эшиги олдида уларни тўладан келган, ясан-тусани қотириб, ўзига ишонч билан қарайдиган аёл кутиб олди. “Ким бу аёл? Нега бу ёқларга келдик? Иш билан таъминлайдиган хўжайин шу бўлса керак”, деган ўйхаёллар гирдобида эди қизлар. Улар хўжайин, деб гумон қилган аёл Дилсора билан елка қоқиб сўраши-ю, чеккароққа чиқишиб қизлар эшитмаслиги учун аста пичирлашиб гаплаша бошлишди.

— Яхши келдингизми?

— Раҳмат, чидаса бўлади.

Дилсора билан бирга келган йигит уни гапга солди.

— Бекажон, ана, товарни кўриб турибсиз. Тоза моллар.

— Уларми? — Бекажон қизларга бошдан-оёқ разм солиб қовоғини очмай жавоб қилди. — Ярайди. Қанча сўрайсан?

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Эллик минг. — Йигит чүнтағидан сигарет олиб ёндириди. Оғиз-бурнидан бараварига тутун чиқарапкан, аёлнинг жавобини кутиб тикилди.
- Молингни осмонга чиқариб қўймадингми? — эътиroz билдириди Бекажон.
- Арзийди.
- Ўзи буларинг қиз болами?
- Онаси ўпмаган гулғунчалар-ку!
- Ўттиз минг бераман. Кўнмасанг бошқаларга ўтка-завер.
- Хафа қиляпсан, Бекажон. Мен бир киши билан иш қиласман.
- Майли, ўттиз беш минг бераман. Ортиқ бир тийин ҳам сўрама.

Бундай тортишув улар учун кўнишиб кетилган одатий савдо муомаласи эди. Ким нима дейишини, қанча нарх қўйиб қандай келишишгача билишади. Охирида бири иккинчисига худди бозордаги каби “майли, сиз учун розиман, кейингисида “озгина қўшасиз” деб ҳам қўйишади. Бу галги савдо ҳам шундай якун топди.

- Унда келишдик, фақат сиз учун ўттиз беш мингга розимиз, — деди йигитнинг кўзлари оловланиб. Бир оз сукутдан сўнг: — Лекин соққани ҳозир беришингиз керак бўлади, — деди.
- Хўп, майли, ўша савилни оласиз, аммо жуфтакни ростламайсизлар.
- Нима? Тушунмадим. Ишимизнинг чаласи борми?
- деди Дилсора қошини чимириб Бекажонга қарапкан.
- Ўтган галги ташлаб кетган фунаҗинларингни кўндиргунча она сутим оғзимга келганди. Буларинг ҳам шунаقا томоша кўрсатса-чи?
- Унда биз нима қилиб беришимиз керак? — деди Дилсора норозилик билан.
- Бирон баҳона топинглар. Пулинин қуртдай санаб

олганингиздан кейин буёини ҳам охиригача етказинглар-да. Ана пастдаги хона безатилган.

— Маҳмуд, қизларни у ерга бошлаб кир, — деди Дилсора йигитга буюриб.

— Бутун санъатингни ишга сол-чи. Кейин Бекажонга ўгирилиб қўшиб қўйди: — Биз бекорга ҳақ олаётганимиз йўқ, опа. Уларни шу ергача келтургунча озмунча пулимиз кетдими? Аслида бу ёғи сизнинг ишингиз эди.

Маҳмуд қизларнинг олдига бориб, “қани юрингларчи” деганича меҳмонхонага бошлади. Сўнг уларнинг таажжубли юзига қараб изоҳ берган бўлди: — Юринглар, нега тортинасизлар. Ахир, бизни меҳмон қилишмоқчи, атайлаб дастурхон ёзиб қўйишибди.

Улар дастурхон ясатилган шинам хонага киришди. Кизлар қимтиниб-тортиниб жойлашишди.

— Марҳамат, қизлар, хуш келибсизлар! — дея Бекажон сохта мулозамат билан уларни ичкарига бошлади. Улар турли ноз-неъматлар билан тўлдириб безатилган стол атрофига келиб ўтиришди. Маҳмуд бепарвогина винони очиб қўйгач, ҳаммага узатаркан: — Дилсорадан яхши тилакларни эшитамиз энди, — деди хурсандчиклик билан.

Қадаҳни қўлга олган Дилсора ўта хотиржамлик билан у ёқ-бу ёғини тузатганча оҳиста сўз бошлади:

— Аввало, хуш келибсизлар. Бу ердаги янги ҳаёт сизларга, омад ва кўп пул олиб келишини тилайман. Бироқ биргина омаднинг ўзи етмайди. — У яна бир бор қизларга бошдан-оёқ нигоҳ ташлади. — Бунинг учун бу ернинг ўз талаблари ва қоидаларига кўникишларинг керак. Ана шундагина ҳамма иш яхши ва омад сиз томонда бўлади.

Бекажон унинг гапларни бош ирғаб тасдиқлаб турад, одам савдосига даллоллик қилиб юрган Маҳмуд ҳам “тўғри, албатта, яшанг” деганича, Дилсоранинг гапла-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

рига сув пуркарди. Буларнинг бари қизларни бўлажак сиртмоққа илинтириш учун қилинаётган найранглардан бири эди.

— Ишонаманки, сизлар буни уддалайсизлар.

— Жуда яхши гап бўлди, — Маҳмуд даврани янада жонлантиришга уриниб қадаҳни чўқиширишга шайланди. — Қани шу гап омад, ғалаба ва муҳаббат учун олайлик-чи. Қизларни бир руҳлантириб беринг, опа.

Дилсора енгил ҳаракат билан қадаҳдаги винони ичиб юборди. Сал ўтиб юзига қизиллик югурди, киприклари пирпирай бошлади ва анграйиб унга қараб турган қизларга буюрди: — Олинглар, нега жим турибсизлар.

Қизлар бир-бирига термулишиб нима дейишларини билмай туар, қимтинибгина илжайишарди, холос. Сўнг қистайверишгач: — Биз... биз ича олмаймиз, — дейишиди бараварига.

Шунда Дилсора индамай иккинчи қадаҳни қўлига олиб, уларга тикилиб афти бужмайди. Қизлар унинг бутъқибли нигоҳидан чўчиб, безовталаниша бошлашди.

— Бу ернинг қоидаларига кўникиш керак дедим-ку, — дея у ўзини янада сиполикка олди. — Бунақа лаллайсаларинг, ҳеч ким сизларни ишга олмайди. Одам дегани ҳамма шароитга тез киришиб кетиши керак. Бунинг озгинасининг зиёни йўқ. Қани, олинглар! Бунақа зиёфат бу ернинг оддий кундалик ҳаёти, қизлар. Ҳаммани ҳайрон қолдириб, осмондан тушгандек бўлманглар. Қолаверса, мезбон Бекажон опа биздан хафа бўладилар Дилсора баттар ҳужумга ўтди.

Қизлар бир-бирларига имо-ишора қилишиб, қадаҳни кўтаришиди-да, қалтираган кўйи ичиб юоришиди.

— Маҳмуд, биринчиси билан иккинчисининг орасидан қил ҳам ўтмаслиги керак, деган гапинг бормиди?
— винога имо қилди Бекажон.

— Ҳозир есть қиласиз-да, — тиржайганича Маҳмуд яна қадаҳларни түлдириб, аввал Бекажонга узатди. — Энди навбат сизга.

Бекажон қизларга қараб олиб, энди ҳақиқий артистликка ўтди. Ҳудди уларга ҳаваси келаётгандек қараб жилмайган бўлди.

— Сизларга қараб ҳавасим келади... Ёш, чиройлисизлар, атиргулнинг фунчасига ўхшайсизлар. Қанийди ёшлигим қайтиб келса-ю... Аттанг... лекин сизларнинг бу ерда ишлаб яхшигина пул топиш имкониятларинг бор... У гўёки чиройли гап айтишга шайланарди-ю, аслида эса қизларни яна қандай гаплар билан сиртмоғига илинтиришни ўйларди. Ҳар бир ҳаракати, қарашлари билан уларда ўзига бўлган ишончни янада кучайтиришга уринарди.

— Ҳаёт жуда ҳам қисқа, ёшлиқ ҳам, яъни чирой ҳам, куч ҳам, вақт ҳам тез ўтиб кетаркан. Ана шу чиройдан, ёшлиқ шижаатидан оқилона фойдаланиб қолиш керак, қизларжон. Демоқчиманки, бу ҳаётда ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб пул топиб қолиш керак.

Бекажон ўрнидан туриб аста қизларнинг ёнига келди. Уларнинг қўлига қадаҳларни тутқазиб сўзида давом этди:

— Қани, сизлар учун, гўзал қизлар, оламиз! У яна ўша мулојим ҳаракатлари билан қадаҳни бўшатди-да, газак ҳам қилмай қизларни ичишга ундади. — Қани, қани, олинглар, қизлар! Ёш боладай бўлманглар-да энди. Унинг қистови билан қизлар иккинчи қадаҳни ҳам кўтарди.

— Мана энди бўлди, — деди Бекажон жойига қайтиб келиб ўтиаркан, кўзлари чақнаб ён-верига назар ташлади. — Мана энди ҳаёт кўзимга бошқача кўринаяпти. О, дунё нақадар гўзал!

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Фақат ичганингизда дунё кўзингизга гўзал кўри-
надими дейман, — деб кесатиғ билан гапга аралашди
Дилсора.

— Бошқа вақтлардаям. Лекин ичганимда бошқача ту-
йилади. Одамшаванд бўлиб қоламан. Ёшлигим эсимга
тушади. Эсиз ёшлигим, дея ҳайқиргим келади.

— Ёшлигингизда ҳам аломат бўлгансиз шекилли.

Бекажон бир зум жим бўлди-да, сўнг гапини давом
эттирди:

— Ичимда бир қув ниятим бор. Айтсам кулавериб,
қотиб қоласан.

Дилсора унинг гапига қизиқиб, тезроқ айтсангиз-чи,
деб уни қистовга олди.

— Ўйлаб кўрсам шунча пулни нима қиласман. Яхши-
си юз жарроҳлигига бориб қиёфамни ёшартирсам бор-
ми, яна эркакларни шайдо қилиб юравераман-да.

У хандон отиб кулганича ёшлигида қилган уятсиз
ишларни айтиб роса кулди. Унинг гапларидан қизлар уя-
лганидан ер чизишарди. Бекажоннинг шодон кайфияти
билан бир зумда зиёфат базми-жамшидга айланди.
Қизишиб олишган қизларга ҳам сўз беришди. Қизлар
шошиб, ҳаяжон билан нималар дейишса ҳам “ажойиб,
зўр гап бўлди” дея олқишлиб туришди. Уларнинг ву-
жудларидағи ҳадик ва қўрқув йўқолди. Бекажон бу-
ларнинг барини зимдан қузатиб, ҳамма нарсани ичида
ҳисоб-китоб қилиб турарди. “Қани музикани қўй, бу-
ларга битта ўйинни кўрсатиб қўяй” дея авжига чиқди.
Бу орада Маҳмуд режада кўзланганидек, қизларнинг
вино солинган қадаҳларига ўта маст қилувчи кукун
солиб аралаштиришга улгурди.

Улар яна ичишди. Бир оздан кейин Умида Маҳфузага қараб:

— Негадир қизиб кетаяпман, — деди икки юзи лов-
лов қизариб.

— Мен ҳам, — деди елпинишга тушган Маҳфуз.

Уларнинг гапини эшитиб турган Бекажон хушмуомалалик билан қўшни хонага таклиф қилди:

— Қизлар, истасаларингиз бу ёққа ўтиб, ечиниб, бирпас дам ола қолинглар.

Қизлар чайқалган кўйи қўшни хонага кириб кетишиди. Уларнинг кайфи ошиб қолган, нималар бўлаётганини бутунлай англай олмайдиган ҳолатда эди. Шўх арабча мусиқа баттар аллалай бошлаганди. Бошлари айланганидан ўзларини ётоқ диванига ташлашди. Бироз ўтиб Бекажон уларнинг ётогига аввалдан келишилган мижозлардан киритиб юборди. Сўнгра Дилсора билан Маҳмудга юзланди.

— Эртага қизлар билан гаплашиб оламиз. Бўлди, ҳеч қаёққа кетишолмайди. Энди сизларга ҳам рухсат, — дея Дилсора билан Маҳмудга жавоб берадиган бўлди.

— Опажон, жуда ҳам муғомбурсиз-да. Сизнинг олдингизда ҳеч ким ип ечолмайди. Бундан ўн йиллар олдин мени ҳам худди шундай қилиб қафасингизга туширган эдингиз.

Бекажон вино олиб қуя бошлади.

— Ҳа, энди нолияпсанми? Ахир, тилла занжирларга ўралиб юрибсан-ку, — дея унинг бармоқлари ва бўйнидаги тилла тақинчоқларга ишора қилди ва такаллуфсиз қадаҳни қўлига олиб тик турганча сипқорди.

— Ҳа, булар тилла. Агар ўша тилла қафасингизга тушмаганимда ҳозир бутунлай бошқа аёл бўлардим.

— Афсусланма.

— Афсусланаётганим йўғ-у, бироқ ҳозир бутунлай бошқа аёлман. Ўзгарганман. Исмим ҳам, фамилиям ҳам бошқа. Ҳатто ҳужжатларимда ёзилган туғилган жойимга хиёнат қилиб ўзга юртнинг фуқаросига айланганман. Ҳозир мол дунём, пулим етарли. Лекин ва-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

таним йўқ. Қишлоғимни, у ернинг тупроқ кўчаларини, қариндошларимни, жигарларимни жуда-жуда соғиндим.

Бекажоннинг энсаси қотиб, Маҳмудга шивирлади:

— Бунингни кўзимдан йўқот. Фирт маст бўлиб қолибди, бориб дамини олсин. Эртага кўришамиз.

Улар аста ўрниларидан қўзғалишиди.

— Қачон у ёққа қайтмоқчисизлар?

— Ўн кунлардан кейин.

— Жуда яхши. Фақат олиб келаётган қизларинг иложи борича ёшроқ бўлсин. Қолганларга талаб йўқ.

— Шуларни ҳам зўрға топаяпмиз, опа. Аҳвол оғир, олдингидаи эмас.

— Шунинг учун ҳам сизларга қуртдай қилиб санаб бераяпман-да, — дея писанда қилди Бекажон. Сўнг “олиб чиқ буни”, дегандек Дилсорани имо қилиб Маҳмудга кўрсатди.

Маҳмуд ширакайф Дилсорани қўлтиқлаганича меҳмонхонадан чиқиб кетди.

* * *

Фира-шира тонг орасида дастлаб Умида уйғонди. Аниқроғи, кўзларидан олдин боши “уйғонди”. Дастлаб қаерда ётганини англай олмади. Кўзлари юмуқ ҳолда у ён-бу ёнга ағдарилиб кийимлари ечишган ҳолатда, устидаги кўрпа-тўшакнинг бошқача эканлигини сезгач, лоп этиб хаёлига “қаердаман?” деган ўй келди.

“Қаердаман ўзи? Нега ётган ўрним бошқача?” У карахт ҳолатда бу саволига жавоб изларди. Дастлаб Маҳфузга билан чет элга ишга бормоқчи бўлиб ҳаяжонда чолиб юрганини эслади. Кейин фирма биноси... Лобар опа... унинг ёрдамчиси... Онаси билан офисга боргандари... Самолётда учгани ёдига тушган маҳал ўрнидан сапчиб туриб кетди. Юраги гупиллаб шошиб атрофга аланглади. Шу тобда унинг кўз ўнгидан кечаги воқе-

алар кино тасмасидек ўта бошлади: Зиёфат... Қадаҳ сўзлари... Муқом қилиб ўйинга тушганлари... Дилсора-нинг уларни ўпиб яна вино ичиргандари... Фира-шира ётоқхона... Қачонки, қандайдир барзангининг қучоғида ётгани эсига тушган маҳал Умида нима бўлганини англаб аламдан шундай ўкириб юбордики, бутун хона деразалари титраб кетди.

— Даҳшат! Шармандалиқ! Шарманда бўлдим!

Умида бор овози билан ўкириб йиғларди. Пар ёстиқни қучиб ўзини ўринга отди. Елкалари титраб, бутун даҳшатни ҳис этиб юраги ёрилгудек бўлди шу тобда.

Бу даҳшатли қичқириқдан қўшни хонада ётган Маҳфузा ҳам чўчиб уйғониб кетди. Ўрнидан турди-ю, бир нафас олгулик фурсатда ҳамма воқеани англаб қўл-оёғи бўшашиб “шилқ” этганча чўккаласб қолди.

Қизлар бу мудҳиш воқеани англағач, тиззаларини қучганларича юзларига ёстиқни босиб йиғлашга тушдилар...

* * *

Тонг отди. Бу маҳал қизларнинг заҳардан-да аччиқ алам йифисидан кўз-қовоқлари шишиб кетган, ҳар иккисининг-да овози деярли бўғилиб қолганди.

— Ер ютсин, бу ифлосларни, — елкаси титраб бўзлади Умида. — Энди онамнинг, уйдагиларнинг юзига қандай қарайман, Маҳфуз? Нима деган одам бўлдим? Улар буни билиб қолса, мени бурда-бурда қилишади. Нимага ҳам бу юртларга келдим? Нега сенга қўшилдим?! Нега?!

Маҳфузা кўзларини бир нуқтага қадаганича жим қолганди. У Умидани ҳам, ўзини ҳам қандай юпатишни, бу даҳшатли воқеанинг қандай қилиб юз берганини англай олмай гаранг эди.

— Аблаҳ Лобар алдаган экан бизни, — ўрнидан сапчиб туриб кетди Маҳфузা. — Ахир, ўйинчоқ фабрика-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

сида ишлайсизлар дейишганди-ку? Наҳотки, бизни шу ифлос ишга олиб келишган бўлса? Балки ростдан ҳам Лобар опа булардан бехабардир?

— Қанақа ўйин... чоқ... қа... нақа ўйинчоқ фаб... рикаси?! А? Қанақа фабрика?! — қўлидаги ёстиқни ирғитиб юборди Умида жазавага тушиб. — Ўзимизни ўйинчоқ қилгани олиб келишибди-ку бу ифлослар!

Маҳфузга унинг аламли қичқириғидан баттар қўрқиб юрагини чангллаб қолди. Умида эса жазавага тушиб қўлига илинган нарсани олиб полга ирғита бошлади.

— Нима бўлади энди? А? Нима бўлади? Тамом бўлдик, тушунаяпсанми? Расво бўлдик! Шарманада-ю шармисор бўлдик! Шуни тушунаяпсанми?!

— Тўхта, тўхта! — дея асаби қайнаб хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади Маҳфузга. — Дилсора келсин-чи, мегажин... Кейин кетамиз... Уйга бориб олсак бўлгани.

Шу пайт хонага Бекажон кириб келди. Қизларнинг аҳволини юзларидан кўриб турса-да, гўё ҳеч нима бўлмагандек меҳрибонлик билан ҳол сўраган бўлди.

— Яхши ўтирибсизларми, асалларим? Қандай дам олдиларинг?

Қизлар миқ этишмай юзларини терс ўгириб олишиди, аммо журъат қилиб бирон нарса дейишдан чўчиб туришарди.

— Сизлардан сўраяпман? — Бекажоннинг овози таҳдидли чиқди.

Қизлар бирданига ўкириб йиглаб юборишиди. Жазава ҳолатида бараварига дод солишиди. Бараварига бақиришиб “нима қилиб қўйдинглар”, “нима қилмоқчисанлар бизларни”, “аблаҳлар”, “пес-моховлар...” дея бўғизлари йиртилгудек бўлиб қарғадилар.

Аввалига Бекажон қизларнинг бақир-чақирларига ўта совуқёнлик билан, ҳатто хонани томоша қилган бўлиб бепарвolarча тинглаган бўлди. Қачонки қизлар

күп ўтмай овозлари бўғилиб ҳолдан тоя бошлаганини сезгач, уларга бурилиб яқин келди.

Бу дамда Умида “энди нима бўлади, ўлдирдиларингку!” деганича кўзлари ёниб юзма-юз келганди. Бекажон эса кутилмаганда унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Умида “вой” деганча юзини ушлаб диванга юзтубан йиқилди.

— Нимага бўкирасанлар? — Бекажон энди Маҳфузанинг устига бостириб кела бошлади. — А? Нимага қичқи-расанлар ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб.

Хонага кутилмаган сукунат чўкди. Маҳфузадан юзларини беркитиб олган, фақат елкалари дир-дир титрарди.

— Нима бўлди? Нега кекирдакларингни чўзасанлар? А? — Бекажон энди совуқ кўзларини Маҳфузага қадади. — Иш излаб келгандиларинг, иш бермоқчи бўлдик. Пул излаб келдиларинг, пул ҳам бермоқчи бўлдик... Бу эса нима тентаклик?

— Бизга фабрикада ишлайсизлар дейишганди. — Овози титраб чиқди Умиданинг. — Нега алдадиларинг ёлғончилар? Ахир, уйдагиларимиз бизни ишга кетган, деб ўтирибди-ку, ўйинчоқ... ишлаб чиқарадиган фабрикага...

— Ҳа, ойимқиз, Бекажон унга ўгирилиб ҳужумга ўтди. Бу ерга нимага келаётганингизни билмабмиз дерсиз, ҳали, а? Ҳи-м-м... Фабрикада ишлайман денглар. Қаршилигим йўқ... Ўйинчоқ фабрикасига ҳам жойлаб қўямиз... Фақат... Бекажон аста қизларинг юзига разм солди. Сўнг тошойна олдига бориб ўзини томоша қилган бўлди-да, яна ҳужумга ўтди.

— Кеча нима қилганларингни биласизларми ўзи? Ишиб олиб ўзларинг ёнларингга эркакларни чақирдиларинг-ку! Ёки эсларингда йўқми? Тасвирга олинган

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ҳаммаси... Эркакларнинг бағрида эшилиб түлғониб, қайноқ-қайноқ нафас олганларинг-чи? Кўксилариға бошларингни қўйиб асалдай эриганларинг-чи? Ҳамма-ҳаммаси тасвирга туширилган. Шундай турибдики, кўрган одам мазза қилиб томоша қилади. Қайта-қайта яна кўрсатинг дейди.

— Бас қилинг, эшитишни хоҳламайман! — қичқирди Маҳфуз. — Ҳаммасини уюштиргансизлар!

— Энди ўйин давом этади, — қўлинни қизларга бигиз қилди Бекажон.

— Опажон бизни қўйиб юборинг, — дея Умида ёлворишига тушди.

— Сенларни қанча пулга сотиб олганимни биласаларми?

Қизлар қўрқувдан дағ-дағ титраб Бекажонга киприк қоқмай тикилиб қолишли. Фазабдан юзи кўкара бошлаган Бекажон бўлса тишлари фижирлаб, ўлжасига ташланган йиртқичдек ҳамла қилишда давом этди:

— Кеча ҳисоблаб чиқдим, сенлар учун жуда катта пул сарфлабман. Эллик минг доллар-а! Уни қайтариш осонмас. Уйга қайтиб ҳам бунча пулни топиб беролмайсизлар. Аммо шу ерда иложини топса бўлади.

Бекажон қизларнинг ўзи сўраб қолар, деган ўйда атайлаб гапни чўзиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Қизлар эса аллақачон унинг ғаразли ниятини англаған бўлишса ҳам, балки бошқа шарт қўяр деган илинж билан унинг оғзини пойлашарди.

— Беш юзта мижоз қабул қиласизлар, кейин қўйиб юбораман! — Бекажон қизларнинг охирги илинжини йўққа чиқарди. — Дарвоқе, йўл кираларингни ҳам ишлашларинг керак. Агар гапимдан чиқсаларинг мендан яхшилик кутманглар! Майли, сизларга яна бир яхшилик қилай, бугунча дам олинглар, эртадан ишга киришасизлар! — дея Бекажон ортига бурилиб хонани тарқ этди.

Қизлар бу даҳшатдан тиллари калимага келмай қўрқув чангалига тушиб қолишиганди.

Умиданинг қулоғига Ўқтамнинг овози келди. “Сендан нафратланаман, бузуқи. Севгимни оёқости қилдинг. Нафратламан!” Сўнг онасининг “Нималар қилиб қўйдинг? Қўни-қўшнилар олдида ким деган одам бўлдик? Юзимни шувит қилдинг-ку... Эсиз, сени шу умидда катта қилган эдимми?! деган овози, сўнг йиғлаб-сиқтаган кўриниши кўз олдига келди. Умид тузатиб бўлмайдиган хато иш қилиб қўйганлигидан, энди ҳеч ким унга ёрдам бера олмаслигидан ўпкаси тўлиб бўкириб йиғлади.

— Маҳфуз, кеча билан бугуннинг орасида боримизни йўқотибмиз-да. Энди нима қиламиш? — дея кўзларида шашқатор ёши билан унга тикилди.

Маҳфузанинг боши эса ари уясидай ғуввиллар, ўйлайвериб бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳеч бирини охирiga тушуниб етолмасди. Фақат қон сизиб турган лаблари “Нима учун? Нега?” деб пичирларди.

* * *

Эртаси куни тушга яқин хонага Бекажон кириб келди.

— Умидা, хонангга чиқ, кечаги мижозинг келди... Буни оддий иш, деб қабул қил, — деди овози худди кинолардаги қиш маликаси каби ўта совуқ ва таҳдидли оҳангда.

— Сизга тикувчи бўлиб ишлаб берсам бўлмайдими? Қўлимдан тикиш-бичиш ишлари келади, — деди Умидा қалтираб.

— Керак бўлса унисини ҳам, бунисини ҳам қиласан. Ҳозир тепага чиқ.

— Жон опажон, нима десангиз айтганингизни қилай.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Фақат шу ишга мени буюрманг, – деди у илтижо билан.

– Ўҳ-хў! Мен сенларни мажбурлаб бу ерга олиб келмаганман. Ўзларинг ихтиёрларинг билан кириб келдиларинг. Тўғрими? Энди нима десам шуни қиласанлар! Агар гапимга кўниб, икки йил ишлаб берсаларинг, ишончимни оқлаб айтганимни қиласаларинг, ана, Лобар, Дилсора опаларинга ўҳшаб ўзимга ёрдамчи қилиб оламан.

Умида аёлнинг гапларига чидай олмай тутақиб кетди.

– Сизда виждон борми?! Қанақанги аёлсиз?! Ифлос экансиз-ку! Мени бу ерга алдаб олиб келганларга минг лаънатлар бўлсин! – деди қалтираб.

– Нима дединг? Ўв, ҳозир ўша гапирган тилингни суғуриб оламан. Мен билан ўйнашмоқчимисан?

Бекажон дарғазаб бўлиб, унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Маҳфузга ўртага тушди.

– Унга тегманг, опажон, унинг ўрнига мана мен айтганингизни қиласан. Фақат унга тегманг.

– Жуда ҳам яхши. Бор бўлмаса, мижознинг кўнглини ол, – деди Бекажоннинг бир оз ғазаби босилгандай бўлиб.

Маҳфузга бир Бекажонга, бир Умидага қараб хонадан чиқиб кетди.

Шундан сўнг Бекажон Умидага қараб ҳужумга ўтди.

– Сен менга қара! Жа-а, тилим бор, деб ҳар нарсани валдирайверма. Ит азобида ўлдиртириб юбораман! Бу ерда сенинг ўлигингни ҳам ҳеч ким сўрамайди.

Умидага қараб жон ҳолатда бақирди:

– Қўлингдан келганини қил!

– Ўчир овозингни, мегажин! Билиб қўй, агар мен бир ёмонликка олсам борми, ҳолингга маймунлар йифлайди. Ҳозир кўрасан! Ҳой, Акбар! – дея бақирди Бекажон. Хона орқасида тансоқчилик қилиб турган башараси

совуқ, юзида тирноқ изларидан қотган чандиқли араб йигити қўлида устара ўйнатиб кириб келди. Бекажон Умидани кўрсатиб ишора қилди. У Умиданинг ёнига келди.

— Ҳозир Акбарга битта ишорам кифоя. Мана шу қирмиздек юзчаларингни устара билан шундай безаб терингни шилиб қўядики, ҳатто ўзингни ўзинг таниёлмай қоласан!

Бекажонинг овози қўрқинчли эшитилдики, бундан Умиданинг нафаси ичига тушиб, пешонасидан муздек тер чиқди. Қўрқувдан титраб кўзларини ерга қаратди. Энди Бекажонни янаем жазаваси тутиб, Акбарга имо қилди. Акбар Умиданинг сочидан ушлаб ерга йиқитиб, кўксига оёғини босди. Унинг оёқлари остида Умида типирчилай бошлади. Бир қўлида устара, бир қўли билан Умиданинг икки қўлини ушлаганча Акбар унинг дуч келган жойига қараб тепарди. Қаршилик кўрсатаётган Умидани Бекажон келиб оёғидан ушлади.

— Энди қандай аҳволда қолганингни тушунгандирсан? — Бекажоннинг кўзлари ғазабдан ёниб унга шундай ўқрайдики, Умида бундан сесканиб нафаси ичига тушиб кетди. Унинг аҳволини кўрган Бекажон бунданда баттар важоҳатда оғзидан кўпиги сачраб: — Акбар, бошла, ҳунарингни кўрсат, бу мегажиннинг юзини бир бежаб қўй-чи! — деб буюрди.

Лекин Умида унга ялинмади, тавба-тазарру қилмади. Сукути билан фурурини ошкор қилди. Бу ҳолатдан янада ваҳшийлашган Бекажоннинг юзида ғазаб кўпчиidi:

— Оҳирги маротаба сўраяпман сендан, тушундингми? Гапир! — деди аёл қалтираб ва Акбарга бошлайвер дегандай бош силкиди. Шунда Акбар Умиданинг бўғзига устарани олиб борди. Унинг кўк кўзларида хатарли учқун чақнарди ва юз ҳолати зарур бўлса, ҳеч

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

иккиланмай Бекажоннинг барча топширигини бажаришидан дарак бериб турарди. Уларнинг важоҳатидан Умиданинг бутун вужудини ваҳима эгаллаб суюк-сугигача қалтираб кетди.

— Кечи... ринг, ту... шун...дим...

Бу сафар қурқувдан дир-дир титраётган қизнинг овози зўрга чиқди. Бекажон Акбарга ишора қилган эди, у хонадан чиқиб кетди.

Бекажон оҳиста қизнинг ёнига ўтириди. Энди уни ортиқча қўрқитмаслик керак, алдаб, авраб йўлга солиш керак деган қарорга келди. Юзларини яшириб йиглаётган Умиданинг кўлларини силтаб, пастга тушириди.

— Умида, — деди мулойим оҳангда гапиришга уриниб.

— Сен эслик қизга ўхшайсан, ваҳима қилма... Ҳаммаси жойига тушиб кетади... Ҳали бу бўлган воқеаларни эслаб роса кулиб ҳам юрасан...

Бекажон энди уни руҳий жиҳатдан тинчлантириб, фаҳш йўлига ўз ихтиёри билан кўндириш пайига тушди. Чунки ҳар сафар уриб-сўкиб, бўғзига пичоқтираб бу ишни бажартириб бўлмаслигини у жуда яхши биларди. Шунинг учун сув илондек қизнинг қўйнига кириб олишга уринарди. Ҳали ҳам ўзига келмай қалтираётган Умида эса Бекжоннинг ҳар бир сўзига ихтиёrsиз бош силкиб, бошқа йўл қолмаганини англар, қаршисидаги бу ёвуз, манфур кимсанинг бирор гапини рад этиш ўлим билан якун топишини ҳис этарди.

— Жуда ҳам яхши, оппоқ қизим, — деди Бекажон мулойимлик билан унинг узун соchlарини силаган бўлиб, кўз ости билан Умиданинг ранг-рўйига қаради.

— Ана кўрдингми, келишса ҳамма нарса жойида бўлар экан-ку. Фақат айтганларимни қилсанг ҳаммаси яхши бўлади. Ҳозирча ўрнингдан туриб у ёқ-бу ёғингни тўғрилаб олгин. Бир оздан сўнг ўзим сенга нима иш қилишингни айтаман, хўпми?

— Хўп, — дегандай Умида бош силкиди.

Энди Бекажон гавдасига ярашмаган алфозда жойидан илкис қўзғалди ва ўлжасини батамом қўлига киритган калхатдай хурсанд ҳолатда хонадан чиқиб кетди. У кетгач, Умида елкалари силкиниб йиғлар, мунгли овоз билан ҳатто ўзи ҳам эшитмайдиган даражада “ифлослар”, “аблаҳлар” деб шивирларди. Унинг моматалоқ бўлган аъзойи бадани калтакнинг зарбидан зирқираб оғрирди. Кўзлари шишиб, лабининг бурчаги кесилган жойидан қон сизиб чиқиб қотиб қолганди. Фожиа шундай синовки, унда улкан одам қўрқоқقا, нозик одам ботирга айланиши ҳеч гапмас. Чунки бу фожиалар лаҳзалар ичидан бўлади. Ана шу лаҳзалар одам иродасини синовдан ўтказади. Умида ҳам ана шу синовдан тобланниб чиққандай бутун аъзолари зирқираб оғрисада, тишини-тишига босди. Бутун ўй-хаёлларини бир нуқтага йиғиб, қиздирилган пўлат ханжардай чархланди. Хаёли ёвузлик томон қадалди. Ана шу ёвузликни янчиб ташлашга чоғланди. Бу чангалзорда ёвуз бўридек бўлмаса яشاши мумкин эмаслигини англаб етди. Ёвузлик ёвузликни туғдиради деганларидаи Умида шундай хор бўлиб яшаши истамади. Бир оз ён босиб, Бекажондан ўч олиш учун пайт пойлашни афзал кўрди. Ожиз паллада одамнинг иродаси синалгандай, Умида нозиккина бўлса-да, ўзини синдириш мумкин эмаслигини англаб етди. Ўзига ўзи баҳо бергандай бўлди. У матонат билан қийинчиликларга қарши туришга, ўзини, Маҳфузани астойдил ҳимоя қилишга қарор қилди. Шу сабаб, кўзларида қотган ёшини мажбурлаб бўлса-да, чиқариб, уни тирсаги билан артди. Тили фақат бир сўзни такрорлади:

— Ҳаммаси учун ўч оламан. Шундай қасос олайки, ҳар тонг Бекажон ўзига ланъат айтиб уйғонсин. Мен ёнган дўзах оловида у ҳам ёсин!

Шу маҳал ранг-рўйи бир аҳвола Маҳфузга ки-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

риб келди. Йиғлайвериб күзлари шишиб кетган Умиданинг ҳолатига тикилиб юраги увишди. Унинг бағрига отилди ва бир-бирларини құчоқлаганча икки дугона узоқ вақт ҳиқиллаб йиғлашди. Энди улар бир-бирини айбдор қилишнинг фойдаси йүқлигини, ҳар иккиси ҳам қаттиқ алданганини англашган эди.

— Умида, — деди Маҳфузда дугонасининг аянчли ахволига қараб аранг пичирларкан. — Ким сени... ким... Маҳфузда у ёғига бирорта сўз тополмади.

Чунки у бу кўргуликларнинг барчасига ўзини айбдор ҳис этганидан баттар эзилиб, дугонасини нима, деб овутишни ҳам билмасди.

— Ахир, мен сенинг ўрнингга бориб келдим-ку... — дея олди зўрга.

Умидадан туриб стол устидаги елим идишдаги минерал сув билан юзини ювган бўлди. Кейин сувдан ҳўплаб Маҳфузага юзланди.

— Улар сен кетишинг билан мени калтаклашди. Бўйсунишимни хоҳлашди. Агар айтганларини қиласак, улар бизни ўлдиришар экан... Эшитаяпсанми?

Маҳфузда ортиқ чидай олмади. Кескин ўрнidan туриб эшик томон йўналди.

— Нима қилмоқчисан? — Унинг важоҳатидан чўчиб сўради Умидада.

— Бекажон билан ҳозироқ гаплашаман! — Эшик “карс” этиб ёпилиб Маҳфузда ташқарига отилди.

Умидада хаёлга чўмди. Уйида онажониси сабзи тўғрапти.

— Ойи Маҳфузда билан чет элга ишлагани борсам майлими?

— Нима? Чет элга?

— Ҳа.

— Қаёқдан олдинг бу гапни? Қиз болага чет элда нима бор экан? Тавба, кўча ҳатлаб чиқмай туриб чет элга борармиш, ҳазиллашяпсанми?

— Йўқ, ойижон. Маҳфуза билан у ёқда ишлаб келмоқчимиз.

— Ахир, шу ерда ҳам ишлаяпсан-ку. Қолаверса, тўртбеш ойдан кейин институтга кириш учун тайёргарлик кўришинг керак.

— Ойижон, биласиз-ку, болалигимдан чет давлатларни кўришни орзу қиласардим. Фақат ўнтача қиз бўлиб кетиларкан. Йўқ деманг, жон ойижон. Қолаверса, бориб ўзингиз ўша аёллар билан бир гаплашиб кўринг. Сизга ёқмаса майли бормайман.

Умида ойисини бир амалаб кўндириди.

— Ойижон доим кўнглим гапиради дейсиз, ҳозир кўнглингиз нима деяпти?

— Кўнглимми, қизинг бормасин деяпти. — Онасиининг мижжаларидағи кўз ёши қароқларига сингиб кетгандек туйилди.

— Бормасам бўлмайди-да. Мен ҳам бошқалар каби дунё кўрсам дейман...

Энди Умиданинг юзида иссиқ кўз ёши сизди. У телбанамо шивирлай бошлади. — Мен кўрмоқчи бўлган... дунё... шу эдими?.. Нега ойижонимнинг айтганига қулоқ солмадим? Нега кўз ёшларига бепарво қарадим? Нега шу ёқларга келаман, деб оёқ тираб олдим? Нега?

Унинг бўғзига бир нарса тиқилди.

Маҳфуза Бекажонни хонасига кириб келганида, у кулиб телефон орқали ким биландир гаплашарди. Бир оздан сўнг телефонни қўйиб Маҳфузага савол назари билан қаради.

— Ишлар жойидами? Мижоз хафа бўлмай кетдими?

— Билмадим. Мен сиз билан очиқласига гаплашиб олиш учун келдим.

— Гапир, эшитаман.

— Нега Умидани ўласи қилиб калтакладинглар?

Ахир, мен унинг ўрнига ишлашга бордим-ку.

— Ўҳ-ӯ... мен сени бунчалик мард қизлардан, деб хаё-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

лимга ҳам келтирмагандим. Бўйсуниб, гапирмай турганлигингни кўриб, тушунган, ақлли қизлардан бўлсанг керак, деб ўйлагандим.

- Чунки мен... мен...
- Ҳа, гапир сен нима.
- Чунки, мени деб Умида бу ерларга келди. Мен уни қўярга қўймай олиб келган эдим.
- Жуда ҳам яхши. Энди у, бу ҳаётга кўничиши керак.
- Сиздан ўтиниб сўрайман, Умидани паспортини қайтариб беринг. Уни юртимизга жўнатиб юборинг. Унинг ўрнига қанча керак бўлса шунча, қийналсан ҳам мен ишлаб бераман.
- Эсинг жойидами сен қизни? Фоҳишахонадан фақат рухсат берилганда кетилади ёки ўликлар чиқарилади. Бу ерда сен менга шарт қўйишга ҳаққинг йўқ. Ҳар биринг учун минг-минглаб сарфлаганман. Кейин ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради.

Унинг важоҳатидан Маҳфузга тушкун ҳолатга тушди. Буни кўрган Бекажон унга тассалли берган бўлди.

— Ҳўп, яхши.Faқат бир йўл билан ёрдам беришим мумкин.

Маҳфузанинг кўзларида яна умид учқунлари ялтиллади.

- Раҳмат, опажон, ўла-ўлгунча хизматингизни қиласай.
- Олдин сен мени эшиит. Дугонангни бир-икки ҳафтада бўйнидаги ва баданидаги кўкарган излари кетгунича бу ердаги кир-пирларни ювиб турсин. Унгача балки кўнишиб қолар, кўникмаса яна ўйлаб кўрамиз.

Маҳфузга хурсандчилигини ичига сифдиролмай раҳмат дея юрганича Умиданинг олдига қайтди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтди. Уларни тўрт кишилик хонага кўчириб ўтказишиди. У ерда ёши ўттизларга яқин-

лашиб қолган Насиба, Саида деган аёллар билан яшай бошлашди. Ҳар қалай бу шўх-шодон аёллар бир гапириб, ўн кулишиб, меҳрибончилик билан қизларнинг кўнгил яраларини даволагандай эди. Ҳонадошлариға Маҳфуза ҳам, Умида ҳам юракларини зил-замбил тош каби босиб турган воқеаларини, Лобарнинг алдов тузығига илингандарини, бари-барисини айтиб беришиди. Уларнинг гапларини эшитар экан, Саида чуқур уф тортди-да, у ҳам бошидан ўтганларни сўзлай бошлади.

— Сингилжонлар, мен ҳам худди сизлардай алданиб шу ерларга келиб қолганман... Эрим биттасини уриб қамалиб кетгач, оиланинг бутун юки ўзимга тушди. Бир куни қўшнимникига иккита аёл келди. Чет элда ошхонада ишлашга иш бор деди. Ўзбекча манти, чучвара, ош қиласизлар, ойига беш юз кўкидан тўланади, дейишиди. Шайтоннинг гапига учдим, бўлмаса, шаҳримизда ҳам ошхонада бош ошпазнинг ёрдамчиси эдим. Ҳарқалай топишим ёмон эмас эди. Энг муҳими, фарзандларим бағримда эди. Мен кўрнамак бўлсам, уларнинг ёлғонига лақقا тушибман, ишонибман. Бу ерга келганимдан кейин “Менга ошхонада ишлайсиз, чучвара тугасиз, деб айтишганди” десам, Бекажон, “Ҳа энди бизнинг ошхонамиизда чучвараларни айлантириб, ўргилтириб буқаверасиз-да” деб устимдан қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Сайданинг ўтган аламли хотиралари қалбида тирилиб кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди. Бир оз ўзига келгандан сўнг ғамгин ҳикоясини давом эттириди:

— Бир неча кун фоҳиша бўлмайман, деб бўйсунмаганимда, ана у кираверишдаги чеккадаги хонани кўраяпсизми, деди у, ана шу хонада мени овқатсиз оч-наҳор, сувсиз сақлашган. Билсангиз бу хона бетондан қилинган. Полсиз, деразасиз, зах бир жой. Чироғи ҳам йўқ. Коронғи. Каламуш, сичқон деганлари оёғинг остида ўрмалаб юришади. Мабодо сал кўзинг кетса борми, дуч келган жойингдан тишлаб узиб олади.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Саида шундай деб сонида чандық бўлиб қолган тиш изларини кўрсатди. Кейин хўрлиги келиб, чуқур уф тортди.

— У ерда мен бир кеча бўлдим. Иккинчи кунга иродам етмади. Йўқ, иродам етмади эмас, Қўқонда қолган қизимни, ўғлимни, қари ота-онамни кўролмасдан ўлиб кетишимдан қўрқдим. Мана шу воқеаларга ҳам уч йил бўлди. Ўшанда ёшим йигирма тўртда эди. Бекажон бу ерда аёлларни ўттиз ёшгача сақлаб, сўнг жавоб беради. Юртимга қайтишимга оз қолди. Мен у кунларни қанчалик сабрсизлик билан кутаяпман. Эрим шу йил қамоқдан чиқади. Мен унга, ўғлим билан қизимнинг юзига қандай қарайман? Шунча йил у ёқларда фоҳишилик қилдим, деб қандай айтаман? Бу ердаги ҳаётимнинг сирларини қабримгача сақлашга иродам етармикан?..

У шашқатор ёш тўкканча атрофга маъносиз кўзларини қадади.

Қизлар бу ўта маҳзун, даҳшатли ҳикояни тил ютиб зўрга эшитишиди. Сўнг астагина Сайданинг елкасидан қучиб учови ҳам ҳўнграб йиғлаб юборишиди.

* * *

Бу ерда йифилганларнинг тақдирлари бир-бирига ўхшаш эди. Ҳамма алданган ёки аччиқ қисмат ҳукмида эди. Насиба янги келган хонадошлари Умиданинг, Маҳфузанинг аламли кўз ёшларини кузатар экан, бундан беш йил аввалги воқеа кўз олдида гавдаланди.

Инсон яхши кунларни тез ўтказар, қадрига ҳам етмас экан. Ўша куни қизиқ бўлди. Эрталаб эри унга узоқ тикилди ва хўрсиниб:

— Насиба, мени яхши кўрасанми? — деди.

У уялганидан эрига жавоб қайтармай ерга қаради. Эри яна савол берди:

— Насиба, мен ўлсам, бошқага тегмайсан-а?

— Нега унақа дейсиз, қизиқмисиз? — дегани ҳамон, эри уни қучоқлаб олди. Ўпаверди, ўпаверди, юзлари, күзлари ўпичдан тўлиб кетди. Йўқ, ўпичларга эмас, гулларга кўмилди. Баҳорда гуллаган ўрик дарахти гуллари остида қолди гёё. Қандайдир илоҳий туйғулардан хузурланиб, гуллар уларни ифорларига тўлдирди. Эрининг меҳри, муҳаббати шу қадар кучли, шу қадар қайноқ бўлгани учун у мумдай эриб кетган эди. Улар баҳтдан сармаст эдилар. Насибанинг ичида бир ҳайқириқ “умрбод сизникиман, бегим” деган сўз юрагига, лабларига муҳрланди.

Бироқ... Ўша куни кечга яқин Насиба эрининг афтоҳалокатдан ўлганини эшишиб титраб кетди. Таниб бўлмас даражага келган эрини олиб келишганида эса ҳеч нарсага тушунолмай донг қотди. Кимга керак бўлди унинг ўлими? Ўзига ўзи савол бериб жавоб тополмади. Телба бўлишига оз қолди. Жажжигина қизалоги Гулбаҳорнинг чинқириғи уни ўзига келишга мажбур қилди. Нега энди ўлимидан олдин қизиқ гапирди. Билиб гапирдими, билмайми? Айтадилар-ку, инсонга ўлим фариштаси кўриниб огоҳлантиради деб. Шуларни ўйлар экан, аҳд қилди, ҳеч қачон турмушга чиқмайди. Қизини катта қилади. Бир умр унга содик қолади. Шундай ақлли, меҳрибон эри бўлганидан фахранади. У билан ўтказган ҳар бир онларини ёд этиб ўтади. Худонинг иродаси олдидা бош эгиб, энди фарзанди учун яшайди. Қизига отасининг йўқлигини билдирмай яшайди.

— Ая, — деган қизчасининг овозидан ўзига келди. У қизини бағрига босар экан яхшиямки, ширинтойим Гулбаҳорим бор, у бўлмаса нима қилардим, деб ўйларди Насиба. Севгани, кўз очиб кўрган умр йўлдошидан

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ёдгори. Шу дамларда у эрининг қиёфасини кўз олдига келтирас, у билан ўтказган лаҳзаларни эслаб кўзида ёш ҳалқаланарди. Эрининг вафотидан бир йил ўтгандан сўнг қизини олиб укасининг уйига қайтди. Ўзини бўлиб ўтган воқеалардан чалғитиш учун эркаклар чопонини тикиб, бозорда сотиш билан шуғуллана бошлади. Бир тасодиф туфайли Санобар исмли аёл билан танишиб қолди-ю, уларнинг алоқаси ниҳоятда қуюқлашиб кетди.

— Насиба бизникига кела оласизми? — сўради Санобар бир кун унга қўнгироқ қилиб.

— Нега тинчликми?

— Ҳа, зарур иш ва сизга яхши таклиф бор эди, — деди Санобар.

Насиба унинг уйига келанида Санобар тилла тақинчоқларга бурканиб ўзига оро берган аёл билан хандон отиб кулишиб ўтиради. Уни кўриб иккиси ҳам жиддий тортишди.

— Келинг, Насиба, — деб уни қарши олди Санобар. Бу аёл мени қадрдон опахоним Мавжудаҳон бўладилар, Куни кеча чет элдан келдилар, дея уларни таништириди. Ўтиришгач, у мақсадга ўтди.

— Насиба, бир маслаҳатли иш бор. Тўғриси, Мавжуда опамга нима деб жавоб беришни билолмай бошим қотиб қолди.

— Нима гап?

— Тўғриси, сиз тиккан чопонларни Мавжуда опам чет элга олиб бориб сотган экан, уларга жуда ҳам ёқиб қолиб яна буюртма беришибди.

— Жуда ҳам хурсандман.

— Йўқ сиз гапни охиригача эшитинг. Чопонлар уларга ёқибди-ю, лек... ин... лек... ин...

— Нима лекин?

Санобарнинг дудуқланиб, гапини тўғри тушунти-ролмаганидан хуноб бўлган Мавжудаҳон гапга аралашди:

— Гап шундаки, икки-уч хил тикилган чопонларни чет элга олиб кетган эдим. Қандай сотилар экан деб. Ахир, бу ҳам бир бизнес-да. Мижозларга фақат сиз тиккан чопонлар маъқул бўлди. Энди оёқ тираб олишган. Қанча доллар бўлса берамиш шу ўзбекларни чопонидан керак деб.

— Қанчадан беришмоқчи? — гапга аралашди Санобар.

— Ҳар бир чапонга икки юз кўкидан.
— Ўҳ-ӯ, — деди Санобар бу анча-мунча дегани деди ютиниб, сўнг Насибага юзланди.

— Ўзинг нима дейсан, Насиба?
— Жуда ҳам яхши. Нечта чопон тикиб берай?
— Сизнинг тикишингиз керак эмас.
— Нега?
— Ўзингизни у ёқقا олиб кетсам дегандим. Таниш опахоним у ерда яшайди. Унинг тикув машинаси ҳам бор. Сиз унинг уйида бир-икки ой яшайсиз. У ёқда яшайдиган ўзбеклар кўп. Мен буюртма олиб келиб беравераман, сиз уларга тикиб бераверасиз.

— Шу ернинг ўзида ҳам тикиб берсам бўлмайдими?
— Тикиб берсангиз бўлади-ю, лекин аэропортдан уларни олиб кета олмайман. Кўп ҳужжатлар талаб этилади. Қолаверса, мен иккита ёки учтага эмас, ҳозирнинг ўзида ўттизта чопонга буюртма олганман.

— Вой-бўй, — деди Санобар ҳайратда. — Агар донаси икки юз кўкидан бўлса ўттизтаси, э-ҳе, тўққиз минг кўки бўлади дегани-ку. Насиба, омадингиз келди ўртоқжон рози бўлаверинг.

— Жиннимисизлар, қандай қилиб рози бўламан? Ахир, беш ёшли Гулбаҳор қизимни ташлаб қаёқса ҳам кетардим.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Қизингизга укангиз, келинингиз қараб туришса ҳам бўлади-ку. Бир-икки ой ишлайсизу, қайтасиз. Ҳар қалай ўзингизга уй-пуй сотиб олармидингиз. Ахир, то-кайгача укангизнинг қарамоғида яшайсиз.

— Шу ерда ҳам тирикчилигим ёмон эмас. Кунимиз ўтиб турибди.

Мавжудаҳон гапга аралаши:

— Насибаҳон, биз ҳеч кимни мажбурламаймиз. Агар хоҳласангиз олиб кетаман. Хоҳламасангиз бошқа ти-кувчилар ҳам бор. Уларнинг ўzlари бизни олиб кетинг ишлаб келайлик деб илтимос қилишаялти. Ана улар-дан бирини олиб кетаман. Ҳар қалай бир-икки ой бир-пасда ўтиб кетади. Қолаверса, олинган ўттизта чопон бюртмасини қанча тез тикиб берсангиз, ўн кундами ёки ўнбеш кун ичидами, кейин қайтиб келаверасиз.

Ўнбеш кун ичидаги қайтасиз деганини эшитиб Насиба бир оз ўйга толди. Буни сезган Санобар эса уни яна қистовга олди:

— Насиба, рози бўлаверинг. Бунақаги омад, имко-ният ҳар доим ҳам келавермайди. Агар мен тикишни билганимда эди, ўзим кетардим. Афсус, ҳеч қандай ҳунарим йўқ-да қўлимда. Мавжуда опа бошқаларга эмас, сизга таклиф берганлигидан хурсанд бўлинг.

— Раҳмат сизларга. Лек... ин... Гулбаҳорим ҳали ёш... Уни ташлаб кетишга қўзим қиймайди.

— Насибаҳон, ўйлаб кўринг икки кун вақtingиз бор. Қолаверса, хабарим бор. Анча қийналган экансиз, ҳаммасини Санобардан эшитдим. Шунинг учун бориб келиш харажатларининг ҳаммасини ўзим тўлайман, кейин у ёқадаги олинган буюртмалар билан ҳисоб-ки-тоб қиласиз, — деб Мавжудаҳон улар билан хайрлашди.

Насиба уйига қайтгач, Мавжудаҳон берган таклиф ҳақида ўйлади ва бу ҳақида укасига оғиз соглан эди, укаси “опажон, яхши таклиф. Жиянимдан хавотир

олманг келинингиз билан ўзимиз қараб турамиз. Ҳар қалай бир ойга экану”, деди. Шундан сўнг Насиба иккилана-иккилана Мавжудаҳоннинг таклифига рози бўлди.

Уларни Бекажон қарши олди. “Меҳмонлар, келинглар”, дея безатилган стол атрофига бошлади. Базми жамшид авжига чиққанида Насиба ўзини ёмон ҳис қилаётганини сезди. Негадир унинг боши айланар, қўл-оёқлари ўзига бўйсунмасди. Унинг аҳволини сезган Бекажон меҳрибончилик кўрсатиб тайёрлаб қўйилган хонага бошлади. “Узоқ йўл юриб чарчагансиз, дам олинг”, дея уни холи қолдирди. Бирор соатлар ўтгандан сўнг Насиба ёнокларидан ўпайтган ёши олтмишдан ошган эркакни кўриб ҳуши ўзига келиб, қўрқиб кетиб бақирди.

— Вой кимсиз, нима қиласапсиз? — Нима воқеа бўлганлигини тушунмай типирчилади.

Насибанинг қаршилигини кўрган чол уни бағрига қаттиқроқ босишга ҳаракат қилди. Вужудини эгаллаб олган нафсоний хуруж билан Насибани ўзига тортди.

— Кел, бугун бир яйрайлик. — Энди чолнинг баданидан бадбўй тер ҳиди анқиб, Насибанинг бурнига урилди. Бу ҳид бутун хонани эгаллаганди. У нафас ололмасдан хириллаганида, бўрдоқ лабларининг ёнидан сўлаклари сизғиб оқарди.

Бор вужуди нафратга тўлган Насиба — жон ҳолатда бақирди:

— Йўқ! Менга яқинлашманг! Ўлдираман!

Энди чолнинг жаҳли чиқди.

— Ў... ўчир овозингни... Суюқ оёқ... Мен сен учун жарақ-жарақ пулларни тўлаб қўйганман. Энди нима ҳоҳласам шуни қиласман.

Насиба бўлса бор кучини тўплаб чолни ўзидан итариб юборган эди, у юз тубан бўлиб, ерга гурсиллаб йиқилди. Шу заҳоти у эшик томон отилди. Эшик ортида икки барзанги турарди. Воқеа бундай тус олган-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

лигини кўриб, улар Насибани йўлак охиридаги хонага судраб олиб боришиди.

— Ҳозир бориб, ундан кечирим сўраб кўнглини овлайсан, — деди барзанги.

— Нима?

— Ҳа, Бекажон қилган қилғиликларингни билиб қолмасидан бориб ишингни бажар!

— Қанақа иш?

— Чолнинг айтганини қиласан.

— Сизлар мени ким деб ўйлаяпсизлар? Мен бу ерга тиқувчилик қилгани келганман.

— Бу ер фоҳишахона, ҳамма бир ишни бажаради, яъни эркаклар кўнглини овлайди. Кўпам ойимчалардек, таннозланмай ўзингнинг нархингни бил. Сен учун пул тўлашдими яхиси бориб хунарингни кўрсат.

— Мени Мавжуда опа чопон тикасан деб олиб келган. Қани, чақиринг! Ўзи қаёқда?

— Бекажон сен учун Мавжуда опангга йигирма минг кўкидан жарақ-жарақ қилиб санаб берди. Энди сен шу ерда ишлайсан.

— Бўлмаган гап, мени қўйиб юборинглар. Мен барибир бунга рози бўлмайман, — деди Насиба бўғиқ овозда. У гапини тугатар-тугатмас этаги остидан кучли зарба еди. Ҳавога бир сапчиб, қаттиқ чайқалди. Кўзлари тинди. Кейин қулоғига барзанинг ўдағайлаган товуши олисдан эшитилаётгандек чалинди:

— Биз билан ўйнашма, барибир рози бўласан!

Калтаклар зарбидан афт-ангори ёрилиб, вужуди ҳолсизланиб, бир аҳволга тушиб қолган Насиба:

— Ҷўрингиз бўлай, фақат фоҳишлиқ қилмайман! Мени ортиқ қийнаманглар, — дея илтимос қилиб, кўзларига ёш олди.

Бироқ барзанги унинг на бу илтимосига қулоқ осди, на кўз ёшларига эътибор берди. У бир оёғини ишга солиб Насибанинг дуч келган жойига қараб тепса, ёни-

даги шериги бошига мушт тушириб турарди. “Ўзингни кўлга олишинг керак. Руҳни ўзингга бўйсиндира олмасанг, ўзига қийин бўлади”, дея Насибанинг ичидан бир овоз келди. Шу топда унинг борлигини аллақандай бир куч эгаллади.

— Мен фоҳиша эмасман! — деди шишиб кетган кўзларини базўр очиб эркакка тикиларкан. Бундан ғазабланган барзангининг кўзлари қонга тўлиб, энди у инсон ақли бовар қилмайдиган, эшитган одамнинг этини сескантирадиган қийноқ усулини қўллади. Барзанги секин нари кетиб, курсида турган сумкани очдида, йўғон бир игна чиқариб, яна Насибанинг тепасига келди.

— Мановини кўраяпсанми? Нима бу? Сенга танишми?

— ...

— Игнани кўраяпсанми? — ўшқирди у.

— Кўраяпман, — деди Насиба лаблари титраб.

— Ҳозир тирноқларинг орасига бир-бир тиқиб ола бошлайман шуни.

— Нима? Йўқ!

— Биламан, жонинг ёмон оғрийди. Лекин начора! Сен бизга бўйсунмагунингча игналар зарби давом этаверади.

— Мен фоҳишалик қилмайман, — деди Насиба игнадан кўз узмай.

— Қиласан. Бўлмаса мажбурлаймиз. Қани, бошладик!

— А-а-а!

Бақирмасликнинг иложи йўқ. Игна ҳар тирноқ орасига кира бошлаганида, Насибанинг худди жони оғзидан отилиб чиқиб кетаётгандек сакраб-сакраб кетарди. Ҳар бир тирноғидан қон тизилиб чиқа бошлади. У охири оғриқни ҳис қилмай қўйди. Яна бир игна тирноғига йўналтирилганда, ҳушидан кетаётганини

Гулчехра РАЗЗОКОВА

ҳис этди. Орадан кўз очиб юмгунчалик вақт ўтмасдан боши шилқ этиб елкасига тушди. Бир оздан сўнг уни совуқ сув билан ўзига келтиришди. Насибанинг аъзойи бадани калтаклар зарбидан моматалоқ бўлиб кетган, юз-кўзларидан, тирноқларидан ҳамон қон оқарди. У яна “йўқ дейиш” мақсадида бош чайқаши билан белига оғир зарба келиб тушди. Кўз олди қоронfilaшиб ҳушидан кетди. Шу алфозда қанча ётганлигини билмайди. Ўзига келганида Бекажоннинг овози қулоғига элас-элас чалинди:

— Ахир, шунча ҳам урасанларми. Энди уни мижозга ёқадиган кўринишда бўлиши учун камида бир ҳафта керак бўлади. Урадиган маҳалда мени кетказган пулларимни ўйламадингларми?

— Бекажон, буни осонгина жиловлаш қийинга ўхшайди. Шунинг учун иш берадиган усулдан фойдаландик, холос.

— Ўзларингни оқлашга уринманлар. Манаман деганларини, онаси ҳали ўпмаган ғунажинларни ҳам бир ҳафтада мулла минган эшакдек жиловлаганман. Бунинг ҳамма ёғини моматалоқ қилишдан кўра бошқа усулда йўлга солиш ҳам мумкин эди. Хўп, бўлар иш бўпти. Энди олиб боринглар, то ўзига келгунича биринчи қавватдаги олтинчи хонада бўлсин. Барзанги билан шериги Насибани судраб хонага олиб боришиб эшикни ортидан қулфлаб қўйиши. Насиба бўлиб ўтган воқеаларни идрок қиласар экан, катта хатога йўл-қўйганлигини тушуниб етди. Пушаймонлигидан аччиқ кўз ёши юзини ювди. Энди у бутунлай ўзгарган эди. Йиғламас, кўзини бир нуқтага тикиб чуқур хаёлга чўмар, энг ёмони, эртанги кунга бўлган ишончи шамолда қолган чўғ каби сўниб борарди. Ёшгина умри хазон янглиғ оёқ остида топталиши ва кун келиб, чириб битишини хоҳламасди. Ниҳоят, ўзини ўлдиришга ва шу орқали жирканч

ҳаётдан қутулишга азму қарор қилди. Аммо ўз жонига қасд қылмоқчи бўлган кезида кўз ўнгида жажжи қизи Гулбаҳор “Ойижон, сизни кўргим келаяти, жуда ҳам соғиндим” дея зорланган ҳолатдаги қўриниши гавдаланаради. Ундан оналик меҳри устун чиқди. Туйғулариға қарши чиқолмади. Оналик меҳри, фарзандини кўриш орзуси эртанги кунга ишонч уйғотди. Бу исқиртхонада ўтказган йиллар эса унда метин иродани ва сабр-тоқатни туғдирди. Деярли ҳар куни тўкилган кўз ёшлари агарда бир жойга тўпланса дарё бўларди. Бечора дардини ичига ютишдан бошқа чора тополмади, хўрлик-хорлик чекиб кун санади. Ойнинг ўн беши қоронфи, ўн беши ёруғлиги унинг онгига, жисми жонига сингиб кетганди. Худо бизга ҳам ёрқин қувончу шодликка тўлган дамларни қачондир раво кўтар, деган илинжда юрарди. Аммо, назарида, қоронфи кунлар чўзилиб кетаётгандай эди. Зулмат ичра “ялт” этган учқунга кўзи тушмасди.

* * *

Шу алфозда ўтаётган кунларнинг бирида хонага Бекажон кириб келди.

- Маҳфузा, Умида қани? деб сўради.
- Кир ювгани кетди.
- Чақириб кел уни.

Қизлар хонага киргач, Бекажон уларга қўл телефонини берди.

– Уйингларга телефон қилинглар, келганингизга ўн беш кундан ошди. У ёқдагилар ортиқча хаёлларга бориб юришмасин тағди.

- Хўп, – дея Маҳфузা телефонни қўлига олди.
- Айтиб қўяй, ортиқча бирон-бир гап гапиргудек бўлсаларинг мендан кўрасанлар! Тушунарлимиси?! – деди Бекажон буйруқона.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Дугоналар “хўп” дегандек бош чайқашди.

Бекажон “ўзимнинг асал қизларим” деганича эшик ортига ўтиб иккинчи телефон гўшаги орқали уларнинг гаплашишига қулоқ тутди. Маҳфуза қўлидаги телефонга қараб қўли қалтирагандай бўлди. Бирпас ўйланнида, сўнг уни Умидага узатди.

— Ма, сен биринчи гаплашиб олгин. Ойинг роса хавотир олаётган бўлса керак.

Хурсандлигидан ичига сифмай Умидага телефонни қўлига олди-да, шошиб рақамларни терди. Гўшақдан гудок эшитила бошлади.

— Ойижон, — деди Умидага кўзига шашқатор ёш қалқиб.

— Умидага, сенмисан?

— Ҳа, менман, ойижон.

— Вой қизим-ей, роса ўйлайвериб эсим кетаёзди-ку. Ўзи яхши етиб олдингларми. Соғлиқларинг, ишларинг яхшими? Нега телефон қилмайсан? Бир ёмон тушлар кўриб хавотирдан ўлиб бўлдим-ку?

— Раҳмат, ҳаммаси жойида. Хавотир олманг, ўйнаб-кулиб юрибман. Бу ерда Бекажон исмли опа топиб олдим. У ҳам сиздай бирам меҳрибонки, уларнинг айтганларини қилиб ишларим яхши бўлиб қолди, — деди эшик ортида Бекажон турганлигини ҳис қилиб. Бекажон ўзи ҳақидаги илиқ гапларни эшитиб, кўнгли хотиржам тортди.

— Йиғляйпсанми?

— Йўқ, шамоллабман шекилли.

— Қалин кийиниб юр-да! У ёқлар совуқми?

— Йўқ, унчалик эмас. Ўзимизнинг об-ҳавога ўхшаш.

— Ўзи нима иш қиляпсан?

— Фаб... ри... кадамиз, ҳозирча иш ўрганаяпмиз.

— Маҳфузага ҳам яхши юрибдими? Биргамисизлар?

— Ҳа, ойижон. Биргамиз, ҳаммаси яхши... хавотир олманг.

Бекажон қўлини “бўлди, тугат” дегандек ишора қилди.

— Ойижон, мен сиз билан кўп гаплаша олмайман. Ҳозир ишга чақиришаяпти. Бирон ойлардан кейин уйга пул жўнатарман.

— Вой қизим-ей, пулинг ҳам керакмас. Ўзинг кераксан. Соғиндим, болам. Ўзи қачон келасан?

Умида Бекажонга қаради.

— Алло, эшитяпсанми? Қачон келасан?

— Ойижон, мен сизга яна қўнфироқ қиласман. Иш станогим бошқарувсиз қолди. Хайр.

Телефон алоқаси узилди. Бироқ алоқа узилган бўлса-да, Умиданинг она овозидан руҳи кўтарилиди. Яна жисмига куч-қувват инди. Узоқда бўлса-да, ёлғиз эмаслигини ҳис қилди.

Маҳфузада ҳам уйига телефон қилиб, келинойиси билан қисқа гаплашди. Акасидан хабар бор-йўқлигига қизиқди.

— Ҳозирча хабар йўқ, — деди келинойиси.

“Наҳотки, бирон кор-ҳол бўлган бўлса”, дея Маҳфузанинг кўнглига гумон оралади. Қилган гуноҳига яраша жазосини олаётганлигини ҳис қилгандай юраги безовта бўлиб, хавотирланди. Сўнг жиянларининг ҳол-аҳволини сўраган бўлди.

— Ҳа, айтганча, Маҳфузада сизнинг ишхонангиздан бир киши сўраб келувди. “Ишга келмаяпти, қаёққа кетган”, деб.

— Нима дедингиз?

— Билмадим, қаёққа кетганлигидан хабарим йўқ, — дедим.

— Яхши қилибсиз.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

- У қандайдир ҳужжат олиб келган экан.
- Қанақа ҳужжат?
- Анаву, сиз айтган Шарифа кампир бор эди-ку, ўшанга берилган дори-дармон ҳужжатларига сиз имзо қўйишингиз керак экан.

Шарифа холани эшитиб Маҳфузанинг ичидан зил кетгандай бўлиб, бирпас ўзини йўқотди.

- Им... зо...
- Ҳа, у кампир ўзи имзо қўйибди, сизники ҳам керак экан.
- Нима? Шар... ифа хола...
- Тушунмадим, нима деяпсиз?
- Шарифа холанинг... ўзи... имзо.. қўйибдими, деб сўраяпман.
- Ҳа. Ишхонангиздан келганлар ҳозир холанинг олдидан келаяпмиз, ҳужжатларни расмийлаштириб қўйишмиз керак дейиши.

Шарифа холанинг тириклигини эшитган Маҳфузанинг юраги севинчдан потирлаб ура бошлади. “Хайрият тирик экан-ку, тирик” деган ўй хаёлидан гужғон бўлиб айланарди. Шу лаҳзада унинг қулоғи ҳеч нарсани эшитмас, бутун борлигини мамнунлик чулғаб олганди.

- Кейин улар, Маҳфуз “яна тўрт-беш кун ичida сабабсиз ишга бормаса, бошлиғимиз ишдан бўшатишлигини айтди, шуни айтиб қўйинг”, дейиши.
- Хўп, хўп, келинойи яна гаплашармиз. Иш бошқарувчимиз мени чақираяпти, — деб Маҳфуз тезгина келинойиси билан хайрлашди.

— Ана қизлар айтмадимми, ҳаммаси жойида бўлади, деб. Фақат гапимга қулоқ солсаларингиз бўлгани. Секин-аста кўникасизлар, — деди мулойимлик билан Бекажон. — Энди Умида сен кирингга бор. Эрта-индиндан асосий ишга ўтасан. Маҳфуз, сенга мижоз келган, тез бўл, унинг ёнига чиқиб, кўнглини ол.

* * *

Кирхонада Умида Раксана исмли жувон билан танишди. У Умиданинг күнглини күтаришга ҳаракат қилиб, ҳар хил мавзулардан гапиради. Бироқ Умиданинг ваҳимасига сабаб бўлган ўша тунги воқеалар унинг хаёлидан ҳеч кетмасди. Унинг осмон қадар орзулари таҳқирланиб оғир юк бўлиб шу исқиртхонадан қўним топгандай эди. Бир куни Раксананинг сидқидилдан айттан сўзлари унинг руҳиятини бир мунча енгиллатди.

— Умида, сен ҳали ёшсан, ҳали кўп нарсаларга фўрсан. Қайфуга ботиб ҳаётингни йўқ қилиб қўймагин тағин. Агар мен сенга ўзимнинг бошимга тушган машиқатларни айтиб берсамми, эҳ-ҳе, тасаввурингга ҳам сифдиролмайсан. Менинг кўзим кулиб тургани билан ичим... — У чуқур ўйга ботган кўйи сўзлай бошлади: — Ҳаммага ўхшаб ота-онам бўлишини хоҳ-лардим. Бироқ ёшлигимдан онадан эрта етим қолдим. Қиз болага онасиз жуда қийин экан. Отам муттасил спиртли ичимлик ичарди. У кечалари қаерлардадир санғиб юрар, хушига келса уйга қайтарди. Бир куни кечки пайт у қадди-комати келишган, хушрўй бир аёл билан кириб келди.

— Бу сенинг онанг бўлади, тушундингми?! — деди қўлларини менга бигиз қилиб.

Ўша куни аёл уйимизда тунаб қолди. Мен тонггача онамни эслаб, унинг расмини бағримга босиб йиглаб чиқдим. Тонг отгач, нонушта тайёрлаётганимда ёнимга бехосдан аёл келиб:

— Бугундан бошлаб сенга оналик қиласман, — деди иршайиб.

— Ҳеч қачон сизни она демайман, — дедим жаҳлим чиқиб.

Аёлнинг ёқимтой юзи кўкариб, совуқ башарага айланди. Бу гапимни эшитган отам хонага кириб юзимга

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

шапалоқ туширди. Энг ёмони, отам унга уйланғандан кейин бошланди. Отам менга янги кийим олиб бермас, топған-тутғанини ўгай онамга сарфларди. У эса отам билан ўртамизда тез-тез низоларни келтириб чиқарадиган бўлди. Натижада уйда кун ора келишмовчиликлар рўй бера бошлади. Бир куни отам ичиб келиб “Мен уйни сотдим. Қарзларим кўпайиб кетди, сен нонхўрни боқишига ҳам пул йўқ”, деб мени уйдан ҳайдади. Мен чекка қишлоқда яшовчи бувимнинг уйига кетдим. Мактабни ҳам ўша ёқда тугатдим. Бу орада отам ичкиликнинг ортидан оғир дардга чалиниб ўлиб кетди. Кекса бувимнинг тоби қочиб касалхонага тушди. Дориларга эса пул керак эди. «Ишлайман, пул топаман», дедим ўзимга ўзим. Лекин қандай? Бирон хунарим бўлмаса. «Шаҳарда фаррошлиқ қилиб бўлса ҳам ишлайман» деб шаҳарга элтадиган йўлга чиқдим. Йўл бўйида не қиласримни билмай, анчагача туриб қолдим. Машиналар ёнимдан физ-физ ўтарди. Бир пайт “Жигули” автомашинаси олдимга келиб тўхтади. “Яхши қиз, шаҳарга кетаяпсизми?” дея сўради ойнадан бошини чиқариб бир келишган йигит. Ичимга ёруғлик кирди. Эшикни очиб ҳайдовчининг ёнига ўтирдим. У жуда ўқтам ва хушкалом эди. Ширин мулозаматлар таъсирдан эсим оғиб қолай деди.

— Йўл бўлсин, қаерга кетаяпсиз? — деди у жилмайиб.

— Мен унга ҳаётим ҳақида ҳикоя қилиб бердим ва сўнггида «Бувим касалхонада, дори-дармонига пул керак, шунга ишлагани шаҳарга кетаяпман», дедим. У бўлса «роса қийналган қиз экансиз, ёрдам бериш керак сизга» деб кўнглимни кўтарди.

.Шаҳарга етиб боргач, у мени кўп қаватли уйлардан бирининг олдига олиб борди.

— Қорнинг ҳам очгандир? — деди у сенсирашга ўтиб.

Бу менга жуда ёқди. Ҳар гал сенсираб гапирганда

қаршимда бегона эмас, яқин одамим турғандек бўларди. Биз шу яқин орадаги ресторонда овқатландик. Сўнг “яқиндагина шу ердан уй сотиб олганман”, деб кўп қаватли уйнинг охирги қаватидаги хонадонга олиб кирди. У буни баҳона қилиб, менга яқин келганда вужудим сесканди. Билагимдан ушлаб, ўзига тортганида, мен тамоман караҳт ҳолга тушиб қолгандим. Ўша тун ўз хоҳишим билан бокиралигимдан айрилдим. Тонг отгач:

- Шу уй сеники, — деди қувончи ичига сифмай ошиғим. Кейин пул узатди.
- Бувингга керакли дориларини олиб бориб бергин ва икки кундан кейин яна учрашамиз, — деб мен билан хайрлашди.

У билан тўрт-беш маротаба учрашдик. Мен баҳтли эдим. Ҳар кун уни кўргим, у билан бирга бўлгим келаверарди. У эса менга адоги йўқ ваъдалар берарди. Бу орада бувим касалхонадан чиқди. Аммо дардманд бўлиб қолганди. Бир куни:

- Раксана, бу ёқقا кел, — деб ёнига чақирди.
- Ҳа, бувижон, — дея ёстиққа суюниб ўтирган бувимнинг олдига чўқдим.
- Болам, шаҳарда нима иш билан шуғулланаяпсан?
- дея тўсатдан сўради.
- Ҳали... ги... бир тикув цехида... ишлайпман...
- Ахир, тикувчилик қўлингдан келмайди-ку? Қаердан пул олиб келдинг?

— Бувижон, сиз касалхонада пайтингиз тикувчилик курсига бориб ўрганиб олдим.

Бувим сочимни силаркан, сўзида давом этди:

- Болагинам, сен жуда кўзга яқинсан, ёмонлардан эҳтиёт бўл.
- Хўп, бувижон, эҳтиёт бўламан, — деганимча ошиғим томон шаҳарга шошилдим.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Ўшанда иш масаласида бувимга ёлғон гапирганим учун ҳамон ўзимни кечиролмайман.

Раксана бўғзидан сўзлар эмас, аччиқ зардоб келаётгандек ҳолда сўзида давом этди:

— Ўша куни уни роса кутдим. Эртаси ҳам, кейинги кун ҳам дарак бўлмади. Ҳавотир ола бошладим. Лекин у ҳақда ҳеч қандай маълумотга эгамасдим. Қаерда ишлайди, ота-онаси борми, ҳатто машинасининг давлат рақамига ҳам эътибор бермаган эканман. Афсус, у абллаҳлик қилди. Бир куни хона эшигининг қўнғирофи жиринглади. У келган, деб севиниб эшикни очсан оstonада бир хотин турибди.

— Қани у? Менга ижара ҳақини бир ойдан буён тўламайди. “Эрта-индин”, деганича алдагани алдаган, — деди жаҳл отига миниб.

— Тушун... ма... дим...

— Нега тушунмайсан? Овсармисан? Ижара ҳақини бер деяпман, — деди.

— Қана... қа... ҳақ?..

— Ўзи ҳар доим шунақа қилади. Ойимчалари билан кайф-сафо қилади-ю, тўловига келганда қочади. Бу дунёда хушторингдай номардни кўрмаганман. Қани тўловини тўла-чи, бўлмаса, ҳозир милиса чақираман.

— Опажон, улар бу уйни ўзиники деган эдилар, — дедим тилим калимага келмай.

— Шунақа дейди у абллаҳ, сенлар унинг чангалига осонгина тушасанлар. Олдин ҳам шундай қилиб ёшгина қизни чув туширганди. Унинг ўрнига тўловларни қиз бечора тўлаганди. Кейин ўзи пайдо бўлиб кечирим сўраганди. Бу гал ҳам олдингисидай ролни боплаб ўйнаган кўринади. Ҳўп, майли у ёғи мени қизиқтирмайди. Пулинин тўлагин.

— Ёнимда пулим йўқ...

— Бўлмаса, милисани чақираман, — дея аёл қўл телефонидан рақамларни тера бошлади.

— Опажон, унақа қилманг, мени шарманда қилманг, бир етимча қиз бўлсам, — дея аёлга ёлворишига тушдим. Бир амаллаб қарз олиб бўлса-да, тўлайман, дедим қалтираб. Тўлайман деганимни эшитиб у бир оз ҳовуридан тушгандай бўлиб:

— Майли, етим экансан. Розиман, лекин бир шартим бор. Қарзингни ишлаб узасан, — деди.

— Хўп, нима иш бўлса ҳам қиламан, фақат милиса чақирманг, — дедим жон ҳолатда.

— Ҳозир мен билан бирга юр, — деб аёл мени олдига солди.

У бошлаб келган кафеда идиш-товоқларни юувучи бўлиб ишга жойлашдим. Икки ой ишлаб унинг ижара ҳақини тўладим. Шунда у, “пул керак бўлиб қолса сўрайвергин, қарзга бераман”, деди ва тўсатдан юзимга тикилиб:

— Ҳомиладормисан? — деб сўради.

— Нималар деяпсиз?! — дедим жаҳлим чиқиб.

— Йўқ, сен қарагин юзларингта доғ тушибди.

— Кун бўйи қора қозонларни ювиб ҳам юзим қорай масинми?

— Билмасам, сенда ўзгариш бор. Агарда ҳомилани олдирмоқчи бўлсанг, пул бериб тураман. Кейин ишлаб узарсан, — дея Алфия бепарволарча лапанглаб чиқиб кетди.

Ўша куни идиш-товоқларни юважиману, хаёлимда унинг “ҳомиладормисан” деган гапи чарх ураверди. Бир-иккита ликопча ҳам қўлимдан тушиб чил-чил синди. Уйга келиб кўзгуга қарадим. Шунда унинг галига иқрор бўлдим. Аввалги нозиккина, мафтункор Раксанадан асар ҳам қолмаган, қоматим бесўнақай, юзларимни доғ босганди.

— Нималар қилиб қўйдим? — деб тошойнага тер-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

милиб ўзимни ўзим койидим. Эртасига эрталаб ғазаб отига миниб, апил-тапил кийиндим-да, шифохонага югурдим.

— Ҳомила саккиз ҳафталик, — деди шифокор кўрикдан ўтказиб.

— Бу болани дунёга келтирмайман. Менга бола керакмас, — дедим.

— Қизим, ақлингизни йиғиб олинг. Бола керакмас, деб худо берган неъматдан юз ўгирманг. Зинҳор бу ишни қилманг, биринчи ҳомилангиз экан, олдирсангиз бошқа фарзанд кўролмаслигингиз ёки кейинчалик ногирон бўлиб қолишингиз мумкин. Қолаверса, фарзанднинг уволи ёмон, — дея мени инсофга чақирган шифокорнинг гапини эшитишни истамадим.

— Илтимос, олиб ташланг. Бу болани отаси йўқ. Унинг кимлигини ҳам билмайман. Фарзандим отасиз етим туғилишини истамайман. Қанча десангиз тўлайман. Фақат мени шу боладан қутқарсангиз бўлди, — дея оёқтираб олганимдан кейин улар ҳомилани олиб ташлашди. Касалхонадан чиқарканман, гўё елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Йўл-йўлакай гўзаллик салонига кириб, соchlаримни кестириб, пардоз-андоз қилдирдим.

Раксана йиғлар экан, бўғзидан чиқаётган сўзлар ҳасрат ва изтиробга йўғрилиб аянчли тус оларди.

— Ҳомилани олдириш учун Алфиядан яна қарзга пул олган эдим. Энди у қарзини ҳар куни сўрайдиган бўлди. Бир куни олдимга келиб деди:

— Чет элда танишларим бор. Шундай ишласанг, у ерда ойига минг доллар пул топасан. Бир йил ишласанг, унда қасрда роҳат қилиб яшаса ҳам бўладиган пул топардинг. Ўзингга чиройли кийимлар сотиб олардинг. Бувингни ҳам яхши дўхтирлар топиб даволатардинг.

Алфиянинг бу гаплари менга “жаннатнинг эшигини очиб берадиган калит”дек туюлди ва бехосдан:

- У ёқда нима иш қиласман?! — деб сўрадим.
- Тикув фабрикаси бор. Корхона раҳбари менинг энг яқин дугонам. Бир йил ишласанг бўлди, топганингга ялло қилиб юраверасан.
- У ерга етиб олиш учун катта пул керак, менда эса сариқ чақа ҳам йўқ.
- Агар ишлагани бораман десанг ёрдам бераман. Фақат шартим – кетишингга виза очтиришдаги ва йўлга тўланадиган сарф-харажатларни у ёқда ишлаган бир ойлик маошинг билан қайтаришинг керак. Ўйлаб кўр, агар бораман десанг, бу ҳақда дугонамга хабар бераман,
- деди.

Ўшанда ёшим ўн тўққизда бўлиб, содда, жуда ишонувчан вақтларим эди. Бувимни даволатишга пул топаман деб ёвуз ниятли, разил кимсаларнинг алдов тўрига илинганимни жуда кеч англаб етдим. Бу ерга келганимдан сўнг буларнинг бари Алфияни найранги эканлиги маълум бўлди. Булар мени қай кўйларга солишмади. Дастрраб бўйсунмадим, ҳайвонларнинг инига қамашди. Улар бўйсунмаган қизларни ҳайвонлар билан жинсий алоқа қилдиришга мажбурлайди. Эҳ-э, ўтган беш йилда бошимдан нималар кечмади. Ўн саккиз ёшимда бу ерга келиб, олтмиш ёшли кампирга айландим. Қаддим букилиб, юзим буришиб, ҳусним кетди. Ўттизга кирмасимдан соchlаримга оқ оралади. Ҳомилани олдирганимдан кейин ичимда қандайдир оғриқ пайдо бўлганди. Ўша оғриқ эса йиллар ўтиб зўрайиб бормоқда. Дарахтнинг ичини қурт кемириб, охири қуритганидек, менинг танамниям дард кемириб адо қилаяпти. Келажагинг қоп-қора зими斯顿 эканлигига тўла ишонсанг, ҳеч кимга керак эмаслигингни билсанг ҳеч нарсанинг

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

қизиғи қолмас экан. Бу қалб жароҳати ич-этимни тобора кемириб адо қилаяпти. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда сабр косам тўлиб, орзуларим барги хазон бўлди... Бу кирхонада кимлар ишлашини биласанми? Бу ерда калтакланганларнинг терисидаги моматалоқ бўлган доғлари кетганича ёки бирон бир дардга чалинганлар тузалганича исқирт чойшабларни ювади, дазмоллайди. Мобода дардан тузалишмаса... уларни қаергадир олиб кетишади. Лекин қаергалигини ҳеч ким билмайди. У ердан ҳеч ким қайтмаган. Мен ҳам тузалмас дардга чалинганман шекилли, бир неча ойдан буён танамдаги оғриқ ўтиб кетмаяпти. Тузалмасам нима бўлади деб баъзида қўрқиб кетаман. Чунки шу ёшга кириб орзуларимдан бирортаси ушалмади. Шу сабаб азоблардан қутулиш учун гоҳида ўлимимга ҳам рози бўлиб қолганман...

— Унақа деманг, ҳали ҳаётимиз олдинда, — деб Умидда уни бағрига босди. Аммо, тизгин аҳволдаги Раксананинг кўнглини қандай кўтаришни билмай ўзи ҳам эзилиб йифлаб юборди.

* * *

Бекажон Умидани ахтариб Маҳфузанинг олдига кирди.

— Умида қани?

Маҳфузा нимадир демоқчи бўлди-ю, тилини тишилди. Сўнг, кирхонада, деди секин.

— Мен унга бугундан бошлаб мижозга қарайсан, деган эдим-ку. Қани тез бўл. 14-хонага бор. Мижоз келган...

— Бекажон опа, Умида ҳали бу нарсаларга тайёр эмас. У... у бошқача тарбия кўрган қизлардан. Шунинг учун ҳам руҳан эзиласяпти. Унинг аҳду паймон қилган,

севган йигити бор. Ёз ойида түйлари бўлиши керак эди.

— Бунақанги чўпчак билан бошимни оғримта. Тамом. Эркалик ҳам эви билан-да. Бу қиз аммасининг уйида юргани йўқ. Қарийб бир ойдан буён текинга нон едираяпман, ичираяпман. Энди еган луқмасини оқласин. Ҳозир бориб ўзим у билан гаплашаман. Сен унинг ўрнига бор, мижоз кутиб қолди, — дея Бекажон жаҳл билан хонадан чиқиб кетди.

Умида кейинги икки ҳафта ичида Раксанага ниҳоятда боғланиб қолганди. Айни дамда бу бағрикенг аёл ҳам Умидадан ёрдамини аямас, ҳатто ўзига юклатилган ишни бажариб бўлганидан сўнг Умиданинг ёнига келиб унинг юмушларига қарашарди. Кирхонада Умида ювиб тахланган чойшабларни қизларга тарқатаётган вақтида Бекажон кириб келди. Бирин-кетин чойшабларни олиб чиқиб кетаётган қизларга Бекажон дашном берганича Умидага қараб:

— Соат олтида келишилган бойвачча мижоз кела-ди. Бу сафар ҳам унинг олдига чиқмасанг сен билан бошқача гаплашаман. Бу сўнги огоҳлантиришим, — деди қаҳрини сочганча.

Бир оздан сўнг унинг димогига куйган ҳид урилиб, қўшни дазмолхона томон югурди. У ердан тутун буралиб чиқарди.

— Акбар! Умар! — Овози борича бақирди Бекажон.

Йигитлар югуриб келиб, дазмолхонанинг эшигини очишиди. Хона тутунга тўлган. Тутун ичидан фира-шира дазмол қизариб кўринди. Стол устида ёстиқ жилдлари тутаб ётарди. Акбар билан Умар оловни ўчира бошлишди.

— Ким қилди бу ишни? Ўлдирман уни! — Бекажон жон ҳолатда қичқира бошлади. — Топинглар у лаънатини, топинглар!

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Хонадаги тутун секин пасайиб у ердаги нарсалар фира-шира кўзга ташлана бошлади. Шунда хонанинг бир чеккасида кимнингдир танаси осилиб турганлигини илғашиб дастлаб “вой нима у”, дея шошиб қолишиди. Кейин яқинроқ боришганда у ерда Раксананинг танаси кўринди. Унинг кўзлари юмилганча қўллари шалвираб осилиб қолганди. Ҳамма ҳайрат ва қўрқувдан қотиб қолди. Бу ердаги бақир-чақирдан хабар топган Маҳфуза ҳам ҳовлиқиб етиб келди. Кирхонада тўпланган қизлардан бири “Раксана ўзини осиб қўйибди” деганини эшитган Умида ток ургандек қалқиб тушди. У чайқала-чайқала бориб арқонда осилиб турган жасадни қучганча чинқириб юборди.

— Рак-са-на-а!!!

Даҳшат ичидағи ҳайқириқ бутун оламни тутиб кетгандек бўлди. У мурданинг оёқларини қучиб “Нима қилиб қўйдинг?! Нега?” “Сени шу кунга солганларнинг хонумони куйсин!” деганича ўкириб йиғлар, айни пайтда алам билан ҳайқириб Бекажонга ташланди:

— Одамхўрлар! Нималар қилиб қўйдиларинг? Ким қилди буни?

— Ўчир овозингни! Бас қил! — Бекажон ғазаб билан унинг қўлларини силтаб, итариб ташлади. — Ўзини-ўзи осибди... Аҳмоқ бўлмаса... шу ишни қиласмиди?

— Ишонмайман! Бўлиши мумкин эмас! Унинг ҳали орзу-умидлари кўп эди-ку... — Умиданинг овози қалтираб чиқди.

— Ўлгудай қайсар эди. Ана шу қайсарлиги бошига етди. Эсиз... пулларим... Эсиз. Унинг учун қанча пул сарфлаган эдим-а! — деди Бекажон афсусланиш оҳангига. Бекажон шу топда осилиб турган Раксананинг жонсиз танасига қараса-да, унинг хаёлида бу қизга сарфлаган пуллари ва ҳали у ишлаб бериши керак бўлган пулларни сарҳисоб қиласмиди. У йигитларга жа-

садни арқондан бўшатиб олишларини буюрди. Умида эса инграган кўйи шалвираб, унинг оёқларини қучиб бошини эгди.

Умар Умидани четга олди. Акбар ўликни арқондан бўшатди.

— Олиб кет! — деб буйруқ берди унга Бекажон.

Акбар жасадни сочидан тортиб судраб олиб кетаётганида Умида югуриб бориб қўлига ёпишди.

— Тириклигига хўрладинглар, ҳеч бўлмаса ўлигини тинч қўйинглар! Одаммисанлар ўзи! — деди қичқириб.

Акбар унинг қўлини силтаб ташлади. Сўнг Умар билан жасадни судраганича меҳмонхонанинг орқа ҳовлисига олиб чиқишиди.

Умида мурданинг бўйнидан полга сирғалиб тушган янги оқ чойшабни қўлига олиб секин ўрнидан турди. Унинг ҳали ҳам ўлганига ишонмасди. Фала-ғовурни эшитиб етиб келган Маҳфузга Умиданинг ёнига бориб уни тинчлантиришга ҳаракат қилиб бағрига босди. Акбар мурдани судраб ҳовли ўртасига олиб бориб кўйди. Бекажон Умарга буйруқ берди:

— Бор ҳамма қизларни бу ёққа чақириб кел!

Умида мурданинг ёнига келиб, қўлидаги оқ чойшабни унинг юзига ташлаб қучоқлади. Унинг қўли музлаб қолган эди. Бошини секин кўкрагига қўйди. Юраги уришдан тўхтаганди. Умида дод солиб йифлай бошлади.

Бекажон бўлса, жон ҳолатда унга қараб бақирди:

— Жим бўл!!! Сенга бу ер онангнинг уйи эмас аза очгани!

Бу вақтда Умар ётоқдаги барча қизларни чақириб келган ва улар йифилишиб бўлишганди.

Акбар келиб Умиданинг қўлидан судраб қизларнинг даврасига олиб бориб қўшди. Бекажон жасаданинг олдига бориб юзидаги чойшабни улоқтириди. Туйнукдан нур сирғалиб кириб, аёлни даҳшатдан қотиб қолган

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

юзини ёритди. Бекажон қошларини чимириб, бўғилиб гапира бошлади:

— Мана бу манжалақи, аҳмоқ, ўзини ўзини осибди. Мен унга кайф-сафоли, мол-дунёли ҳаёт инъом этмоқчи эдим. Аммо у хоҳламасдан шу ишни қилибди. Бу ерда бизнинг ўз қонун-қоидаларимиз бор. Кимда-ким бўйсунмаса ёки ўзига ит ўлимини раво қўрса, итларга ем бўлади. Ҳозир Акбар билан Умар бу қизнинг жасадини мана шу панжара ортида хириллаб турган този итларга ташлайди. Ўн беш дақиқада унинг мурдасидан асар ҳам қолмайди.

— Нима?! Итларга?! — чинқирди Умида.

— Ҳа, итларга. Бу сенга ҳам, бошқа қизларга ҳам сабоқ бўлсин. Кўзингизни каттароқ очинглар. Агар сенлар ҳам шу йўлни танласанглар уникideк мурдаларинг худди шундай қилинади. Чунки мурдани кўмиш учун менинг кўчада қолган ортиқча пулим йўқ. Кейин, бу юртда, ўликларни дафн этишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Яна бир гап. Мабодо, сенлар бу ердан кўча ҳатлаб чиқсаларинг полиция қўлига тушасанлар. Ноқонуний равишда бу ерда юрганинг учун ё қамаласан, ёки сенларни бошқа фоҳишахоналарга олиб бориб сотиб юборишади. Агар ўз юртларингга соғ-омон қайтишни истасаларинг, фақат мен айтган ишни қиласанлар ва менга сўзсиз бўйсунишларинг шарт! Акси бўлса, Умар ёки Акбар қўл-оёқларингни боғлаб, саҳрога олиб бориб ташлайди, тириклиайн қузғунларга ем бўласанлар! Хуллас, сенлар учун бошқа йўл йўқ.

Бекажон бошлайверинглар деб, Умар билан Акбарга қўли билан ишора қилди. Улар жасадни кўтариб панжара ортида ириллаб турган този итларнинг олдига ташлаши.

— Кўриб қўйинглар! Кимки мени айтганимни қилмаса, мана шундай ўлим топади! — деди Бекажон ғазаб отига миниб.

* * *

Бу воқеага анча вақт ўтса-да, Умида ҳам, Маҳфузада үзига келолмади. Энди уларни юртга қайтиш истаги ширин хаёлга айланди. Шундай кунларнинг биррида уларнинг хонасига Бекажон кириб келди-да, қизларнинг қўлига икки юз доллардан берди. Ҳар қандай одам меҳнат ҳақини олгач, кўнгли қувончга тўлиши муқаррар. Аммо айни дамда Бекажон берган пуллар Умиданинг кафтини куйдириб юбораётгандек эди.

— Тезлик билан уйларингга юборинглар. Яна улар сизларни ўйлаб хавотирга тушиб юришмасин, — дея Бекажон девор томон қараб ётган Маҳфузани ёнига келиб туртди.

— Маҳфузада, сени кутаяпти ҳалиги мижозинг. Роса ёқиб қолибсан шекилли, — у очиқласига тилёғламалик қилиб, безбетларча тиржайди.

— Тур, тезроқ ёнига борақол. Тағин мижознинг кўнглини ранжитма. Яхши ҳақ тўлагандан кейин кўнглини овла. Бунақа мижозларни маҳкам ушлаш керак.

— Уф-ф, толикдим, опа, аъзои баданим оғрияпти. Ўрнимдан туролмайман.

Бекажон дарғазаб бўлиб бақирди:

— Ҳозир дам оладиган пайтми? Чиқ тепага!!! Ўргилдим сендақа танноздан! Агар шунақа қиласверсанг, мендан яхшилик кутма!

— Опажон, унинг иситмаси борга ўхшайди. Ўрнига мен чиқа қолай, — деди Насиба ўртадаги вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб.

— Иситма қаёқдан келди? — асабий ҳолда Бекажон қошлигини чимириб Маҳфузага тикилди.

— Шамоллаган шекилли, — деди Насиба ийманибгина.

— Сенларнинг шамоллашларинг ҳам жонимга тегди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Сал ўзига қарайди-да одам дегани! – дея Бекажон жаҳлини яширмай овозини баландлата бошлади. У Маҳфузанинг пешонасини ушлаб кўрди. Унинг иситмаси борлигини сезиб ичида “жуда баланд-ку” деган хаёл ўтди.

– Иситманг унчалик баланд эмас. Ҳа энди, бир бориб кел-чи, ҳар қалай эски мижозинг. Балки белингни уқалаб қўйса, тузалиб кетарсан. Тур, чиқ! – деди Маҳфузага буйруқона оҳангда.

– Опажон, раҳмингиз келсин. Аъзойи баданим ёниб кетаяпти. Соғ бўлсам шундай ётармидим, биласиз-ку, мени, – деди Маҳфуза титроқ овозда жавдираганча Бекажондан нажот истаб.

Маҳфузанинг самимий сўзлари Бекажоннинг ғазабини юмшатди. У нима қиларини билмай Насибага ўгирилди.

– Майли, сен ўрнига чиқа қол. Фақат ўзингга яхшилаб қараб ол.

– Ўша хонага борайми?

– Ҳа, худди билмагандек сўрайсан-а! Бор, тезроқ чиқ! – деди Бекажон Насибага ўдағайлаб.

Тили заҳар, юзида асабий табассум аримаган Бекажон чиқиб кетаётib Маҳфузага буюрди:

– Сен энди касалман, деб ётиб олма! Хонани йифиштириб, тозалаб қўй, тушундингми?

“Ҳа” тушундим дегандай Маҳфуза бош ирғади.

– Эртага тушгача, эгарланган отдай бўл! Сен учун алоҳида мижоз келади. Келишиб олдиндан пулинин олиб қўйганман, уқдингми? Бўлмаса ўзингдан кўр!

Маҳфузанинг кўнглида аллатовур ҳислар ғалаён қилди. Ўз ҳаётининг бунчалар тез йўқлик сари юз тутганинги ўйлаб жавоб ахтарди. Аммо жавоблари енгил, юпун эди. Тақдирини ўзгаларнинг қўлида эканлигини ва ҳаётини ўзи эмас, бошқалар ҳал қилаётганлиги кўнглини

ўкситди. Шунда беихтиёр қарисида болалик йиллари бўй кўрсатди. Онасини эслади.

Отаси бу оилани жуда эрта ташлаб кетганлиги учун улар бувиси, онаси ва акаси билан бирга қолганди. Оиласда онасидан бошқа бирон зот ишламас, унинг топгандари билан тирикчилик учма-уч ўтарди. Раҳматли онаси гўзал қадди-қомати келишган, худди товус мисол аёллардан эди. Бир куни уйларига элга танилган ҳофизни бошлаб келди. Бувисига ҳофизни танишириб:

— Акам менга ёрдам бермоқчи. Улар билан тўйларга хизматга чиқмоқчиман. Пул топсам яшшимиз ҳам яхши бўлади, — деди тортиниб.

— Хўш, тўйда булар қўшиқ айтса сен нима қиласан?

— Мен... мен раққосалик...

Энди буви пўрим ҳофизни турқ-тароватига синчков тикилиб:

— Ҳа-ҳа, болам-а, — дея қўшни хонага чиқди. Онаси бувисининг ортидан эргашди. Ёлғиз қолган ҳофиз уй деворларининг кўчиб кетган сувоқларига кўз юргутириб, акасига:

— Ҳаммаси яхши бўлади, — деди уйни томоша қилганидан хижолат чеккандай.

Она-бала ички уйда анча қолиб кетишиди. Улар нималар ҳақида сўзлашди, тортишишиди, ҳофизга қоронги эди. Аммо хонадан чиқишиганда бувисининг ҳуши ўзида эмасди. Бечораликдан қадди дол бўлган аёл янада эгилиб-букилиб қолгандай эди. Ҳофиз олдига ҳам ноҷорлигидан уялгандай бошини хам қилиб ўтирида, бир оз сукут сақлаб:

— Болам, сиз эл-юртнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлган одамсиз. Шу сабаб сизга ақл ўргатолмайман. Йўқчиликдан эгилган бошим янада эгилмаса бўлгани, — деди эзилиб.

Ҳофизнинг раҳми келганлиги сезилиб туради. Шу боис бир оз ўзини ўнглаб олиб:

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Онажон, сизларга яхши бўлсин, деган хаёлдан ўзга хәёлим йўқ, — деди. Бувиси бошини кўтариб ҳофизга қарамади, қаравдан уялди. Ҳофиз ўрнидан туриш истагини билдиргач, бувиси уларга дуо берди. Шу билан онаси ҳофиз билан бирга кетди. У ҳар ойда бир кўриниш берар, егуликлари учун пул ташлаб, яна шошиб қайтиб кетарди. Вақт ўтиб онаси ўзига обдон оро берадиган, тор, ялтироқ лиbosларни киядиган, бармоқ ва бўйинларида тилла тақинчоқлару, пардоз-андозли олифтага, олдинги маъсум бўлган кўзларида кибрли нигоҳлар қотган аёлга айланди. Шу кезларда балофат ёшларида бўлган Маҳфузга онасининг турли хил гўзал кийинишлидан ҳавасланарди. Бора-бора унинг кўнглида ғалати ҳислар пайдо бўла бошлади. Онаси бир уйига келганида бувиси:

— Қизим, болаларинг ҳозир балофат ёшида. Уларга она меҳри керак. Мен касалманд бўлиб қолдим, сенинг ўрнингни босолмаяпман. Шунинг учун иложи бўлса тез-тез келиб тургин, — деди.

— Онажон, ҳозир ёшлигимда пул топмасам, кексарганда ўзимнинг ҳам, болаларимнинг ҳам ҳоли хароб бўлиб қолади. Ҳозир дунёни пул бошқаради. Пулсиз ҳеч ким эмассиз, болаларимнинг келажаги учун ҳам кўпроқ пул топишим керак, — деди жиддий оҳангда.

Ана шу сўз Маҳфузанинг қулоғига қўрғошиндай муҳрланган эди. Йиллар ўтиб Маҳфузанинг ҳам пул ортидан қувиши бедаво касалликка айланди. Шу лаҳзада ичидан бир титроқ келди ва у кўзларидан ёш бўлиб юзини ювди.

* * *

Орадан анча вақтлар ўтди. Умида Бекажон билан тўқнаш келган кунидан бошлаб, унинг ичидаги тугён

күп бор отилиб чиқишига ҳаракат қилди. Аммо Умида унга тизим бермади. Ҳар бир ҳодисанинг вақти-соати борлигини тушуниб вақтни пойлади. Узоқ вақтдан буён қалбини ўртаган қасос орзуси бугун содир бўлади. Шу вақтни қанча алам ва нафрат билан кутди. Унинг ҳаётини заҳарга айланишига сабабчи бўлган ўша Бекажонни тилка-пора қилиб ташлашга ҳам тайёр. Ундан ўч олсам, юрагимни куйдирган оловдан халос бўламан деб ўйларди. Бугун ўша кун эканлигини ҳис қилиб, қалби аввалгидан ҳам беҳоловат ура бошлади. Олдиндан тайёрлаб қўйган бигизни кир-чир латталар ётган қутининг ичидан ахтариб топди. Унинг совуқ тифини ушлаганда, интиқом фурсати жуда-жуда яқинлигини ҳис қилди. Секин юриб хонанинг бурчагига бориб ўтиреди. Хаёлига ўтмиши ўрмалади. Бахтли кунлари кўз олдиндан ўтди. “Баҳорий насл юзларини силар. Жону жаҳонига айланиб кетган онаси билан ўрик дарахти остидаги сўрида гаплашиб ўтиришибди. Онаси, “қизим, энг катта орзуим сени олий маълумотли врач қилиш эди. Ўзим ўқимадим, сен ўқишининг керак. Албатта, тиббиёт институтига киришинг керак. Давлатимиз ўқишга кирғанлар учун банклардан қарзга пул берар экан деб эшитдим”, – деди кўзлари кулиб.

Умида онасини тинглаб:

- Онажон, банкларнинг пул беришидан хабардорман. Аммо уларнинг тўлови ҳам бор-ку...
- Тўловидан хавотир олма. Мен қўшни боғчадан ҳам иш топиб қўйдим. Худо хоҳласа, тўловини эплаб-сеплайман, – деди онаси ишонч билан.

Ўшандаги суҳбатдан бир кун ўтиб Маҳфузанинг чет эл машмашаси чиқиб, Умиданинг хаёллари, орзу мақсадлари остин-устун бўлган эди. Онасининг зорларига кулоқ солмади. Олдиндан онажонисининг юраги сез-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

гандай уни бу йўлдан қайтариш учун кўз ёшлар тўкди. Аммо уни бу йўлдан қайтара олмади. Оқибати саробий баҳтни излаб ҳамма баҳтидан, умидидан, орзуларидан жудо бўлди. Севимли ёр учун асраб-авайланган вужуди, борлиғи, жисми жони ҳисобланган номусидан ажралди. Бу ерда унинг орзулари ҳар бир исқирт хонада ер билан битта бўлиб ётибди. Ҳаммаси кулга ўралди. Ҳаммаси ёвуз кимсаларнинг оёғи остида топталди. У ичи йиғлаб туриб бошқаларга жилмайиб қарашни ўрганди. Бекажонга нисбатан бир лаҳза ёлғиз қолсанг сен заҳарли илонни бўғиб ўлдираман” деган ўй бўлсада, лабда “Опажон” деган ширави хитоб, этди. Умида жойидан қўзғалди. Кўзлари алам, армонга тўлган. Кўллари кушандасининг бўғиздан олишга шай бўлиб, мушт бўлиб тугилган. Юракка етгулик узун бигизни бағрига босиб ўрнидан турди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганилиги сабаб бигизни сочиққа ўраб Бекажоннинг хонаси томон юрди. Кейинги пайтларда Бекажон спиртли ичимликларга ружӯ қўйган, кайфона ҳолатда Умидани бағрига босар, ундан роҳат олар ва кейин юзтубан тушиб ухлаб қоларди. Бугун ҳам шундай ҳолат юз берди. У Умидани хонасига кириб келганлигини кўриб ажабланмади, “келақол, асал қизим” деб ёнидан жой кўрсатди. Унинг узун соchlарини силаб гап бошлади:

— Умида, биласанми, сенинг нимандир менга ўхшайди. Лекин у нималигини билмайман. Сен асов қизни қўлга ўргатганимча, э-ҳе... Сенинг кўзларингда қўрқув йўқ. Бу менга ниманидир эслатади... Умуман, сен яхши қизсан... Қанийди менинг ҳам сенга ўхшаган қизим бўлганида эди... Оллоҳ мени фарзандсиз қилди... — У шундай дея бошини Умиданинг елкасига қўйди. Умида Бекажоннинг елкаларини силаб унинг қаттиқ уйқуга кетишини кутди. Аёл бошини бир томон қийшайтириб хуррак ота бошлади. Шунда қиз секин ётқизди ва узун

кунлар, тунлар азоб-уқубатга солған аёлни бурда-бурда қилиб ташлашга шайланғандай сергак тортиб ёнидаги бигизни олиб унинг ўтқир учини юрагига мүлжаллаган ҳам эдикки, шу пайт кимдир орқасидан келиб билаги-ни ушлади. Нафаси ичига тушиб кетган Умида ортига қараашга мадори етмай донг қотди. Қайноқ тер чиқиб, қўлидаги бигиз сирғалиб ерга тушди.

— Ўлгинг келдими сен қизнинг. Аҳмоқ, тириклийин гўрга кўмилмоқчимисан? — деган шивирдан Умида орқасига ўгрилганида қаршисида хонадоши Насиба турарди. У Умидани тезроқ олиб кетиш пайида ерда ётган бигизни кўйлагининг енгига яшириб унинг қўлидан тортди.

— Юр, тезроқ бу ердан чиқиб кетайлик.

Умиданинг докадек оқарган юзига қизиллик югурди.

— Менга қаршилик қилманг, қарорим қатъий.

Насиба унинг важаҳотидан тушириш учун ялингандай оҳангда пичирлаб гапирди:

— Агар билиб қолиши борми, теринга самон тикишади. Акбар ҳозир бу ерга келиши мумкин. Менга “бориб хабар ол, Бекажон ухладими. Ўзим орқангдан етиб бораман” деганди. Бу ерга келмасидан кета қолайлик.

Насиба Умиданинг қўлидан судраб чиқаётган вақтида остонаяда Акбар пайдо бўлди. У “тинчликми” дегандай ўқрайди. Насиба шоша-пиша унга тушунтирган бўлди:

— Умида Бекажон билан шу ерда ухлаб қоламан дейди, мажбурлаб олиб чиқиб кетаяпман.

Акбар унинг гапларига эътибор ҳам бермай Бекажоннинг ёнига бориб бошига ёстиқ қўйди.

Улар Бекажоннинг хонасидан чиқишганда Насиба Умидага маъноли қарааш қилди.

— Яхшиямки, ўз вақтида кириб қолибман, бўлмаса, сени қайта тирик кўрмасмидим, — деди ҳаяжонда.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

- Бекажонни ҳам тирик кўрмасдингиз.
- Сен ўйлайсанки, Бекажонга бирон кор-ҳол бўлса ҳаммаси тугайди дебми? Йўқ, у бўлмаса Дилсорага ўхшаганлар унинг жойини эгаллайди. Яхиси, уларнинг илдизини қуритиш режасини ўйлашимиз керак.
- Қандай қилиб?
- Бу ишни шошмасдан, аниқ, пухта, вақтини пойлаб режалаштириш керак.
- Шу кунни мен қанчалар кутган эдим.
- Ёшсан-да, охирини ўйламабсан. Битта қалтис қадам умрингни завол қилиши мумкин. Бир марта адашганлигинг каммиди сенга? Аслида мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлаганман. Лекин ёнимда ишончли шерик тополмаганман. Бу ердаги жувонларга ишонч йўқ. Агар бирон нарсани сезиб қолишса, ўзларини Бекажонга яхши кўрсатиш учун оқизмай-томизмай етказишиади. Улар мукофот олишса, сен жазо оласан. Шунинг учун ҳаммага ҳам ишониш керак эмас.
- Улар ҳам ўз хоҳишлири билан бу ерда фоҳишалик қилишаётгани йўқ-ку!
- Тўғри, лекин жон ширин. Мен ҳам янги келган кезларимда сенга ўхшаб куйиб-ёнардим. Нима бўлсада, бу исқиртхонадан чиқиш йўлларини ахтардим. Кечалари ухламай ҳар хил режалар тузардим. Қоп-қора ёши бир жойга бориб қолган ёки ишлайвериб яфири чиқиб ўзидан бадбўй ҳид таратган эркакларнинг қўйнида ётганимда кўнглим озиб, уйда қолган уч ёшли қизим Гулбаҳорнинг кўкрагимни эмиб, жажжи қўлчалари билан ўйнаганларини кўз олдимга келтираверардим. Ич-ичимдан ўз-ўзимга нафратим ортиб, ҳатто, ўзимни ўлдиришгача боргандим. Лекин фарзандимни нигоҳи мени таъқиб этарди. Бора-бора бу таъқиблар бу ердан қочишга ундади. Роза деган хонадош қизимиз бўларди. Ўшанга бутун дардимни дастурхон қилувдим. У ҳамма

гапимни Бекажонга айтиб берибди. Тонг-саҳар Ақбар билан анави барзанги Умар хонага кириб келиб мени олиб кетишиди. Қаёққа кетаяпмиз десам, “овозингни ўчир” деб саволимга жавоб беришмади. Машина узоқ юрди ва бир маҳал тўхтаб, машинадан сочимдан судраб олиб тушишиди. Қарасам, ҳаммаёқ саҳро, қумликлар. Улар қўлимга кетмон бериб “кавла” дейишиди. Нимага десам, “ўзинга гўр”, дейишиди. Қўлларим қалтираб, бўйим баробар қилиб қумдан чуқур қазидим. Шунда Ақбар қўл-оёғимни боғлади ва қазиган чуқуримга мени тик ҳолда қўйиб кўмди. Бу лаҳзаларни оддий гап билан тушунтириш қанчалар қийин. Сен эса уни ҳис қилолмайсан. Ўлим шарпаси ёнгинамда туради. Атрофга боқсам узоқ-узоқларда фақат саҳро гармселидан қовжираб қолган тиканаклардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Энди шу ердаги қум илони ва чаёнларга ем бўламан, кафансиз кўмилдим, қабрсиз кетаяпман деган хаёллар миямда чарх уради. Чунки бўйсинмаган қизларни саҳрога олиб бориб ташлаб келибди, деган гапларни кўп эшитгандим. Қум ичида фақат каллам кўринарди. Сочларим қумга тўлган. Кипригимнинг орасидан сизиб чиққан кўз ёшларим қум лойига айланиб, улар кўзларимга санчиларди. Ақбар, Умар иккови менга жаноза ўқимоқчи бўлдими, ҳар қалай арабчалаб нималарнидир ўқишиди. Кейин юзига фотиҳа тортишиди-да, “Сен бу ерлардаги қузғунларга, илонларга ем бўласан. Ўлиминг олдида нима гапинг бўлса гапириб ол, биз кетамиз”, деди. Мен бўлса даҳшат ичида қолгандим. Бутун танамни қум кўмиб туради. Қум чанги кўтарилиб уюми оғзимгача келганди. Шу лаҳзаларда фақат қизим кўз олдимда гавдаланарди. Лабларим қалтираб, “Гулбаҳор... Гулбаҳор, қизим, мени кечир, сени охирги марта кўролмадим”, дедим.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Нима дединг? “Гулбаҳор” дедингми? — дея Ақбар ёнимга келиб, юзтубан эгилди, — Гулбаҳор ким?
- Қизим, ҳозир беш ёшда, дедим.
- Уни яхши күрасанми?
- Жуда ҳам. Уни мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Отаси автоҳолокатда ўлган дедим.
- Ҳозир у ким билан?
- Укамнинг қўлида қолган, дедим.
- Сен аҳмоқ, ҳеч бўлмагандан қизингни ўйламадингми? Ўзингни ўлимга маҳкум қилаяпсан-у унинг тақдиринима бўлади?

Кейин, бирпас Умар билан ғудурлашиб нималарни-дир гаплашишди. Сўнг ёнимга келиб қумдан мени кавлаб олишиб, қўл-оёғимни ечишди.

— Биласанми, сени қизинг Гулбаҳор қутқариб қолди. Унга раҳмат айтгин. Менинг қизимнинг исми ҳам Гулбаҳор. У ҳам беш ёшда. Қизим ва унинг исми ҳаққиҳурмати сени озод қиласман. Бекажондан эса сени кечиришини ва яшаб қолишингни илтимос қиласман. Бусенинг охирги имкониятинг бўлади. Мабодо яна бўйсунмасанг, қочишга ҳаракат қилсанг, унда қизинг ҳам сени қайта қутқариб қололмайди, — деди. Шу-шу Ақбарга муносабатим ўзгарди. Уни ҳурмат қиладиган бўлдим. Аммо ичимда Бекажондан ўч олиш нияти хуруж қиласди. Насиба чуқур тин олди. Шунда Умида:

- Насиба опа, шунчалик иродали экансиз. Ўлим билан юзма-юз келибсиз. Қийноқларни бошингиздан ўтказибсиз. Бундан буён менинг тутинган опамсиз.
- Сен ҳам менга сингил бўлдинг. Энди фақат менга қулоқ солсанг бўлгани. Бу ёғига адашишимиз мумкин эмас. Етти ўйлаб эмас, минг бир ўйлаб иш қилишимиз керак.
- **Мен Маҳфузани ўйлаяпман. Унинг кундан кунга аҳволи оғирлашаяпти.**

— Менинг ҳам хаёлимда у. Булар касал бўлиб соғаймаган қизларни даволатиб, дори-дармон олиб беришмайди ёки пул сарфлаб юртига жўнатиб юборишмайди. Худо билади, уларни сахрота олиб бориб ташлашадими ёки... билмадим, лекин касалманд қизларни қаёққадир олиб кетишади. Маҳфузадан эса хавотирдаман. Тузалиши ўрнига, унинг юзи кундан кунга сўлиб бораяпти.

— Ҳа, бечоранинг иссиғи икки ҳафтадан буён тушмаяпти. Олдинлари дори ичса ўтиб кетарди. Бу гал бошқача... Бирон-бир оғир бир дардни орттирган шекилли... Тезроқ чорасини топиш керак.

— Топилиб қолар, — дея Насиба бир оз ўйга толиб. Кейин чеҳраси ёришиб:

— Ҳа, айтгандай, ой охирида Дилсора янги қизларни олиб бораман, деб хабар берибди, — деди. — Мабодо улар келишса, базми жамшид бошланади. Бекажон ҳам, тансоқчилари ҳам янгилар билан овра бўлишади. Шу куни мен Акбарни чалғитаман ва сизларни қочириш йўлини қиласман. Фақат сен унгача ўзбошимчалик қилиб бир нарсани бошламайман деб менга ваъда бер. Тағин Маҳфузанинг ҳам, ўзингнинг ҳам ҳаётингни барбод қилма.

— Насиба опа, ваъда бераман. Сиз нима десангиз шу бўлади, — деди Умида худди нажоткорини топгандай севиниб.

* * *

Тун ярмида қизларнинг хонасига Насиба кириб келди. Бирпас жимгина ўтириб, у ёқ-бу ёқни кузатган бўлди. Сўнг секин Умиданинг ёнига келиб энгashiб, қулоғига шивирлади:

— Нарсаларингни йиғишириб қўйдингми?
— Сиз-чи? Кетмайсизми? — дея Умида ундан-да паст овозда сўради. Юраги ҳадикдан гупиллаб ура бошлади.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Мени құявер, кетишимга оз қолди... Аммо сизлар кутулиб кетишиңгиз керак...
- Эплай олармиқанман? Маҳфузә касалманд бўлса.
- Яхиси, бир ўзинг кета қол. Маҳфузә касал, ҳоли йўқ, аксига олиб юролмайди ҳам. Қўлга тушиб қолишиларинг мумкин.
- Касаллиги учун ҳам уни бу ерларда қолдира олмайман. Кўтариб бўлса ҳам олиб кетишим керак.
- Яна бир ўйлаб кўр. Қўлга тушсанг, улар сизларни тирик қолдиришмайди.
- Қарорим қатъий. Ҳаммасини эплашим керак.
- Ҳа... ҳа, эплайсан. Фақат бир амаллаб, Ўзбекистон элчихонасига етиб борсаларинг бўлгани. Улар, албатта, сизларга ёрдам беришади.
- Лекин ичимда қандайдир кўрқув бор.
- Қўрқма, ҳаммаси жойида бўлади. Сен менга албатта Ўзбекистонга етиб оламан, деб ваъда бер.
- Худо хоҳласа, албатта етиб оламан.
- Умида, агар юртимизга етиб олсаларинг, мен учун ҳам юртим ҳавосидан тўйиб нафас олинглар. Мен ўзга юртда ўлигим қолиб кетишидан қўрқаман. Мабода бир йил ичида уйимга қайтмасам, бойиб кетганингдан сўнг уйим тупроғидан олиб келиб қабримга сочиб кетарсан. Нималар демоқдаман. Йўқ, ўшандა қабрим бўлмайди-ку. Лекин мана шу фоҳишахонанинг остонасига сепсанг ҳам майлига. Йўқ, — деди у яна кескин оҳангда. — Покиза уйимнинг тупроғининг бир дона заррасини ҳам бу исқирт жойларга раво кўрмайман. Яхиси, бу ёқларга умуман қайтиб келма! Ҳатто душманингга ҳам бу ерларни раво кўрма.
- Насиба опа ундей деманг. Ўзингиз ҳали қизингизнинг бағрига соғ-омон қайтасиз. Ҳали бирга кўп ишларни қиласиз. Қизингизни турмушга узатамиз...

Умида ўзи ҳам ишонмайдиган гаплар билан Насибанинг фариб күнглини олмоқчи бўлди.

— Умида, биз юртимизда ватан қадрини билмабмиз. Ўз уйида оёқни узатиш ҳам бир баҳт экан. Майли, нима бўлганда ҳам, худодан сизларга оқ йўл беришини сўрайман. Вақт кетмасин, ҳозир ҳамма уйқуда, секин қочинглар. Мен Акбарни бирор муддат чалфитиб дарвоза олдидан олиб кетаман, — дея у Умида билан қулоқлашиб хайрлашди.

Умида касаллиги туфайли бир неча кунлардан буён дард билан олишиб ҳолсизланиб уйқуга кетган Маҳфузани секин туртиб уйғотди. У мудроқ кўзларини ишқалаб, нима кор-ҳол бўлганлигига тушунолмай Умидага қаради.

— Ўрнингдан тура оласанми? Бу ерни бутунлай тарк этамиз.

Маҳфуза унинг ишонч билан айтган сўзига бир тушуниб, бир тушунмади. Аммо нимадир содир бўлишини сезгандай сергак тортди. Илкис ичидаганда қандайdir куч пайдо бўлиб ўрнидан беҳол қўзғалди ва лаш-лушларини йиғиштирмоққа тутинди.

— Ҳеч нарсани олма. Ҳаммаси шу исқиртхонада қолсин, — дея Умида Маҳфузани қўлидан ушлади ва уни қўлтиғидан суюган ҳолда хонадан чиқди.

Улар тор йўлак бўйлаб оёқ учидаги юришиб, дарвоза ёнига келиб, қулфини секин бураб эшикни очиб кўчага чиқишиди. Йўлнинг икки четида дарахтлар кўкка бўй чўзган, тўлин ой шуъла таратиб турарди. “Худога шукр, қутилдик шекилли”, ўйлади Умида. Улар мусаффо ҳаво билан юзма-юз бўлишиб бир лаҳза бир-бирига суюниб қолишиди. Кейин Умида ички қўрқув билан Маҳфузани судраганча дарахтзор оралаб тез юришга ҳаракат қилиди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Умида, мадорим қолмади, бошқа юролмайман, — деди Маҳфузә ҳолсизланиб.

— Йўқ, юришимиз, тезроқ бу ерлардан узоқроққа кетишимиз керак. Улар бизни қочганимизни билиб қолишса ҳаммаси тамом. Қўлга тушамиз.

— Жуда ҳам чарчадим, ортиқ юришга қучим қолмади, — деб Маҳфузә ҳолсизланиб ерга чўкди.

Умида нигоҳлари билан холироқ жойни қидирди. Шу пайт аллақандай битмаган ташландиқ иморатни кўриб, хурсанд бўлиб, “Маҳфузә, тура қол, ана кўраяпсанми ҳу анави иморатни, ўша ергача етиб борайлик, кейин бир оз дам оламиз”, дея уни елкалаб одимлади. Улар ҳалиги жойга етиб келиб, қурилиш биносининг ичига кирдилар. Сокин тун осойишталигида фақат Маҳфузанинг инграган товуши эшитирларди. Умида ўша атрофда ётган ғишт бўлаклари устига Маҳфузани ўтқазди ва ёнидаги сумкадан оғриқни тўхтатувчи дориларни олиб унга ичириб, ёнига ўтирди.

— Маҳфузә, эртага ажойиб кун бўлади. Ҳаммаси туғайди. Азобли кунларимиз-у, қийинчиликларимизнинг бари.

— Сен шунга ишонасанми? — деб сўради синиқ овозда Маҳфузә.

— Ҳа! Шунга жуда ҳам ишонгим келаяпти.

— Мен ҳам ишонгим келаяпти... Лекин... Маҳфузә бир оз чуқур хўрсинди, сўнг оғриқнинг кучидан инграганча сўзида давом этди: — Умида... мен сенинг... ҳаётингни аччиқ пушаймонга, қайноқ кўз ёшга тўлдирдим. Мени кечир... сен эртага албатта мақсадинга эришишинг керак. Ахир, бу кунни қанча кутдинг. Мен эса... Сенга юк бўлишга ҳаққим йўқ. Энди бу ёғига ўзинг кетавер.

— Нималар деяпсан ўзи? Мен сени, керак бўлса, елкамга опичиб бўлса ҳам юртимизга олиб кетаман.

— Ёниб сўнаётган шамга ўхшайман. Ўрнимдан турай десам, мадорим йўқ, юрай десам оёқларимда жон йўқ. Сенга раҳмат... Шу исқирихонадан мени олиб чиқдинг. У ерда ўлиб кетишдан қўрқкан эдим.

— Ҳар хил бўлмағур гапларни гапираверма. Ҳали ҳеч нарса кўрмагандай соғайиб кетасан. Ҳаётимиз олдинда. Бу ёқларга бирга келдикми, энди бирга кетамиз. Сени ёлғиз бу ерларга ҳеч қачон ташлаб кетмайман.

— Менга ёрдам бераман деб сен ҳам қўлга тушиб қолишинг мумкин. Ҳеч бўлмаганда, сен юртимизга етиб бориб, бу ерларда азобланаётган қизларга ёрдам беришинг керак.

— Ҳа, албатта уларга ёрдам берамиз. Насиба опага ваъда бердим. Унинг уддасидан чиқишимиз керак. Улар ўзларининг жонларини хатарга солиб бизни қочирдилар. Тезроқ энди ҳаракат қилишимиз керак. Айтчи, доридан кейин бир оз бўлса-да, оғриқ босилдими?

— Ҳа, чидаса бўлади. Лекин элчихонага етиб боришинга кўзим етмаяпти.

— Куч топишга ҳаракат қил. Мен барибир сенсиз ҳеч қаёққа кетмайман.

Орага жимлик чўкди. Уларнинг кўз олдидаги зулмат янада қуюқлашгандек эди. Бир оздан сўнг Маҳфузанинг танасидаги оғриқ йўқолгандай бўлди.

— Умида эшитаяпсанми?

— Нимани?

У Маҳфузани нима ҳақида айтиётганлигини англаш етмай туриб девор ортидаги қадам товушини эшитиб, эти жунжикиб кетди. Шошганидан нима қилишини билмай қолди. Назарида Маҳфуза ҳам дир-дир титраётган эди. Қочиш керак, лекин қайси тарафга? Умида орқасига ўгирилди. Бинонинг қибла тарафи очиқ. Ҳали дераза ўрнатилмаган. Лекин Маҳфузанинг ёлғиз ўзини ташлаб қандай қочади?

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Құлға тушдик, — беихтиёр пичирлади Маҳфузა, — энди ўлим! Унинг миясига келган сүнги шайтоний ўй тақдирини узил-кесил ҳал қылғанди. Сүнг ҳазин оҳанғда шивирлади: — Умида, сен яхиси қоча қол.

Умида унга жим дегандек, лабига бармоғини босди. Шу пайт қадам товуши билан шарпа қоронғи бинонинг ичкарисига кириб келиб қўлидаги юкни эшик ёнига қўйди ва яна ортига қайтди. Бурчак биқинида нафас чиқармай турган иккисини ҳам қайноқ тер босди. Оёқ товуши узоқлашгач, Умида секин шивирлади:

— Маҳфузা, тура қол, тезроқ бу ердан кета қолайлик. Яна озгина юрсак бўлди, машина қатнов йўлига етиб борамиз.

Бир оздан сўнг улар судралишиб бинодан чиқишиди ва машиналарнинг овози чиқиб турган томонга қараб интилишиди. Ниҳоят, дарахтзорлар тугашида рўпараларида серқатнов кўча кўринди. Тун бўлишига қарамай, машиналар виз-виз қилиб, у ёқдан бу ёққа қатнаб турарди. Улар бир амаллаб кўча юзига етиб олишиди ва Умида узоқдан келаётган машинага “тўхтатворинг”, дея қўл силтади.

Машина “Фийқ” этиб тўхтади.

Умиданинг айни шундай қўрқинчли вазиятда мияси фавқулодда тез ишлай бошлаганди. Бу ёғига тақдирлари нима кечади, Худонинг ўзига аён. Ё Бекажоннинг одамларига қўлга тушади, ёки имонли, инсофли одамларга дуч келишса, улар ёрдам беришади. Шундай хаёл билан Умида машина томон юрди. Машинанинг эшиги Умида яқин келгач, оҳиста очилди. Ўриндиқда ўтирган аёлга кўзи тушиб Умида инглиз тилида Ўзбекистон элчихонасига олиб боришларини сўради. — Ҳайдовчининг рухсати билан улар машинадан жой олишиди.

Бир оз юришгач, ҳайдовчи ёнидаги аёл уларнинг қаердан эканлигини сўради.

— Ўзбекистонданмиз, — деди Умида иккиланиш билан.

Шу заҳоти аёлнинг ёнидаги кимса салон чироини ёқиб машинани тўхтатди. Йўқ! Бунисини умуман кутмаганди! Тушига ҳам кирмаганди бундай бўлишини! Умида олдинги ўриндиқда ўтирган хайдовчи ва аёлнинг таниш чеҳрасини кўрди-ю, қувончдан бақириб юбораёзди:

— Сиз?

— Ҳа, биз! — дея ҳайдовчи Умида томон ўгирилди.

Ёшлари элликдан ошган бу кимса ва аёл билан улар самолётда ёнма-ён ўриндиқларда ўтиришиб, ўзбек тилида гурунглашиб келишганди. Улар аслида археолог эканлиги ва Ўзбекистондаги меъморий обидалар уларда катта ҳайрат ва қизиқиш уйғотганлиги, зиёратгоҳларнинг тарихини мукаммал ўрганишлари учун ҳатто ўзбек тилини ўрганганликлари ва тез-тез бу юрга келиб туришларини айтишганди. “Ўзбек ҳалқи жуда меҳмондўст. Юртингизда дўстларимиз кўп. Сизлар ҳам агар вақтингиз бўлса бизнига меҳмон бўлинглар” деб таклиф қилишганди. Ўшанда қўшни ўриндиқда уларни четдан кузатиб ўтирган Дилсора ҳар ким билан гаплашаверманглар дея қизларга бир неча бор дашном берганди.

— “Тоғ-тоғ билан учрашмайди, лекин одам-одам билан учрашади” деганлари шу экан-а, — дея аёл Маҳфузабилан Умидага бош-оёқ кўз югуртириди.

— Биз ҳам сизлар билан яна учрашиб қоламиз деб сира кутмагандик.

— Ўшанга ҳам бир йилдан ошди шекилли.

— Йўқ, икки йилу уч ой, — деди Умида ғамгин ҳолатда.

Улар ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, машина жойи-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

дан секин қўзғалди. Йўл-йўлакай Умида ҳамроҳларига бошларидан ўтказган воқеаларни гапириб берди. Улар эшитишар экан, гоҳида “вой абраҳлар-ей”, деб қўйишарди.

— Худонинг ўзи меҳрибон, сизларни бизга учраштириди. Энди хавотир олмасаларингиз ҳам бўлади. Биз сизларга ёрдам берамиз, деди ҳайдовчи меҳрибонлик билан.

Умиданинг ҳам, Маҳфузанинг ҳам кўнгли бўшаб йиғлаб юборишиди. Аёл уларни тинчлантиришга ҳаракат қилди.

— Имонсизлар, албатта жазосини олишади.

Тонг ёриша бошлаганида элчихона биноси рўпарасига машина етиб келиб тўхтади.

Умида билан Маҳфуза ҳамроҳларига раҳмат айтиб хайрлашаркан Насиба уларга йўл учун ишлатасизлар деб берган пулларини узатди.

— Йўқ пулларинг мендан кўра ўзларингга кўпроқ керак бўлади.

— Вой раҳмат, — дея улар яна бир бор раҳмат айтиб миннатдорчилик билдиришиди. Улар машинадан тушар экан кўзларига ишонишмасди. Рўпараларида элчихона туради. У томонга қараб ошиқишиди. Умида байроқ тагига етиб келиб, ипидан торта бошлади. Байроқ яқин қолганида қизлар йиғлаганча уни ўпиб, юз-кўзларига суртишиди. Шу вақт ичкаридан навбатчи чиқиб келди.

— Нима қиляпсизлар? Кимсизлар?

— Мен...Мен... Биз... ўзбекистонликмиз, — деди Умид. Маҳфуза эса йиғидан нарига ўтолмади.

Навбатчи индамай байроқ ипини тортиб юқорига кўтарди.

— Жон ака, илтимос, бу байроқда уйимни кўряпман. Бирпас бағримга босай.

— Буни тушириш мумкин эмас, яхшиси, ичкарига

кирайлик, ўша ерда гаплашамиз, — дея навбатчи қизларни бино ичкарисига бошлади.

— Биз алданган ва ўзгаларга сотиб юборилган қизлармиз, — деди Умида шоша-пиша.

— Тушунарли. Энди хавотир олмасангиз ҳам бўлади, элчихонадасизлар. Ҳозир элчи жанобларининг ўzlари ҳам келиб қолади.

Сўнгги кучига таяниб, Умидага суяниб турган Маҳфузга боши айланиб, ҳушсизланиб ерга йиқилди.

* * *

Иккинчи кундирки, ёмғир деярли тинмайди. Гоҳо озроқ вақт тўхтайдию кейин яна забтига олади. Бугун ҳам эрта тонгда шивиллаб туриб, сўнгра кучайди. Дераза ойнасига келиб урилаётган ёмғирнинг зарбли томчиларини Маҳфузга оғир тин олиб кузатди. Унинг озиб кетганлигидан кўзлари ичга чўккан, ёноқлари бўртиб чиққанди. Палатага оқ халатни эгнига кийган терговчи йигит кириб келиб у билан саломлашди.

— Мен ички ишлар идорасиданман. Ишингизни тергов қилиш менга топширилган. Сиз учун қанчалар оғир бўлса-да, бошингиздан ўтганларини гапириб беришингизга тўғри келади. Чунки сизнинг гувоҳлигиниз жиноятчиларнинг асл башарасини очишда бизга катта ёрдам беради, — деди.

Маҳфузда ҳолсиз шивирлади:

— Ака, ҳаммасини айтиб бераман... Олис юртларда бегуноҳ хор-зор бўлганлар ҳаққи-ҳурмати, ҳаёти барбод бўлиб, ватанига қайтиш сўнги илинжи бўлиб юртимиз тупроғини кўзига суртиш ниятида қон-қон йиғлаётган опа-сингиллар ҳурмати учун ҳам мен ҳаммасини айтаман, — деди Маҳфузча чуқур-чуқур хўрсишиб. Унинг ичи куйиб, кўз ёшлари юзига сирпаниб, лаблари титраб сўзлай бошлади: — Бизга элчихона чипта олиб берди.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Она юртимизга етиб келиб, психологлар кўригидан ўтдик.

— У ердан қочишимизга Насиба исмли аёл ёрдам берди. Афсус! Ўзи биз билан келолмади. Биздан кейин унинг аҳволи нима кечдийкин? Тирикмикин? — дея Маҳфузга ўзини тутолмай йиглаб юборди.

— Синглим, илтимос, ўзингизни қўлга олинг. Ҳаммаси ортда қолди, — деди терговчи йигит меҳрибонлик билан.

Маҳфузга бўлиб ўтган воқеаларни бирин-кетин айтиб бера бошлади ва сўнгида:

— Ўша пулнинг кетидан қувган одамфуруушларни ҳеч бир нарса билан оқлаб бўлмайди, — деди у асабий ҳолатда. — Бундайларнинг дастидан неча-неча қизларнинг аламли кўз ёшлари тўкилгандир. Қанчадан-қанча отоналар, ака-укаларнинг номусдан қадди дол бўлгандир. Ўз юртининг гулдек қизларини, ўзга юртларнинг ҳирс ўчоfiga ташлаётганларнинг уйи қачон куяди, ака? Қачон? — Маҳфузга яна йиглаган кўйи давом эта бошлади.

— Биласизми, менга алам қилгани, бизни ўзгалар эмас, ўзимизниklар шу кўйга солишгани...

Терговчи қўлидаги суратларни унга узатди.

— Мана буларни кўринг-чи. Уларни танийсизми?

Маҳфуз суратларни бирма-бир кўздан кечира бошлади.

— Аблаҳлар, — деб юборди у суратларни иргитиб. — Ўшалар!

У қўрқув ва жирканч кўринган суратларга қарагиси ҳам келмади. Терговчи сочилган суратларни ердан олиб тахлади. Уларни қайта Маҳфузага узатди.

— Сиз ҳаяжонланмай, таниганларингизни менга бирма-бир таништиринг. Ҳозир ҳаяжонга тушадиган пайтмас, синглим. Бу тергов учун муҳим.

— Мана буниси Лобар... — Маҳфуз суратларни бир-

ма-бир терговчига узата бошлади. — Буниси Нозима... Карим... Бу эса бизни пуллаган Дилсора... Аблаҳ... Ўлдирсанг ҳам кам буларни...

— Синглим, хавотирланманг. Албатта, улар жазосини олишади. Сиз тезроқ тузалишга ҳаракат қилинг, — дея Маҳфузанинг алам ва ўқинчдан қизара бошлаган ҳолатини кўриб терговчи суратларни йифиб папкага жойлаштириди ва шошилганича палатадан чиқиб кетди. Хонада шумшайиб Маҳфуза ёлғиз қолди.

* * *

Шифокорнинг пешонасидан тер оқа бошлаб йўғон игнани Маҳфузанинг қорнига санчди. Игна тешигидан оққан зардосимон сув жилдираб қуйидаги тоғорага туша бошлади. Кейин секин-секин томчилаб тинди. Қизнинг қорнидан игнани сугуриб оларкан, шифокор ундан сўради:

— Ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми? Бошқа жойингиз безовта қилмаяптими?

— Шукр, тузукман, — деди Маҳфуза инграпиб. — Фақат... бу оғриқларга чидашга бошқа бардошим етмайдими, деб қўрқаяпман, — дея қулт этиб ютинди.

— Тушкунликка тушманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Наҳотки, бу дарднинг бирон бир давоси йўқ бўлса?

— Биз оғриқни камайтирадиган, барча муолажалардан фойдаланаяпмиз. Бироқ улар бир оз вақт дардни енгиллатади, холос. Бирпасдан кейин яна оғриқ бошланади. Чунки сийдик йўлларингиз бекилиб қорнингизга сув йифилмоқда. Бу дарддан холос бўлишнинг ягона йўли фақат операция. Операция қилинсагина сиз соғайиб кетишингиз мумкин. Лекин яна бир томони — операциядан кейин камида бир йилга яқин тўшакда қимиirlамай ётишингизга тўғри келади. Ҳали тиббиёт-

Гулчехра РАЗЗОКОВА

да кашф этилмаган тилсимлар талайгина. Баъзида биз кутган ва ишонмаган ҳолатлар содир бўлади. Ўлишига кўзинг етиб турган бемор соғайиб, оёққа туриб кетади ва бошқаларга қараганда кўпроқ яшайди, – деди.

– Дўхтиржон... Мен... мен барча-барчасига розиман. Қанча операция бўлса ҳам, қанча оғриқлар бўлса ҳам майли, барчасига чидайман. Бу оғриқли азоблар менинг юрагим тубидаги чандиқли азоблар олдида ҳеч гапмас. Фақат сиздан илтимос, бу азоблардан мени тезроқ қутқаринг. Мен ҳаммасига тайёрман. Мен розиман. Ҳали қилолмаган ишларим учун яшашим керак, – деди Маҳфузанинг кўзларида ёш қалқиб.

– Жуда яхши. Сиз ана шу умидни сўндирамасангиз бўлгани, синглим. Биз қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиласмиш.

Шу пайт эшик очилиб “Мумкинми?” деган овоз эшишилди.

Палатага аввал Гавҳар, унинг ортидан қўлтиқтаёққа суюнган ҳолда Соҳибжон кириб келишди. Маҳфузза ҳаяжон ва хижолатдан шошиб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб бошини кўтарди. Шифокор уни “қимиirlамай ётинг”, дея адёлни кўксига ёпиб қўйди ва уларнинг сўрашишларини ҳам кутмай, “уни кўп уринтирманглар”, деганича чиқиб кетди.

– Дугонажон, яхшимисан? – дея Гавҳар Маҳфузани бағрига босмоқчи бўлди.

Соҳибжон билан Гавҳарни бирга кўриб ҳайратланди, сўнг ғаши келиб улардан кўзини олиб қочгандай девор томон қаради. Бир зумда унинг кўзидан ҳалқа-ҳалқа ёш сизиб чиқиб, икки юзини ювиб туша бошлади.

– Тузалиб қолдингизми? – сўради ундан Соҳибжон.

Маҳфузза ортиқ чидай олмади. Юраги ўксиниб уларга қаради. Нигоҳлар тўқнашди. Шунча йил ўтиб қадрдонларнинг бундай вазиятдаги учрашуви ҳар икки томон

учун кутилмаган ҳол эди. Ўртадаги ноқулай ҳолатни Гавҳар юмшатишига уриниб сўз очди.

— Дугонажон, ҳаммасидан хабаримиз бор. Раъно телефон қилиб айтди... Сен хижолат бўлма... Соғлифингни ўйла. Хўпми? Ҳаммаси ўтиб кетади... Мана мени айтди дерсан, ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан.

— Раъно дедингми? — дея курсдош дугонасини эслаб шивирлади Маҳфузга.

— Ҳа. У тиббиёт институтида таҳсил олмоқда. Ҳозир шу ерда жонлантириш бўлимида амалиёт ўтаяпти. Кеча навбатчилик қилган. Сен ҳақингда ундан эшитдим. Соҳибжон акамларга айтгандим, шу заҳоти “бориб кўриб келайлик”, деб қолдилар. Кейин биргалашиб келавердик. Жажжи қизимиз ҳам бизга эргашди. Аммо уни қайнона олиб қолдилар.

— Қизимиз?..

— Ҳа, айтгандай, Соҳибжон ака билан турмуш қурганимиз... Ҳаш-паш дегунча қизлик ҳам бўлдик.

Бола сўзини эшитиб энди Маҳфузанинг ичидан нимадир чирс этиб узилгандай бўлиб уларга қаради. “Турмуш қуриштан бўлишса, нега унда улар келишиди?”, деган савол хаёлидан ўтди. Соҳибжон Маҳфузанинг хаёлидан кечган ўйни сезгандай, гап бошлади:

— Маҳфуз, шифохонада ётиш нима эканлигини мен яхши биламан. Жойимдан қимирламасдан, тўшакка михланиб олти ой ётганман. Оллоҳим меҳрибон экан, мана, яна оёққа турғазди. Сиз ҳам, худо хоҳласа, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз. Мана, дўстларингиз ёнингиздамиз. Операция учун қанча пул, дори-дармон керак бўлса, қўлдан келганча ёрдам берамиз, хавотир олманг.

— Ҳа, дугонажон, — Гавҳар стулни олиб Маҳфузга ётган каравотга яқинроқ сурисиб ўтирди. — Фақат сен тузалиб кетсанг бўлгани.

Бу илиқ, самимий сўзларга жавоб берувчи Маҳфуз-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

да на ҳол, на тил-забон бор эди. Фақат қилган гуноҳлари кўзларида пушаймон ёши бўлиб, юзларидан оқарди.

— Овора бўлманглар. Менга ҳеч нарса керак эмас, — деди кўзидағи ёшларини артиб Маҳфуза. — Юртимга келиб, ўз тупроғимда ўлсам бўлдийди, деб худога ёлворгандим. Мана, шукурки, юртимга келдим. Менга шунинг ўзи етарли. Армоним қолмади. Лекин баридан пушаймонман.

Табиийки, Маҳфуза бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар таъсиридан, унинг аламлари гирдобидан, ҳали тўлиқ чиқиб кетолмаган эди. Шу сабабми, бундай пайтда икки дугонани ёлғиз қолдириш керак, деган хulosага келган Соҳибжон Гавҳарга қараб:

— Сиз дугонангиз билан бемалол гаплашаверинг. Мен докторларнинг олдида бўламан, — деб улар билан хайрлашиб палатадан чиқиб кетди. У кетгач, орага жимлик чўкли.

— Гавҳар, — деди секингина Маҳфуза. — Унинг товушида мунг, азоб, — бари-бариси жамулжам эди.

Гавҳар унинг қўлларини ушлади.

— Ростини айт, нега келдиларинг?

— Қизиқсан-а, Маҳфуза, сени бир неча йил кўрмадик. Соғиндик, — деди Гавҳар дугонасининг саволидан ҳайрон бўлгандай. — Бунинг устига бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, қандай чидаб ўтиrolаман? Эсинг жойидами ўзи? Ҳаммасини била туриб тескари қараб кетмаймиз-ку! Очиги, “одам тафтини одам олади” дейишади-ку, бизни кўриб оз бўлса ҳам юпанасан дегандик. Ҳечқиси йўқ, бари ўтиб кетди. Фақат сен кўпам сиқилаверма. Ўзингни айблаб ҳар хил ёмон хаёлларга бораверма, хўпми? Энди доимо бирга бўламиз, ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан.

— Мени кечиринглар, мен кўп аҳмоқликлар қилдим.

— Маҳфузанинг кўнгли юмшаб, дугонасининг қўлла-

рини қучиб юзига босди. – Ўшанда, фақат ўзимни ўйлаганман. Нима қылсам ҳам, роҳат фароғатда яшашни орзу қиласадим. Ўша оддий кунларим, билсанг ҳаётимдаги энг баҳтли дамлар экан. Мен аҳмоқ ҳаётнинг қадрига етмабман. Кўзим кўр, сўқир бўлган экан. Мана энди, мол-дунё, бойлик ортираман, деб ҳамма нарсамдан, соғлиғимдан, номусимдан, бутун борлиғимдан айрилдим. Бу дардларни қандай кўтараман?.. Бу кунимдан кўра ўлганим яхшироқ эмасми?..

– Майли, ичингдагини гапириб ол, бўшашасан, енгил тортасан, – деди Гавҳар дугонасига далда бериб.

Маҳфузা чуқур уҳ тортди, сўнг кўз ёшларини артиб нафасини ростлади. Гавҳарнинг кўзларига тик боқиб дардини тўкиб солишда давом этди:

– Менинг гапимга кириб, ўзга юртларда Умида хору зор бўлди. Унинг гулдек умрига зомин бўлдим. Менинг гапимга кириб Соҳибжон акам ҳам, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Аҳмоқлигим учун жигаргўшам – акамнинг ёш умри жувонмарг бўлди. Эй Оллоҳим, ўз бoshимга ўзим сотиб олган бу дард аламларни, бу кечирилмас гуноҳларни, мен энди қандай кўтараман? Ўзи мен нима учун тирик қолдим, нега яшаяпман, Гавҳар? Қани, сен менга айт, дугонажон... Энди бу ёруғ оламда яшашимдан не наф? Ахир, бўғзимгача гуноҳга ботган одам бўлсам, худойим нега менга ҳаёт бераяпти, айт?! Нега жонимни олмаяпти? Йўқ, бу айбларим билан менинг яшашга ҳаққим йўқ! Яшашни истамайман! Эй худойим, ушоққина жонимга озор бермай, тезроқ омонатингни ола қолсанг бўлмайдими? – деди инграган кўйи Маҳфузा.

– Сен ўзингни кўпам айблайверма. Ўтган кунларни эслама ҳам. Барини унут! Пешонангга шундай синовлар ёзилган экан. Ўзингни энди қўлга ол. Ҳали ҳаммаси олдинда, эртанги кунингни, келажагингни ўйла.

– Мудҳиш воқеалар эсимга тушаверади. Уларнинг

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

исканжасида адою тамом бўлдим. Бутун вужудим ўша қора кунлар алангасида куйиб кулга айланаяпти! Умидани ҳам қанчалар қийноқларга солмадим. Лекин унинг олдида бир умр қарздорман. У менинг халоскорим, у бўлмаганида мен юртимизга келолмасдим. Ўша ёқларда... ўлигим қолиб кетарди...

— Энди кўп қайфурма, дугонажон. Ҳали ҳамма яхши кунлар олдинда. Биз сенинг ёнингдамиз. Соғайиб, оёққа туриб, ҳаётингни қайтадан бошлашингга ёрдам берамиз, — деди Гавҳар Маҳфузани маҳкам бағрига босаркан.

Улар унсиз йиғлашарди. Бир оздан сўнг Маҳфуза ҳушига келгандай бўлиб сўради:

- Гавҳар...
- Лаббай.
- Қачон тўйларинг бўлди?

— Яқинда уч йил бўлади. Эсингда бўлса, Соҳибжон aka мен ишлайдиган травматология шифохонасида ётарди. Ўшанда докторлар уни “қайта оёққа турмайди” деб айтганди. — Гавҳар чуқур хўрсинди. — Ўзи ҳам олти ой ичида уч маротаба операция қилинди. Ота-онасининг кўрсатмаган шифокори қолмади. Ўша кезлари у нуқул мендан сени сўрар эди. Сенинг келишингни кутарди. Унга раҳмим келарди. Кетганингдан кейин ўзим қараб турдим. Ҳазил-хузул қилиб кўнглини кўтаришга ҳаракат қиласдим. Барча муолажаларни ўзим қилиб, сўнгида унга кераклигимни тушуниб етдим. Шифохонадан қўлтиқтаёқда чиқдилар. Аммо кўп ўтмай уйдагилари менинг қўлимни сўраб келишиди. Шу билан... тўйимиз бўлди.

- Сен ҳозир баҳтлимисан? — дея энтиқди Маҳфуза.
- Баҳтлиман, дугонажон, баҳтлиман! — деди Гавҳар хурсандчилик билан.
- Тўғри айтдинг. Сен жуда ҳам баҳтлисан. Оила қу-

риш, фарзандли бўлиш, севиб-севилиш инсоннинг энг олий бахти эканлигини эндиғина тушунаётгандайман. Афсус, кўзим жуда кеч очилди. Очифи, сенга ҳавасим келаяпти. Қолаверса, сен ўшандада унга турмушга чиқиб жуда тўғри иш қилган экансан. Мен-чи? Мен бўлсам... Умид қилиш, севги, севилиш учун керак бўлган барча бойлигини йўқотган бахтиқароман. Ҳаётимни ўз қўлим билан барбод қилдим. Мол-дунёни деб, ушалмас орзу-ҳавас учун ўзлигимни йўқотдим. – Маҳфузанинг кўзлари ёшланди. Ўпкаси тўлиб йифлади. – Мени иложи... бўлсá... мени кечиринглар... Соҳибжон aka мени деб шу аҳволга тушди. Сен эса бир ногирон инсонга ёрдамим тегсин деб, тақдирингни унга боғлабсан. Аслида мен беришим керак бўлган меҳрни, сен унга кўрсатиб бахтли қилгансан. Сенга минг бор раҳмат... Бариси учун раҳмат, – деди Маҳфузда дугонасининг кўзларига тикилиб. Сўнг сизиб чиқаётган кўз ёшларини чаккасидан артди.

– Биз аллақачон сени кечирганмиз. Ҳозир кўп сиқилаверма. Келаси ойда Москвадан профессор врачлар келишаркан. Улар Соҳибжон акамларни операция қилишга ваъда беришибди. Умид қиласяпмиз, зора улар ўз оёқлари билан юриб кетсалар деб.

– Илоҳим, шундай бўлсин, – деди, Маҳфузда енгил тин олиб.

– Кейин, Соҳибжон акамлар сенинг тузалиб кетишинг учун профессор Маҳкам Собировни операция учун жалб этмоқчи. Улар бу соҳадаги энг кучли жарроҳлардан ҳисобланади.

– Нега?.. Нима учун?.. Ахир, бу қайси хизматларим учун менга берилаётган мукофот? Мен сизларга нима яхшилик қилувдимки, сизлар менга ҳиммат кўрсата-япсизлар? Ундан кўра...

– Дугонажон, бу гапларни қўй. Ҳар бир инсон ада-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

шиши мумкин. Ўзингни бунчалар кўп қийнайверма. Ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади.

Шу пайт эшик очилиб, ичкарига ҳамшира қиз кириб келди. У Маҳфузага муолажани қилиб бўлгач:

— Энди бу муолажадан кейин, сиз дам олишингиз керак, — деди у Маҳфузага. Ҳамширанинг гапидан сўнг Гавҳар ҳам секин ўрнидан турди.

— Дугонажон, тезроқ тузалиб кетгин. Биз сени кўргани яна келамиз, — деди самимий оҳангда.

— Келганингиз учун сизларга раҳмат, дугонажон. Соҳибжон ака билан соғ ва баҳтли бўлинглар.

Гавҳар у билан хайрлашиб хонани тарк этди. Маҳфуза ўрнидан бир амаллаб туриб мадорсизланганча дераза томон юрди. Ҳовлидаги йўлак бўйлаб Соҳибжоннинг қўлтиғидан ушлаган ҳолда Гавҳар кетиб борарди. Маҳфуза уларнинг ортидан маъюс тикилиб қолди. Шу лаҳзаларда унинг вужудини афсус-надомат, ғам-ғуссалар яна чулғаб олганди. “Мен Соҳибжон ака билан баҳтли яшашим мумкин эди-ку. Нега, у ёрдамга муҳтоҷ бўлган вақтида, мен унинг ёнида қолмадим. Ўзга юртларда саргардон бўлиб, ит азобларини кўришим, аслида ношукчилик қилиб, мўмай даромад орқасидан қувишим эмасми?” дея ўзини ич-ичидан койиди. Бир оздан сўнг яна “Ахир, бу қисмат бўлиши мумкин-ку! Менинг тақдиримга ёзилган қисмат!” деган хаёл билан ўзини юпатгандай бўлди. Шу топда биргина қисмат тушунчasi унинг жонига оро кирди. Бироқ юрагининг тўрида у ўзи яратган қисматини ич-ичидан тан олгиси келмасди. Шунинг учун қалбида яна бир бошқа садо жарангларди. Қисмат, агар у чиндан ҳам бор бўлса, нега инсонлар унинг қўлида қўғирчоқ бўлади? Ахир, у тақдирини бошқача тарзда яратиши, тўғри йўлни танлаши ҳам мумкин эди-ку! Агарда ўшанда у, тўғри йўлни танлаганида, ҳаёти ўзгача тус олган бўлмасдими?”

Маҳфуза шуларни ўйлар экан, бошини ёргудай бўла-

ётган жазавадан, ўз-ўзлигидан, қолаверса, ўз ихтиёри билан яратган ўз қисматидан ич-ичидан нафратланиб кетди. Фофиллиги учун ўзини кечиролмади. Күзларидан ёш қуюлиб, юзига оқиб тушди. Дераза раҳидан тушаётган қуёш нурларида бу күз ёшлари гүёки марварид доналаридек йилтирас эди.

* * *

Орадан уч ой ўтди. Умида хурсанд ҳолда палатага кириб келиб Маҳфузани бағрига босиб, қаттиқ қучди.

— Дугонажон! Ҳаммаси тугади... ҳаммаси... Ўша жирканч, ўз нафсини бизнинг ҳақ-хуқуқларимиздан устун қўйғанларнинг кирдикорлари терговда тўлиқ фош этилди. Содир этган жинояти учун улар суднинг қора курсисига ўтиришга ва қилмиши учун жавоб беришига тўғри келди. Уларга суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

— Жуда ҳам яхши хабар, — дея чукур тин олди Маҳфуза кўзига ёш қалқиб. — Энди у ёқдагилар қайтишармикин?

— Насиба опадан хабар келди. Элчиҳонада экан, узоги ўн кун ичидан келармиш. Лекин сенинг касалхонада эканлигинги эшитиб росаям хафа бўлди. Мен борганимча уни эҳтиёт қил, бориб ўзим унга қарайман, соғлиғи учун қайғураман, деди.

— Ҳа, Насиба опа оқкўнгил, яхши аёл. Агар у бизга ёрдам бермаганида ватанимизни қайта кўра олармидик? Сенга ҳам раҳмат. Жуда матонатлисан. Агар сен мени у ердан олиб чиқмаганингда, у ёқлардаги йиртқичларга ем бўлармидим? — Маҳфуза бирпас сукут сақлаб яна гапини давом эттирди: — Умида, қаттиқ афсусдаман, мени деб бошингдан қанча қийинчиликларни, ғамандуҳларни ўтказмадинг. Буларнинг барига мен айборман. Ҳа-ҳа, мен айборман. Мени кечир, дугонажон!

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Маҳфузा, мен гина-кудуратни унуганман. Сен ҳам унутишга ҳаракат қил.

— Инсон эртанги куни яхши бўлишини истаса, ҳар бир қадамини ўйлаб босиши керак эканлигини тушуниб етдим. Бўлмаса, алдов тўрига илиниб худди мен каби ҳаётини барбод қилади ва умри мажруҳликка маҳкум бўлади.

— Унақа хаёлларга борма. Энди ҳаммаси яхши бўлади. Бир-икки ойдан сўнг оёққа ҳам туриб кетасан. Ҳозир Соҳибжон билан Гавҳар таниш доктори Акмал Мирзаев билан гаплашиб туришган экан. Мен уларнинг ёнига борганимда “бундай операциялар камдан-кам ҳолларда муваффақиятли чиқади. Бу қизнинг омади бор экан, тузалиб кетади”, деганини эшитдим. Шунда хурсанд бўлиб сенинг олдингга югурдим. Уйинга жавоб бергач, Тиббиёт институтига кириш учун биргаликда тайёргарлик кўрамиз. Ахир, орзу қиласдик-ку, оқ ҳалатда шифокор бўлиб, бошқаларнинг дардига малҳам бўламиз деб.

— Қанийди шундай бўлса, — энтиклиди Маҳфузা.

— Бўлади! Ҳаммаси яхши бўлади. Чин дилдан мақсад сари интилсанг ҳаммаси амалга ошади.

Шу пайт эшик очилиб Гавҳар кириб келди. У Маҳфуза билан сўрашиб, қўлидаги қофоз халтада олиб келган меваларни тумба устига жойлаштира бошлаб, унга тушунтира кетди:

— Доктор Акмал Мирзаев бизга яхши хабар айтдилар. Сенга меваларни ейшингга рухсат берилди. Энди витамин нарсалар, олма, нок, анор каби меваларни еб тезда оёққа туришинг керак. Соҳибжон aka улар ёзиб берган дориларни олиб келиш учун дорихонага кетдилар. Бугундан муолажаларинг ҳам ўзгарапкан.

— Раҳмат сизларга... Мен... олдингизда бир умрга қарздорман... Қилган яхшиликларингизни қандай қайтараман?..

— Бу гапларни гапирма. Ахир, биз дўстмиз-ку!

Гапни бошқа мавзуга буриш учун сұхбатга Умида аралашди:

— Гавҳар, кеча қизингни кўриб, хурсандчилигимдан кўзларимга ёш келди. У қўйиб қўйғандай Соҳибжон аканинг ўзи бўлибди, — деди хурсанд оҳангда.

Маҳфуза Умиданинг ўз боласи ҳақида гапираётгандай хурсандчилигидан асабийлашиб: “Мен Умидани ёмон йўлга бошладим. Халоскорим у бўлиб чиқди. Бугун дугонасининг боласи ҳақида, худди ўз боласидай лабидан бол томиб сўзламоқда. Нега? Нега менда Умиданинг қалбидай қалб йўқ? Нега мен ҳар доим ўз манфаатими ни устун қўйдим? Устун қўйиб баҳтга эришолдимми? Йўқ. Шунча азоб-уқубатни мени деб бошидан кечирган Умида бугун ҳам баҳтли. Худди ҳаётини бугундан бошлаган-у, ўтмиши йўқдай. Мен эса... мен ҳамон қоронғи хотиралар, зулматга қорилган кўнгил биланман. Нега мен Умидадай баҳтли эмасман? Нега Умиданинг юрагидай юрак менда йўқ?” деган ўй билан бармоқлари мушт бўлиб тугилди ва:

— Ўзгармоғим, одамларни яхши кўрмоғим, уларга меҳр кўрсатмоғим керак, — деган бир сас унинг қалбидан отилиб чиқди.

Адабий-бадиий нашр

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ЧИМИЛДИҚ КҮРМАГАНЛАР

Қисса

Масъул мұхаррир:	А.Қоржовов
Мұхаррир:	О.Қанаев
Тех.мұхаррир:	Г.Курбанбаева
Бад.мұхаррир:	Р.Ташматов
Саҳифаловчи:	Н.Мирзаматова

**Босишига берилди 10.04.2017. Қоғоз бичими 60x84 1/16
“Virtec Times UZ” гарнитураси.**

Нашр босма табоги 12,0 Адади 3000 Буюртма №17

**«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
Нашриёт лицензияси: АI №270**

**«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.**



Гулчехра РАЗЗОКОВА

Журналист, юрист, иқтисодчи.

Унинг "Бахтнинг олис остонаси",
"Осмон нега қоронғу?", "Кунларимни
йиғлатма, орзу", "Адашганлар",
"Юлдүзсиз тұнлар" номли ҳикоя ва
қысалардан иборат китoblari нашр
этілген.

ISBN 978-9943-994-62-1



9 7 8 9 9 4 3 9 9 4 6 2 1

